


ТДИУ ҲАЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

**СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ
ЙЎНАЛИШИ**

**«СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ»
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: ТДИУ “Солиқлар ва сугурта иши” кафедраси и.ф.н, доценти Базаров Қ.Т., ТДИУ “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиши Бабаев Ш.Б

Такризчи: ТДИУ “Солиқлар ва сугурта иши” кафедраси и.ф.д., профессори Алимарданов М.И

Модулнинг ишчи дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитиша фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	17
III. Назарий материаллар.....	23
IV. Амалий машғулот материаллари.....	66
V. Кейслар банки.....	109
VI. Мустақил таълим мавзулари	128
VII. Глоссарий	131
VIII. Адабиётлар рўйхати	137

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 31 декабрда қабул қилинган Солик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Солик маъмуриятчилиги” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини инновацион таълим технологияларига доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Солик маъмуриятчилиги” модулининг вазифалари:

“Солик маъмуриятчилиги” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

-замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

-педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- тингловчиларда соликقا тортиш амалиёти бўйича инновацион таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир проектив, прогностик ва креатив компетентликни ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни, шунингдек таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда хуқуқий-меъёрий хужжатларни;

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солик хизмати тўғрисида”ти қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллатириш концепцияси”да белгиланган солик сиёсатининг асосий йўналишларининг можияти ва аҳамиятини;

- Ўзбекистон Республикасида солик сиёсати, унинг яқин истиқболдаги вазифалари ва стратегик йўналишларини ретроспектив ва перспектив баҳолаш;

- Ўзбекистонда бевосита соликларни солик тушумларидағи салмоғи ва қиёсий таҳлили, ўзгариш тенденцияларини ишлаб чиқиши.

- Республикада солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда амалда қўллаш самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиши;

- Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга тақдим этилган интерактив хизматлардан амалда фойдаланиш;
- иқтисодиёт соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаларини қўллаш;
- давлат солиқ хизмати органларида фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан фойдаланиш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- мамлакат солиқ тизимиға оид янгиликлар, долзарб масалаларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- солиқ тўловчиларни сегментлаш ва назорат қилишни **билиши керак**.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини билиши;
- солиқ маъмуриятчилигини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни;
- давлат солиқ хизмати органлари қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилишни;
- солиқ хизмати органлари фаолияти сифатини назорат қила олишни;
- солиқ хизмати органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали усусларидан фойдаланишни;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- Ўзбекистон Республикаси бюджети ва солиқ тизимларидағи халқаро интеграция ва уни амалиётга тадбиқ қилиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш.
- Бюджет даромадларини прогнозлаштириш ва тушумларни назорат қилиш **кўникмаларга эга бўлиши керак**.

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни, шунингдек таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда хуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ўқув жараёнида самарали фойдалана олиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- Солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортиш амалиёти мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- солиқ соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълим жараёнини лойиҳалаш;
- соликларни ҳисоблаш ва солиқ ҳисботларини тузишда ахборот технологияларидан фойдалана олиш ҳамда ўқув жараёнига тадбиқ этиш;

- солиқ солишининг миллий ва халқаро тажрибаларини қиёсий таҳлил қила олиш ҳамда таълим жараёнида қўллаш;
- солиқ органларида соликлар ҳисобини юритишида маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланишга оид **малакаларига эга бўлишии зарур**.

Тингловчи:

- халқаро соликқа тортиш жараёнларини чукур таҳлил этиш ва олинган хулосаларини кенг жамоатчиликга тушунтириб бера олиши ҳамда солик соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- макроиктисодий ва солиқ кўрсаткичларни тизимли равишида таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтира олиши;
- соликларни ҳисоблаш ва солиқ ҳисоботи маълумотлари асосида бюджет тушумлари истиқболини белгиловчи оптимал бошқарув қарорларини қабул қила олиш;
- солиқ солиши амалиётини ташкил қилиш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги тартиб ва қоидаларни амалиётга жорий қила олиш;
- соликларни ҳисоблаш ва ундириш амалиёти механизмларини такомиллаштиришида фаол қатнашиш **компетенциясига эга бўлишии зарур**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Солиқ маъмуриятчилиги” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги глобаллашув шароитида бюджет ва солиқ сиёсати ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда мамлакатимиз солиққа тортиш тизимидағи ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Солиққа тортиш соҳасида замонавий педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Аудитория ўқув юкламаси жумладан		
			Назарий машгулот	Амалий машгулот	Кўчма машгулот
1	Солиқ муносабатларини тартибга солища солиқ маъмуриятчилиги тизимининг илмий-услубий асослари ва аҳамияти	6	2	4	
2	Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги: муаммолар ва истиқболдаги вазифалар	8	4	4	
3	Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишнинг хусусиятлари	6	2	4	
Жами:		20	8	12	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Солиқ муносабатларини тартибга солища солиқ маъмуриятчилиги тизимининг илмий-услубий асослари ва аҳамияти

«Ёшлиарни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш или»да Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг назарий, амалий асослари. Солиқ маъмуриятчилиги тизимини вужудга келишининг иқтисодий шарт-шароитлари.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ маъмуриятчилигининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. Солиқ маъмуриятчилиги асосий йўналишлари: мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисботларини тубдан қисқартириш

юзасидан комплекс чора-тадбирлар. Солиқ маъмуриятчилиги ни ташкил этишда маҳсус дастурий маҳсулларни аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари таркиби ва тузилиши. Солиқ маъмуриятчилиги янада такомиллаштириш мақсадида солиқ органларини модернизациялашнинг асосий йўналишлари. Давлат солиқ хизмати органларининг функциялари. Солиқ маъмуриятчилиги тизимида давлат солиқ хизмати органлари билан бошқа орган ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги: муаммолар ва истиқболдаги вазифалар.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш, хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш, солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш.

Солиқ ва солиқ режимларини бирхиллаштириш, шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, солиқ юкини (камайтириш ва бараварлаштириш) оптималлаштириш, солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида уларни тақдим этишининг аниқ мезон ва механизмларини белгилаш, солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасида фарқни имкон қадар камайтириш, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда ролини кучайтириш ва ҳиссасини ошириш, хорижий давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, таваккалчиликларни баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва иқтисодий фаолият соҳасида хуфиёна айланма ҳамда назорат қилинмайдиган даромадлар кўламини қисқартириш, солиқ қонунчилиги соҳасидан ташқарида фаолиятни амалга оширадиган шахсларни норасмий сектордан чиқишига (қонунийлашишига) қўмаклашиш, Трансферт нархни белгилаш соҳасида солиқ маъмуриятчилигининг янги услубларини жорий этиш.

3-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишнинг хусусиятлари.

Солиқ маъмуриятчилиги солиқ тарғиботи ва ахборот-маслаҳат хизмати. Солиқ тўловчилар билан ишлашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Солиқ маданиятини ошириш. Солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар турлари. Солиқ тўловчиларни қабул қилишни ташкиллаштириш. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш масалалари.

Хорижий мамлакатларда солиқ маъмуриятчилигини ташкил этилиши. Хорижий мамлакатларда солиқ муносабатларини шаклланганлиги. Солиқ маъмуриятчилиги асосий субъектлари ва уларнинг функциялари. Солиқ тўловчилар билан иш ташкил қилишнинг хусусиятлари. Солиқ органлари

назорат фаолиятини ташкил қилишнинг шакллари ва усуллари. Солиқقا оид хуқуқбузарлик учун жавобгарлик чоралар. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмуритчилигини самарали ташкил этиш тажрибасидан мамлакатимиз солиқ маъмуритчилигини янада такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Солиқ муносабатларини тартибга солишда солиқ маъмуритчилиги тизимининг илмий-услубий асослари ва аҳамияти

«Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да Солиқ маъмуритчилигини такомиллаштиришнинг устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг назарий, амалий асослари. Солиқ маъмуритчилиги тизимини вужудга келишининг иқтисодий шарт-шароитлари.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ маъмуритчилигининг моҳияти ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. Солиқ маъмуритчилиги асосий йўналишлари: мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуритчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар. Солиқ маъмуритчилиги ни ташкил этишда маҳсус дастурий маҳсулларни аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари таркиби ва тузилиши. Солиқ маъмуритчилиги янада такомиллаштириш мақсадида солиқ органларини модернизациялашнинг асосий йўналишлари. Давлат солиқ хизмати органларининг функциялари. Солиқ маъмуритчилиги тизимида давлат солиқ хизмати органлари билан бошқа орган ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

2- амалий машғулот:

Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуритчилиги: муаммолар ва истиқболдаги вазифалар.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш, хизмат қўрсатишига йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш, солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши қурашиб механизmlарини ривожлантириш.

Солиқ ва солиқ режимларини бирхиллаштириш, шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, солиқ юкини (камайтириш ва бараварлаштириш) оптималлаштириш, солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида уларни тақдим этишнинг аниқ мезон ва механизmlарини белгилаш, солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасида фарқни имкон қадар камайтириш, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда ролини кучайтириш ва ҳиссасини ошириш, хорижий давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, таваккалчиликларни баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва

иқтисодий фаолият соҳасида хуфиёна айланма ҳамда назорат қилинмайдиган даромадлар кўламини қисқартириш, солиқ қонунчилиги соҳасидан ташқарида фаолиятни амалга оширадиган шахсларни норасмий сектордан чиқишига (қонунийлашишига) қўмаклашиш, Трансферт нархни белгилаш соҳасида солиқ маъмуриятчилигининг янги услубларини жорий этиш.

3- амалий машғулот:

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишнинг хусусиятлари.

Солиқ маъмуриятчилиги солиқ тарғиботи ва ахборот-маслаҳат хизмати. Солиқ тўловчилар билан ишлашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Солиқ маданиятини ошириш. Солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар турлари. Солиқ тўловчиларни қабул қилишни ташкиллашириш. Солиқ қонунчилигини такомиллашириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш масалалари.

Хорижий мамлакатларда солиқ маъмуриятчилигини ташкил этилиши. Хорижий мамлакатларда солиқ муносабатларини шаклланганлиги. Солиқ маъмуриятчилиги асосий субъектлари ва уларнинг функциялари. Солиқ тўловчилар билан иш ташкил қилишнинг хусусиятлари. Солиқ органлари назорат фаолиятини ташкил қилишнинг шакллари ва усуллари. Солиқقا оид хуқуқбузарлик учун жавобгарлик чоралар. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмуриятчилигини самарали ташкил этиш тажрибасидан мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллашириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Кенг кўламли сұхбат. Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига дикқатларини қаратса олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва

бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

Пресс-конференция. Қисқа сўзга чиқищдан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш. Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англашга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Конуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-508-сон Конуни
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон конуни
10. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2014 й., 36-сон
11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. (Янги таҳрири) Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон)

12. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.,1-сон

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрь Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4555-сон қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 март “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрель “Коронавирус пандемияси даврида ахоли, иқтисодиёт тармоқлари ва

тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони қабул қилинди

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 май “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5996-сонли Фармони

26. 2020 йил –«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш иили» Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Куч-адолатда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси. 2020 йил 25 январь. № 3-4 (777)

III. Махсус адабиётлар

27. Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др.; Цифровая экономика: 2019: краткий статистический сборник / Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с

28. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

29. Гадоев Э, Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2019. - 336 б

30. Гадоев Э. ва бошқалар. Билвосита солиқлар: ҚҚС, Акциз солиғи. Ўқув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 328 бет.

31. Гадоев Э. ва бошқалар. Фойда солиғи. Ўқув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 408 б.

32. Гадоев Э. и др. Упрощённая система налогообложения. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 стр.

33. Гадоев Э.Ф. Налог на доходы физических лиц. Учебное пособие -Т.: Норма, 2011. - 312 стр.

34. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

35. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.

36. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

37. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

38. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “Академнашр”, 2011. - 472 б.

39. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

40. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.

41. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
42. С.Худойқулов, Ш.Бабаев. Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт. 2019.-305 б.
43. Санакулова Б. Кичик бизнес ва тадбиркорликни соликка тортиш. Ўқув қўлланма. -Т.: Ношир, 2012. - 236 б.
44. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
45. Ўзбекистон Солиқ тизими Мустақиллик йилларида. Расмий нашр. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2011. – 150 б.
46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
47. Alimardanov M., Xudoyqulov S., Yusupov O., Agzamov A. Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. Darslik.-Т.: «Cho'lpon nomidagi NMIU», 2014. -218 bet.
48. Djurayeva K. Soliq tizimida dasturiy mahsullar. 2-qism “Soliq inspektorining avtomatlashtirilgan ish joyi – yuridik shaxslar” dasturiy majmuasi. O‘quv qo‘llanma. -Т.: El_press, 2013. -141 b.
49. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
50. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
51. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
52. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
53. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
54. Vahobov.A.V, Jo`rayev.A.S. Soliq va soliqqa tortish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018.-408 b.

IV. Интернет сайtlар

55. www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
56. www.edu.uz.- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
57. www.aci.uz.- Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси.
58. www.ictcouncil.gov.uz.- Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш.
59. www.bimm.uz.- Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмасинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар мухитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалashi, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳолосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»


Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.


Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив қўниммаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гурухи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.
- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гурухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.
- Ҳар бир гурух ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар





Венн диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – күчсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниңг муваффакияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қўйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи

тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жихатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни грандан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Солиқ муносабатларини тартибга солишда солиқ маъмуриятчилиги тизимининг илмий-услубий асослари ва аҳамияти (2 соат)

Режа

1. Иқтисодиётимизнинг янада жадал ривожланишида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари
2. Солиқ маъмуриятчилигини ташкил қилишнинг назарий асослари
3. Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришда Давлат солиқ маъмурчилиги босқичлари: режалаштириш, прогнозлаштириш, соликлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати
4. Солиқ сиёсатида Солиқ маъмуриятчилигининг асосий йўналишлари

Калит сўзлар: Солиқ маъмуриятчилиги, солиқ маъмурчилиги функциялари, тадбиркорлик, саноат тармоғи, фермер хўжаликлари, иқтисодий самарадорлик, ишлаб чиқариш, ялпи, товар маҳсулот, ялпи даромад, соғ даромад, фойда

1. Иқтисодиётимизнинг янада жадал ривожланишида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви шароитида соликлар воситасида бир томондан тартибга солиш иккинчи томондан эса рағбатлантириш ҳамда иккала жараённи тўғри ташкил эта олиш хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятининг бозор муносабатларининг иқтисодий талабларига мослашишида, уларнинг босқичма-босқич ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан кейинги йилларда солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, айрим йўналишлар бўйича солиқ солиш тизимларини такомиллаштириш бўйича қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тизими олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ушбу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Ўз навбатида, солиқ тизимининг самарали фаолият кўрсатиши эса мамлакатда солиқ маъмурчилиги қандай ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Юқоридаги сабабларга кўра, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиёти принципларига жавоб берадиган солиқ тизимининг шаклланганлиги, Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг қабул қилинганлиги, солиқларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмларининг жорий этилганлиги, солиқ органлари яхлит тизимининг яратилганлиги бозор инфратузилмасини шаклланиши ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бироқ, мамлакатимиз амалиёти ва илғор хориж тажрибасининг чуқур таҳлили республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, таҳлилларнинг кўрсатишича, солиқ органларининг функциялари, ваколатлари ва тузилмаси замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиганда, улар фискалъ-молия органлари тузилмасида, энг аввало, солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш Давлат бюджети даромадлар қисмини барқарор шакллантиришнинг белгиланган топшириқларини бажариш масалаларида ҳали етакчи ўринни эгаллагани йўқ.

2. Солиқ маъмурчилигини ташкил қилишнинг назарий асослари

Мамлакат аҳолиси, шунингдек, хўжалик субъектлари солиқ маъмурчилиги тўғрисида аниқ ва тўлиқ тасаввурга эга эмас. Иқтисодий адабиётда солиқ маъмурчилиги хусусида турлича иқтисодий қарашлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш эҳтиёжи вужудга келмоқда. Юқоридаги масалаларга аниқлик киритмасдан туриб, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришни амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларнинг барчаси танланган диссер- тация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради, ушбу мавзуда мустақил, маҳсус чуқур илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Солиқ маъмурчилигининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишлиланган дастлабки ишлар россиялик иқтисодчи олимлар Бурцев Д.Г., Грунина Д.К., Горский И.В., Дадашев А.З., Дуканич Л.В., Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. ва бошқалар томонидан амалга оширилиб, уларда Россия Федерациясидаги солиқ маъмурчилигига тегишли бўлган ҳолатлар ўз аксини топмоқда¹.

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигининг айрим амалий жиҳатлари О.Қ.Абдураҳмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, О.К.Иминов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Б.Э.Тошмурадова, Ш.А.Тошматов, Қ.А.Яҳъёев, Н.Р.Қўзиева, Н.Ҳ.Ҳайдаров ва бошқаларнинг илмий ишларида² таҳлил қилинган. Бироқ, ушбу масала ҳозирга қадар илмий

¹ Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. Учебное пособие. М.: изд-во Омега Л.,2005. – 408 с.; Грунина Д.К. Основы налогового администрирования. – М.: ФА при Правительстве РФ, 2003.– 148 с.; Дадашев А.З., Лобанов А.В. Налоговое администрирование в Российской Федерации. – М.: Книжный мир, 2002. – 202 с.; Бурцев Д.Г. Изменения в налоговом администрировании в условиях модернизации налоговых органов // Налоговый вестник. 2002. № 1. С.23-27.

² Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Солиқлар ва соликка тортиш / Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009. – 448 б.; Ваҳобов А. ва

тадқиқотчилар томонидан мустақил тадқиқот обьекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини янан самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, уни амалга ошириш лозим.

Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. а) солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқариш тизимиdir. б) солиқ маъмурчилиги давлат солиқ сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қилади. в) солиқ маъмурчилиги солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; г) солиқ маъмурчилиги солиқ хуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солиқ механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д) солиқ муносабатлари солиқ маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солиқ маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёсатини ташкил этишнинг принциплари муҳим роль ўйнайди. Ушбу принципларни уч гурухга бўлиш мумкин: 1) солиққа тортиш жараёнларини маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) солиқларнинг иқти- содиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг тақсимланиш); 3) солиқ муносабатларининг қонун нуқтаи назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Фикримизча, солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барчаҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Солиқ хуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қиладиган, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимига солиқ маъмурчилиги дейилади”.

Бизнингча, солиқ маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солиқ маъмурчилигининг солиқ хуқуки

бошк. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2005. – 480 б.; Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. – Т.: ТМИ, 2004. -210 б.; Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – С.: СКИ, 2002. – 366 б.; Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – 130 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 202 б.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 472 б.; Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2005. – 265 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли / Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Яҳъёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 248 б.; Ҳайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Akademiya”, 2007. –256 б. ва бошқалар.

қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солиқ маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга дахлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир.

Шунинг учун ҳам, солиқ маъмурчилиги функциялари таркибига, умумий тарзда, қўйидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш;

в) назорат; г) тартибга солиш. Бироқ, солиқ маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавҳум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солиқ маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг фақат солиқ маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солиқ маъмурчилигининг аввало солиқ муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қўйидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солиқ муносабатларини режалаштириш; 2) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солиқ муносабатларини назорат қилиш; 4) солиқ муносабатларини тартибга солиш.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солиқ салоҳияти жумладан, худудларнинг солиқ салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳолан маётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида солиқ тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солиқ фаоллиги даражаси ва солиқ имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини етарли даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли солиқлар бўйича солиқ тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий худудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида бажарилишини характерлайдиган кўрсаткичлар яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қўйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- солиқларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий худудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузили- шига йўл қўймаслик керак;

- солиқ тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равища боғлиқлигини таъминлаш лозим;

- мамлакат ва унинг маъмурий худудлари миқёсида солиқларни солиқ

тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет- тўлов интизомига риоя қилмаслик ҳолларининг содир этилаётганлигига чек қўйиш зарур;

- солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, солиқقا тортиш базасини онгли равишда нотўғри белгилаш, тегишли солиқ ставкаларини нотўғри қўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;

- аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси даврларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобатга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур

3. Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштиришда

Давлат солиқ маъмурчилиги босқичлари: режалаштириш, прогнозлаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати

Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. а) солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқариш тизимиdir. б) солиқ маъмурчилиги давлат солиқ сиёsatини амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қиласди. в) солиқ маъмурчилиги солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; г) солиқ маъмурчилиги солиқ хуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солиқ механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д) солиқ муносабатлари солиқ маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солиқ маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёsatини ташкил этишнинг принциплари мухим роль ўйнайди. Ушбу принципларни уч гурухга бўлиш мумкин: 1) солиқка тортиш жараёнларини маъмурй бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) солиқларнинг иқти- содиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг тақсимланиш); 3) солиқ муносабатларининг қонун нуқтаи назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Фикримизча, солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барчаҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Солиқ хуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёsatини амалга оширишга хизмат қиласдиган, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимига солиқ маъмурчилиги дейилади”.

Бизнингча, солиқ маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ

ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солиқ маъмурчилигининг солиқ ҳукуқи қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солиқ маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга дахлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир.

Шунинг учун ҳам, солиқ маъмурчилиги функциялари таркибига, умумий тарзда, қўйидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш;

в) назорат; г) тартибга солиш. Бироқ, солиқ маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавхум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солиқ маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг фақат солиқ маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солиқ маъмурчилигининг энг аввало солиқ муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қўйидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солиқ муносабатларини режалаштириш; 2) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солиқ муносабатларини назорат қилиш; 4) солиқ муносабатларини тартибга солиш.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари қўрсатишича солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солиқ салоҳияти жумладан, худудларнинг солиқ салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳолан маётганлигини қўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида солиқ тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солиқ фаоллиги даражаси ва солиқ имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини етарли даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли солиқлар бўйича солиқ тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий худудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу қўрсаткичларнинг ҳисобот даврида бажарилишини характерлайдиган қўрсаткичлар яққол қўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қўйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- солиқларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий худудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузили- шига йўл қўймаслик керак;

- солиқ тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб

чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равишда боғлиқлигини таъминлаш лозим;

- мамлакат ва унинг маъмурий ҳудудлари миқёсида солиқларни солик тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет-тўлов интизомига риоя қиласлик ҳолларининг содир этилаётганинига чек қўйиш зарур;

- солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, солиқка тортиш базасини онгли равишда нотўғри белгилаш, тегишли солик ставкаларини нотўғри қўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;

- аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси даврларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобатга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур

4. Солиқ сиёсатида Солиқ маъмуриятчилигининг асосий йўналишлари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа соҳалари қатори солиқ тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ қонунчилигининг тобора такомиллаштирилаётгани, тизимдаги янгилик ва ўзгаришлар юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқкан ҳолда шакллантирилганлиги таъкидланди.

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан:

биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффоғлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган "солиқ тўловчининг шахсий кабинети"дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг ахволи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишининг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

тўртингчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизмларининг мукаммал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви объектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтироқда;

бешинчидан, солиқ низоларини судгача ҳал этиш - солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқтўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келмоқда;

олтингчидан, солиқ солиш тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг етарли даражада унификация қилинмаганлиги, солиқконунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаяпти;

еттингчидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташқи назорат механизмларининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаяпти;

саккизинчидан, солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш бўйича ўз конституциявий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

тўққизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатилмаганлиги маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун мавжуд резервларни тўлиқ сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кафолатли қайтишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция қўринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқорганларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизими изчилилк билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси

юзасидан, шунингдек солиқ маъмурчилигининг замонавий услубарини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишининг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

биринчидан, солиқ маъмурчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илфор автоматлаширилган таҳлил услубарини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

иккинчидан, солиқ солиши объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиши масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсиран механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубарини жорий этиш;

тўртингидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиши объектларини тўлиқкамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлашириш, ўзаро ҳисобкитоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

олтинчидан, солиқ солиши масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

еттингидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?

2. Солиқ тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳамда унинг самарадорлигига қандай омиллар таъсир этади?
3. Солиқ маъмуриятчилигининг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини хуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognози va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma‘muriyatchiлиги takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘srimcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘srimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 у. Emerald Group Publishing limited.
12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011
13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.
14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.
15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.
16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.
17. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортис. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги: муаммолар ва истиқболдаги вазифалар. (4 соат)

Режа

1. Солиқ маъмурчилигини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати органларининг ўрни
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва ушбу йўналишларда олиб борилаётган давлат сиёсати

1. Солиқ маъмурчилигини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати органларининг ўрни

Жамият иқтисодий тараққиёти бир томондан унинг ички механизмига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бошқарувнинг ҳарактерига, ижтимоий-сиёсий ҳолатга, мувозанатга боҳлиқ бўлади. Оддий қилиб айтганда устқурмага ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур жараёнда ижтимоий сиёсат алоҳида рол ўйнайди. Ижтимоий сиёсат ўз навбатида ички ва ташқи маданий-маърифий, сиёсий, иқтисодий сиёсат кабиларга бўлинади. Иқтисодий сиёсат ҳам ўз навбатида молия, пул-кредит, бюджет, солиқ сиёсати каби турларда амал қилиб, уларни яхлитлиги макроиктисодий даражада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг асосий ажралмас қисмига айланади. Шу ўринда солиқ сиёсатининг мазмунига тўхталиб ўтадиган бўлсак, юқорида қайд этилганидек, **солиқ сиёсати** - бу иқтисодий сиёсатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс

тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йиғиндисидир. Мамлакат солиқ тизими хусусиятлари, йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни таъминлаш каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб беради³.

«Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, давлат бюджети даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчидан, корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат»⁴ деб муҳтарам биринчи Президентимиз И.А. Каримов алоҳида таъкидлаб ўтган.

Солиқ сиёсатининг хукуқий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августрдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги (1991 йил 15 феврал), «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги (1993 йил 7 май) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни юқоридаги ҳужжатларнинг айримларини ўз кучини йўқотишига олиб келган бўлса, айримларнинг хукуқий базасини кенгайишига, кучайишига хизмат қилиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиясида фуқароларнинг бурчларига солиқларни тўлаш мажбурияти ҳам киритилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбурдирлар»⁵. Шунингдек республикамиз ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва уни белгилаш ваколати ҳақидаги жумлалар келтирилган: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қиласди. Солиқларни жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақлидир».⁶

Бугунги кунда республикамиз солиқ сиёсатининг хукуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни, хукumatнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Солиқ сиёсати таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

³ E.Gadoev. N. Kuzieva. N. Ashurova. “Soliq siyosati strategiyasi” o’quv qo’llanma 83b

⁴ Karimov I.A. O’zbekiston buyuk kelajak sari. –T.: «O’zbekiston», 1998. 52-b

⁵ O’zbekiston Respublikasining Konsitutsiyasi T «Adolat» 2016 yil 51-modda.

⁶ O’zbekiston Respublikasining Konsitutsiyasi T «Adolat» 2016 yil 132-modda

- ❖ мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва мажбурий тўловларни қонуний жорий этиш;
- ❖ амал қилаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизм шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларни такомиллаштириб бориш;
- ❖ солиқ сиёсатини амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;
- ❖ солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

Юқорида қайд қилинганидек, солиқ сиёсати давлат, яъни унинг ваколатли органлари томонидан олиб борилади. Агар ушбу ваколатли органлар ҳокимият тури нуқтаи-назаридан олиб қараладиган бўлса, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади. Айрим ҳолларда давлатнинг солиқ сиёсати Давлат солиқ қўмитаси томонидан олиб борилади, деган фикрлар учрайди. Амалда эса солиқ сиёсати давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари: Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ва Суд ҳокимиятлари фаолиятларининг ажралмас қисми сифатида комплекс тарзда амалга оширилади.

Бу ҳокимиятлар томонидан солиқ сиёсати қуйидаги тартибда ишлаб чиқилади ва унинг ижроси таъминланади: Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланган Олий Мажлис томонидан солиққа оид ва унга бевосита тегишли бўлган қонунлар қабул қилинади, ўзgartириш ва қўшимчалар киритилади ёки айримлари бекор қилинади. Демак, солиқ сиёсатининг хуқукий негизлари мазкур ҳокимият фаолияти билан боғлиқдир. Ижро ҳокимияти бўлган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг бўлинмалари, Давлат Солиқ қўмитаси, Молия Вазирлиги, Адлия Вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа тегишли органлар томонидан Олий Мажлис томонидан қонун йўли билан жорий этилган солиқлар ва солиқларга tenglashтирилган мажбурий тўловларнинг ишлаш механизмини таъминлашга хизмат қилувчи хуқукий меъёрий хужжатлар орқали уларнинг ижроси таъминланади. Бунда албатта ижро ҳокимиятининг бир бўйини ҳисобланган Давлат солиқ қўмитасининг солиқ сиёсати ижросини таъминлашдаги алоҳида ўринга эга эканлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, ҳар йилнинг охирида келгуси йил учун амал қиласидиган солиқлар ва солиқларга tenglashтирилган мажбурий тўловлар бўйича солиқ ставкаларини тасдиқлаш, ўзgartиришлар киритиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига берилган. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар бўғинлари билан бирга суд ҳокимиятининг бўғинлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Суд ҳокимияти томонидан қонуний амал қилаётган солиқлар ва солиқларга tenglashтирилган мажбурий тўловларнинг ўз вақтида бюджетга келиб тушиши устидан назорат ўрнатилиб, солиқ қонунчилиги бузилишларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўлланади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишида нафақат алоҳида олинган муассасалар бевосита қатнашади, шунингдек, уни ишлаб чиқишида солиқ хизмати билан шуғулланмайдиган субъектлар, аниқроғи солиқ тўловчилар қатнашиши мумкин, яъни бунда солиқ тўловчиларни ўзларида солиқларни

такомиллаштиришга қаратилган таклифлар, солиқларни ҳисоблашни осон ва самарали ишлаш кабилар таклиф сифатида берилиши мумкин.

Солиқ солиш соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги қўп жиҳатдан давлат аппаратининг турли бўғинлари фаолиятидаги мослашувчанликка боғлиқ. Ваколат ҳар бир органнинг спетсифик ролини белгилайди ва бир вақтнинг ўзида унинг бошқа органлар фаолияти билан мослашувини таъминлайди. Давлатнинг асосий вазифаларидан бирини ҳал этилиши бюджетни тўлдириш, солиқ тўловчиларнинг иқтисодий ва юридик ҳатти-харакатларига таъсир этишнинг у ёки бу дастагига эга бўлган барча давлат ҳокимияти органлар фаолиятининг мувофиқлаштирувисиз мумкин эмас. Кўпгина адабиётларда таъкидланганидек, контсептуал солиқ тамойилларидан бири давлат органларининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиша ва амалга оширишда биргалиқдаги иштироки ҳисобланади⁷.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш жараёнида бир қанча ўз ваколати доирасида фаолият юритадиган органлар биргаликда баҳамжиҳат ишни ташкил этишлари шарт. Бу органлар фаолият турининг турличалиги, уларни ташкил этиш асосларининг фарқланиши, мақсад ва вазифаларининг айрочилиги солиқ муносабатларини ташкил этишда айrim муаммоларни келтириб чиқаради. Бу жараёнда актив иштирок этишни таъминлаш мақсадида улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бир-бирига мослушувчанлигини таъминлаш каби қатор муаммоларни ҳал этиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, асосий иқтисодий ҳуқуқлар ва солиқ тўловчиларнинг эркинлигини таъминлаш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг доимий назорати остида туради. Президент томонидан уларнинг фаолиятига нисбатан билдириладиган асосий талаблар бевосита солиқ соҳасидаги ишларнинг умумий аҳволи, уни бошқариш, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқалар билан белгиланади. Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа солиқлар бўйича бевосита ва билвосита ваколатга эга бўлган органлар ишини мувофиқлаштирган ҳолда ҳокимиятнинг ушбу соҳалари солиқ солиш билан боғлиқ шахс ҳуқуқларини таъминлаш учун юқори даражали жавобгарликни ўз зиммасига олади ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг барча жиҳатларини мукаммал тартибга солади.

Қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлис) Конститутсиянинг 78-моддаси 8-банди ва “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида” ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ҳукуматнинг тақдимиға мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди. Давлат солиқ қўмитасининг ваколатига киравучи масалалар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳукуматга киритиш ҳуқуқи унинг Олий Мажлис билан ўзаро муносабатлари ҳукуматнинг иштироки билан қурилишига яққол мисол бўла олади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Давлат Солиқ

⁷ Гадоев Э, Кузиева Н, Ашуррова Н, Ўрмонов Ж. Дарслик. Юридик шахсларни солиқса тортиш. - Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. 2013й.

қўмитасига нисбатан ваколатлари бўйича раҳбар орган ҳисобланади. Солиқ қонунчилигини қўллаш амалиётини доимий равишда умумлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органларини мазкур соҳанинг хусусиятли жараёнлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориши лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати мустақилликка эришганимиздан сўнг анча ривожланган бўлсада ушбу соҳада олиб бориши керак бўлган ишлар жуда ҳам кўп. Бунинг мисоли сифатида Президентимиз томонидан 2017-йил 18-июлда тасдиқланган “Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”си ПФ-5116-сонли фармонини келтириш мумкин, чунки ушбу фармон билан солиқ сиёсатидан қўйидаги камчиликлар асосли равишда келтирилди:

биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмурчиларининг шаффоғлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган «солиқ тўловчининг шахсий кабинети»дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволи ва ривожланиш тенденсияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

тўртингчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизmlарининг мукаммал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви объектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни баравқт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтироқда;

бешинчидан, солиқ низоларини судгача ҳал этиш – солиқ апеллястияси институти имкониятларидан этарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқ тўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, солиқ солиш тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг этарли даражада унифиқастия қилинмаганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаяпти;

еттинчидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташки назорат механизmlарининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг

йигилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаяпти;

саккизинчидан, солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш бўйича ўз конститустиявий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

тўққизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатилмаганлиги маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун мавжуд резервларни тўлиқ сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кафолатли қайтишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупстия кўринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқ органларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Шуларни инобатга олиб шуни айтиш мумкинки, солиқ сиёсатини такомиллаштириш борасида ҳали олиб борилиши керак бўлган ишлар кўп. Бунда мамлакатимиизда қабул қилинган 2017-2021- йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар Стратегияси дастурил ама бўлиб хизмат қиласи.

2.Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва ушбу йўналишларда олиб борилаётган давлат сиёсати

Юқорида таъкидланганидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчилик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш мақсадида:

Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилиги жараёнинга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат қўрсатишга тўлиқ ўтиш;

иккинчидан, солиқ солиш обьектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсиран механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

тўртингчидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

олтинчидан, солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

еттингчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Ушбу мақсадларга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ПФ-5116-сонли фармони билан 2018-йил 1-январдан қўйидагиларни жорий қилиш белгиланди:

солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли – солиқ мониторинги жорий этилади;

йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилади;

вақтингчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар – хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин;

ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибида ундириш жорий этилади;

ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш солиқ тўловчи ваколатли органларга мурожаат этган санадан бошлаб 15 иш куни ичida амалга оширилади;

давлат солиқ хизмати органларига кирим хужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобвараплари бўйича операцияларини 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтингчалик тўхтатиб туриш ваколати берилади;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида солиқ органларига ҳисоб-китоблар хақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади, республиканинг қолган худудларида мазкур тизим босқичма-босқич киритилади;

солиқ текшируви объектларини самарали танлаб олиш учун солиқقا оид хуқуқбузарликларни содир этиш хавфларини таҳлил қилиш, шунингдек солиқ органлари томонидан юқори ликвидли маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ҳисоби ва назоратини амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган автоматлаштирилган тизим жорий этилади;

давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга оширади, натижаси бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли ыарорига мувофиқ, мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки камайтирилди, айланма маблағлардан олинадиган солиқлар оптималлаштирилди, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини камайтириш орқали солиқ тизими қайта кўриб чиқилди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиқقا оид хуқуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиқка оид хуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичida молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектларнинг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар мазкур хуқуқбузарлик учун қонун хужжатларида белгиланган жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

2. 2020 йил 1 январдан бошлаб:

қўшилган қиймат солиfinи тўлашга ўтадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинади ва бу қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишнинг шарти ҳисобланади;

қўшилган қиймат солиfinи тўлашга ўтишда ушбу солиқ суммаси қўшилган қиймат солиfinи тўлашга ўтилган санадан аввалги охирги 12 ойда харид қилинган товар-моддий захираларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улушда ҳисобга олинади;

қўшилган қиймат солиfinи тўлашга ўтиш ёки ягона солиқ тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома қўшилган қиймат солиfinи тўлашга ўтиладиган ой бошланишидан олдин ўн иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси қабул қилинди унга мувофиқ;

Солиқ тизими иқтисодиётнинг ажralмас қисми бўлиб, мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим механизм сифатида намоён бўлиши қайд этилди.

2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш вазифаларини амалга оширишни давом эттириш имконини берди.

Шу билан бирга, солиқ тизимида ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, солиқ ислоҳотларини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қўйидаги камчилик ва муаммолар кўрсатиб берилди:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш принциплари эскирган бўлиб, солиқ тўловчиларга комплекс хизматлар кўрсатишни, шунингдек улар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарилишини таъминламаяпти;

иккинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда маъмурий харажатлар (сарфланадиган вақт ва маблағ) даражаси юқори бўлиб қолмоқда;

учинчидан, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизmlар мавжуд эмас;

тўртинчидан, хуфиёна иқтисодиёт даражасини қисқартиришга қаратилган, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш жараёнларини рағбатлантирувчи жамоатчилик назорати механизmlари мукаммал эмас;

бешинчидан, солиқ тўловчи билан солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ягона стандарт ва дастурий маҳсулотлар мавжуд эмас;

олтинчидан, солик ҳисоби сифатини пасайтирадиган, солик базасининг кенгайиши ва барқарор солик тушумларини таъминлашга тўсқинлик қиласидиган идораларо ахборот ҳамкорлиги суст йўлга қўйилган;

еттинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳамда солик органлари ходимлари фаолиятини баҳолашда тизимли камчиликлар мавжуд.

Ушбу камчилик ва муаммолар солик тизимини жадал ривожлантириш, солик маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларнинг талаб даражасида йиғилишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсад, вазифа ва асосий йўналишларни назарда тутувчи Солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

1. Стратегиянинг асосий мақсади иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, солик солиши жараёнларини автоматлаштирган ҳолда, давлат солик органларида замонавий йўналтирилган сервис солик хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш ҳисобланади.

2. Стратегиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат бюджетига солик тушумларининг барқарорлигини таъминлаш; солик органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш ва солик маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этиш орқали кўрсатилаётган солик хизматлари сифатини яхшилаш;

барча тоифадаги солик тўловчилар томонидан солик мажбуриятларининг ихтиёрий равища бажариш асосида уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун солик органлари ва солик тўловчилар ўртасида ишончли муносабатларни яратиш;

солик мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш, барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қулай шароитларни таъминлайдиган транспарент ва барқарор солик тизимини шакллантириш;

солик тўловчилар фаолиятига аралашишни, шунингдек, давлат солик хизмати органларида «инсон омили»ни ҳамда коррупция ҳолатларининг салбий кўринишларини камайтириш имконини берадиган таваккал-таҳлил ва масофавий таҳлилий ишлар тизими асосида солик назорати тизимини шакллантириш.

Белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бизнес фаолигини ошириш ва солик мажбуриятини бажариш бўйича маъмурий харажатларни камайтириш имконини беради ва бу, ўз навбатида, Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтингида республика позицияларига ижобий таъсири кўрсатади.

Солик сиёсатини тақомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш

1. Солик ва солик режимларини бирхиллаштириш, шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш.

2. Солик юкини (камайтириш ва бараварлаштириш) оптималлаштириш.

3. Солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида уларни тақдим этишнинг аниқ мезон ва механизмларини белгилаш.

4. Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасида фарқни имкон қадар камайтириш.

5. Жойлардаги давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органларининг бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда ролини кучайтириш ва ҳиссасини ошириш.

6. Хорижий давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, таваккалчиликларни баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва иқтисодий фаолият соҳасида хуфиёна айланма ҳамда назорат қилинмайдиган даромадлар кўламини қисқартириш.

7. Солиқ қонунчилиги соҳасидан ташқарида фаолиятни амалга оширадиган шахсларни норасмий сектордан чиқишига (қонунийлашишига) қўмаклашиш.

8. Трансферт нархни белгилаш соҳасида солиқ маъмуриятчилигининг янги услубларини жорий этиш.

9. 2021 йилга келиб жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўловчиларни 1,5 баравар, кўшилган қиймат солиғини тўловчиларни 2 баравар ҳамда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи тўловчиларни 2 баравар кўпайтириш.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СОЛИҚ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

1. Солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равища бажариши учун уларга қулай шарт-шароитларни яратиб бериш.

2. Бирламчи ҳисоб ҳужжатларини рақамлаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда солиқ ҳисботлари шаклларини соддалаштириш.

3. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг экстерриториал принципини ривожлантириш.

4. Солиқ хизматлари сифатини ва солиқ органлари фаолиятини жамоатчилик томонидан мустақил баҳолаш (тескари алоқа) механизмини яратиш.

5. Солиқ органлари фаолиятининг шаффоғлиги ва солиқ солиш соҳасидаги маълумотларнинг очиқлиги.

6. Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тизимини ривожлантириш.

7. Корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлигини ва уларни тутатишни ҳал этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш (харажатлар, вакт ва қоидалар аудити).

8. Солиқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш.

9. Солиқ тўловчиларга маслаҳат кўрсатиш хизматларини қўрсатиш фаолиятини марказлаштириш ва стандартлаш.

СОЛИҚ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА СОЛИҚ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Назорат фаолиятини амалга оширишда таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг замонавий тизимини жорий этиш.

2. Солиқ назоратининг шаффоғлигини таъминлаш, коррупция омилларини камайтириш.

3. Худудларнинг солиқ имкониятларини баҳолаш усулларини жорий қилиш ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш.

4. Умумий овқатланиш ва савдо соҳасида, шунингдек, кўчмас мулк бўйича солиқ солинадиган обьектларни тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш.

5. Солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини 90 фоизгача етказиш.

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва маслаҳатлар беришга йўналтирилган солиқ органлари ташкилий тузилмасини яхшилаш.

2. Солиқ тўловчиларни сегментациялаш асосида давлат солиқ хизмати органларининг энг мақбул моделини жорий этиш.

3. Солиқ хизмати органларида замонавий бизнес-таҳлил (Business Intelligence) тизимини, шунингдек, стратегик ва процессуал бошқарувни жорий этиш.

4. Солиқ хизмати ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги кўрсаткичларидан (KPI) келиб чиқсан ҳолда уларни рафбатлантириш.

5. Кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш.

6. Солиқ органлари ходимлари мотивациясини мустаҳкамлаш.

7. Солиқ маъмуриятчилиги жараёнини автоматлаштириш.

Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизmlарини ривожлантириш

1. Кадрлар сиёсатида коррупцияга қарши компонентларни кучайтириш.

2. Солиқ соҳасида коррупция хавфларини назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш тизимини жорий этиш.

3. Коррупцияга қарши қонунчилик талаблари асосида норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш).

4. Солиқ органларида шаффоғлик (ошкорлик) ва ҳисбдорликни кенгайтириш, коррупция кўринишларига жамоатчиликда муросасизлик ҳиссини шакллантириш.

Юқорида қайд этилган йўналишларда кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши асосида:

1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар суръати ўсишига эришилади.

2. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги позициялари, шунингдек, ишбилармонлик фаоллигининг индекс кўрсаткичлари яхшиланади.

3. Солиқларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича ялпи ички маҳсулот, даромад, қўшилган қийматга нисбатан улуши ўзгаради.

4. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўртасидаги солиқ имтиёzlари хажми бўйича тафовути қисқариши таъминланади.

5. Солиқ тўловчиларнинг маълумотлардан фойдаланишда ҳамда кўрсатилаётган сервис хизматларидан қаноат ҳосил қилиш даражаси ошади.

6. Низоларни судга қадар ҳал этиш кўлами кенгаяди.
7. Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар сони камайишига эришилади.
8. Солиқ тўловчиларнинг ҳақиқатдаги ва тақдим этилган қўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар камаяди.
9. Солиқ текширувлари сони қисқаради.
10. Назорат тадбирлари натижасида қўшимча ҳисобланган солиқлар миқдори пасаяди.
11. Солиқларнинг ундирилиш даражаси ошади.
12. Солиқ идоралари ўртасида хужжатларнинг айланиши камаяди, ижро интизоми ошади, кадрларнинг қўнимсизлиги бартараф этилади ва кадрлар билан таъминланганлик даражаси яхшиланади.
13. Солиқ органлари ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари бартараф этилади.
14. Солиқ хизматларини стандартлаштириш ва тартибга солиш даражаси ортади каби ижобий натижаларга эришиш кўзда тутилган.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Солиқ маъмурчилигини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати органларининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг?
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида солиқлар асосида рағбатлантириш йўналишлари нималардан иборат?
4. Солиқ сиёсати тарғиботи нималарда намоён бўлади?
5. Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг солиқ сиёсати ижросини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисбот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони
3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari proqnozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 у. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

17. Вахобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

З-мавзу. Ўзбекистон республикаси ва хорижий мамлакатларда давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишнинг хусусиятлари (2 соат)

Режа:

1. Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари;

2. Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси;
3. Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари;
4. Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари;

Калит сўзлар: Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилиги, корпорациялардан солиқ олишни тартибга солиш, жисмоний шахсларни солиқка тортиш.

1. Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари;

Япония давлати солиқ тизими ҳақида тўхталадиган бўлсак, 2017-йил молия иили Фискал консолидациялашган режанинг иккинчи йилини белгилайди. Ундаги бюджетда ҳукумат иқтисодиётни ривожлантириш ва фискал консолидастийлаштиришни давом эттиради.

1. Иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида:

- Жамиятдаги фуқароларга яхши ҳаёт тарзи яратиш мақсадидаги сиёсатлар:

а) бола парваришловчиларнинг ва узоқ муддатли ҳамшираларнинг ойлик маошини ошириш; б) бола парвариши имкониятларини кенгайтириш яъни қутиш рўйхатидаги болалар сонини камайтириш; с) минимум пенсия олиш даврини 25 йилдан 10 йилга қисқартириш; д) аёллар учун бола туғиш даври даромадининг олиб туриш вақтини узайтириш; э) ишчилар суғурта тўловларини камайтириш ва ф) янги давлат таълим грантларини жорий қилиш

- иқтисодиётни ривожлантиришда. Хусусий ва жамоат соҳалари уйғунлашуви потенциал ўсишига эътибор қаратиш; илмий тадқиқот харажатларини ошириш; инновастия ва янги технологик ишланмаларни қўллаб қувватлаш ва фойдали соҳаларда жамоат инвестистийларини ошириш.

- ишлаш шароити реформлари. Иш ҳаққини ошириш учун молиявий ёрдамларни таъминлаш, доимий таътилларни жорий қилиш ва доимий бўлмаган ишчилар учун иш шароитларини ошириш

2. Фискал консолидациялаш сиёсати.

- ижтимоий ҳимоя тизимини соғломлаштириш. Ижтимоий ҳимоя харажатларининг ўсишини назорат қилиш (+ 500 миллиард эн). Адолатли солиқ юки ва мақбул имтиёзларга эришиш учун турли хил реформлар ташкил қилиш. Булар орасида: 1) 70 ёшдан осшганлар учун юқори тиббиёт ва парвариш харажатларига лимитларни мунтазам ошириб боориш; 2) 75 ёшдан ошган қариялар учун тиббиёт суғуртаси тўловларидағи вақтинча дискоунт ставкаларни ҳисобга олиш ва 3)узоқ муддатли ҳамшира тўлов тизимиға асосланган янги ҳиоблашни жорий қилиш

- давлат облигастиялари бўйича. Давлат облигастиялари бўйича режалаштирилган кўрсаткичга (34,4 трилион эн) амал қилиш

Бундан ташқари Япония давлатида солиқ соҳасидаги ислоҳотларга катта эътибор қаратилади. Ҳамда жамиятда солиқ маданияти юқори бўлиш билан бир қаторда ҳар бир фуқаронинг солиқлани ўз вақтида тўлаш мажбурияти қонуний

белгилаб қўйилган. Жумладан, Япония Конституциясининг 30-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгилаб қўйилган солиқларни тўлашга мажбурдир”, 84-моддасида эса “Қонун ва унга тенглаштирилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатлар асосида янги солиқлар жорий қилинмайди ва ундирилмайди” каби моддалар киритинган.

Шу ўринда, Япония давлатининг солиқ тизимини назарий ўрганишни мамлакатда қандай турдаги солиқлар мавжудлигига ойдинлик киритиб олишдан бошласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибиди, Японияда жами бўлиб, 46 та солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилади. Улардан 20 таси умумдавлат солиқлари, 14 таси маҳаллий солиқлар бунда улар префектура доирасида ундирилади. Қолган 12 таси шаҳар, туман ва қишлоқ доирасидаги маҳаллий солиқлар.(шуни таъкидлаш лозимки, Мамлакатда 47 префектура бўлиб, у ўз ичига 3045 шаҳарлар, туманлар ва қишлоқлар жамлаган ҳамда уларнинг ҳаммаси маҳаллий бюджетга эга).

Япония солиқ тизимини ўрганиш жараёнида биз учун нотаниш ҳисобланувчи перфектура ва муниципал тушунчаларига дуч келамиз. Перефекрута деганда йирик ҳудуд назарда тутилиб, Ўзбекистон мисолида олиб қаралганда вилоятга тўғри келади. Бу дегани Японияда префектуралар муниципаллардан ташкил топади. Муниципаллат ўз навбатида туман муниципаллари, шаҳар муниципаллари ва қишлоқ муниципалларига ажралади. Бир муниципал шаклидан бошқасига ўтиш учун меъзон аҳоли сони ҳисобланади, яъни агар қишлоқ муниципал дейилганда аҳоли сони 50 мингдан кам бўлган префектурага бўсунувчи ҳудудий бирлик назарда тутилади. Қизиги шундаки, пойтакт Токио шаҳри ҳам 23 та муниципалдан ташкил топган.

Шу ўринда Япония давлат бюджетида асосий ўринда турувчи солиқлар ҳақида маълумот бериб ўтмоқчи эдик.

1. Корхона фойдасидасидан олиндиган солиқлар. Японияда корхоналар фойдасига қаратилган солиқларга қуйидагилар киради:

- корпорация солиғи (умумдавлат солиғи)
- бизнес солиғи (маҳаллий солиқ)
- перфектура ваа муниципал рўйхатда турганлик учун солиқлар

Шуни эслатиб ўтиш керакки, кичик ва ўрта корхоналарга устав капитали 100 млн энга teng ва ундан кам корхоналар киради. Қуйидагилар бундан мустасно, агар:

- Устав капиталнинг 100 фоизи катта корхона томонидан молиялаштирилган бўлса (бундай катта корхонага устав капитали 500 млн эндан юқори бўлган корхоналар киради)
- Устав капиталнинг 100 фоизи икки ва ундан ортиқ катта корхона томонидан молиялаштирилган бўлса;

Бизнес солиғи одатда солиқ базасига эга бўлган корхоналарда, яъни фойда олган корхоналардан ундирилади. Аммо корхонанинг устав капитали 100 млн эндан юқори корхоналардан ҳам ундирилиши мумкин. Сув, электр энергия таъминотини кўрсатувчи корхоналар ва суғурта ташкилотлари олган фойдасидан

эмас белгиланган тушум доирасида түлайдилар. Бизнес солиғининг ставкаси қуидаги жадвалда акс эттирилган.

Перфектура ва муниципал рўйхатда турганлик учун солиқлар икки турдаги маҳллий солиқлардан ташкил топган: миллий корпорация даромади асосида ҳисобланадиган фойда солиғи ва маҳаллий корпорация солиғи. Махсус ставкалар маҳаллий ҳокимият томонидан қўлланилиши мумкин.

Корпорация солиғидан ундириладиган рўйхатда турганлик учун солиқ миллий хукумат томонидан маҳаллий корпорация сўлиғи сифатида ундирилади яъни, 2014- йил октябрьдаги солиқ ислоҳотидан кейин молия йили учун қишлоқ ва шаҳар бюджети ўртасидаги тафовутни каматириш учун қўлланилади, ҳамда унинг ставкаларии қуидагича.

Ундирилган солиқ ставкалардан келиб чиқиб префектура ёки муниципал бюджетга тақсимланади. Бундан ташқари, маҳаллий корпорация солиғининг ставкаси 2014-йил солиқ ислоҳотидан кейин барча корхоналар учун 4.4% қилиб белгиланди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромадига солинадиган солиқлар

Японияда Жисмоний шахслардан олинадиган даромадига солинадиган солиқлар миллий даромад солиқ ҳамда маҳллий рўйхатда турганлик учун солиқдан иборат. Миллий даромад солиғи учун солиқ солинадиган йил каледар тил ҳисобланади. Маҳаллий рўйхатда турганлик учун солиқ муниципал ҳокимият томонидан ўша ҳудудда яшавчи ва даромад олувчи жисмоний шахсларга қўлланилади.

Японияда шахсларни солиқ мажбурияти уларнинг резидентлик статусидан келиб чиқиб белгиланади. Жисмоний шахслар қуидаги 3 та категория бўйича класификацияланади:

- Доимий резидентлар. Уларга Япония миллати вакили ёки 10 йил давр мобайнида ҳеч бўлмаса 5 йили давомида Японияда бўлган норезидентлар киради.
- Доимий бўлмаган норезидентларга Япония миллати вакили бўлмаган охириги 10 йил ичida 5 йилдан кам Японияда яшаган шахслар киради.
- Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган шахслар норезидентлар ҳисобланади⁸.

Чет эл миллати вакили Японияга келиши билан ўз иш берувчиси билан аниқлиширилган ҳолда шартнома тузмаса, яъни бир йилдан кам муддатда мамалакатда бўлиши ҳақида, ресидент жисмоний шахс ҳисобланади. Бундан ташқари давлатлар ўртасидаги икки томонлама солиққа тортмаслик каби халқаро шарномалардам келиб чиқиб, қуидаги талабларга жавоб берувчи норезидентларнинг даромади солиққа тортилмайди:

- 12 ой кетма-кетлик ичida 183 кундан кам майдатда Японияда яшаганлар;
- Уларнинг ойлик маошлари норезидент томонидан тўланган бўлса;

⁸ Worldwide Personal Tax and Immigration Guide 2016–17

- Берилган маош Япониядаги доимий муассаса томонидан берилмаган бўлса⁹;

Доимий резидентлар уларнинг четда топган даромадлари билан манбасидан қатъий назар солиқка тортилади. Доимий бўлмаган резидентлар эса фақат Японияда топган ва мамлакатда бўлмаган мамбалардан тўланган ҳамда Японияга қайтарилиган даромадлари юзасидан солиқка тортилади. Норезидентлар эса фақат японияда топган даромадлари доирасида солиқка тортилади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Японияда миллий даромад солиғининг ставкаси прогрессиве ставка ҳисобланади, яъни энг кам ставкаси 5% ни ташкил қилиб йил давомида олинган даромаднинг 1950 000 эни ушбу ставкага тортилади, энг юқори ставкаси 45% га teng ва 40 млндан юқори даромадлар ушбу ставкада солиқка тортилади. Бундан ташқари, ҳар йили чегирилиши мумкин бўлган даромад миқдори келтирилади, ушбу харажатларга асосан тиббий харажатлар киради.

Маҳаллий рўйхатда турганлик учун солиқ ҳам ўз навбатида икки кўринишда ундирилади: биринчиси, даромадидан қатъий назай белгиланган суммада яъни министипал даражада 300 эн префектура даражасида 1000 эн миқдорида. Иккинчиси, пропорсионал тартибда 10% ставкада.

2. Билвосита солиқлар. Японияда ушбу тартибда ундириладиган солиқларга истеъмол солиғи, божхона божлари ва аксиз божлари киради.

Истеъмол солиғида солиқ солиндиган база мамлакат ичидаги ўтказмалар учун шартномалар қийматидан келиб чиқиб аниқланса, импорт қилинаётган товарлар учун солиқ базаси товарнинг божхона баҳоси ҳамда божхона божлари ва аксиз божларини қўшиб ҳисобланади. Солиқ ставкаси 2015- йил октябрьдаги солиқ ислоҳотларидан кейин 8%дан 10%га оширилди. Ушбу ставка 2017-йил 1-апрелгача қилиб белгиланган эди, аммо мамлакатдаги иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб 10%лик солиқ ставкасини 18 ойга кечиктирилди.

Божхона божлари Японияда Жаҳон Савдо Ташкилоти томонидан белгиланган нормалар асосида тартибга солинади. Бундан ташқари, Японияда ҳар 3-5 йилда божхонадан товар олиб кирувчи импорторлар божхона аудитидан ўтказилади, қунунбузарлик ҳолатлари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Божхона аудити одатда, божхона инспекторлари томонодан ўтказилади. Бунда улар текширув ўтказиш учун танланган вимпотор ёки экспортордан божхонага оид далолатномаларни, юқ халарини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуққига эга. Одатда будай текширув 2 ойдан 6 ойгача давом этади. Текширув натижасида аниқланган декларацияга киритилмаган товарга 15%, божхона божи вақтида тўланмаганларига эса 10% жарима қўлланилади.

Мол-мулк солиғи.

Японияда мол-мулк солиғини юридик ва жисмоний шахслар бир хил ставка бўйича тўлайдилар. Одатда бу мол-мулк қийматидан 1.4 % га teng бўлади, уч йилда бир марта қайта баҳоланади. Солиқ солиш объектига бутун кўчмас мулк, банк депозитлари бўйича фоизлари киради. Шу билан бирга мол-мулк солиғи

⁹ Taxation in japan 2015 -KPMG Taxcorporation

мулкнинг бир эгадоридан бошқасига ўтаётган пайтидан, яъни мулкни харид қилиш ва сотиш пайтида ҳам тўланади¹⁰.

Мерос солиғи ва ҳадя солиғи.

Япония мерос ва ҳадя солиқлари Солиқ Конуни билан тартибга солинади. Мерос солиғи меросни қабул қилиб олган ва вафот этган шахснинг меросхўридан ундирилади. Ҳадя солиғи моддий қўринишида совға қабул қилиб олган шахслардан ундирилади. Ҳадя солиғи мерос солиғини тўлдирувчи солиқ ҳисобланади. Иккала солиқ ҳам умумдавалат солиғи ҳисобланади ва маҳаллий даражада ундирилмайди. Мерос солиғида вориснинг ўзи солиққа тортилади, унинг мерос тариқасида олган мулки эмас. Мерос солиғи мулкнинг умумий қийматидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир меросхўр учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади¹¹.

Солиқни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

- Барча меросхўрлардан солиққа тортиладиган мол-мукллар жамланади
- “Жами солиқа тортиладиган мулкнинг қийматидан” чигирилиши лозим бўлган ¥30 миллион ҳамда ҳар бир мерос олувчининг сонидан келиб чиқиб, ҳар биридан ¥6 миллиондан чегирилади.
- Солиққа тортиладиган мулк қилямати ҳар бир солиқ тўловчининг мулкка бўлган қисми доирасида тақсимланади
- Қуйида берилган прогрессиве ставка бўйича ҳар бир солиқ тўловчининг улуши доирасида алоҳида-алоҳида мерос солиғи ҳисобланади.

Мисол. Япония бир киши ўлимидан олди хотини ва икки ўғлига 400 млн энлик меросни қолдирди. Бунда хотинига 200 млн эн ёки мероснинг 50%и, ўғилларига 100 млн эндан. Мерос олувчилар учун мерос солиғини ҳисоблаймиз:

1. Рухсат этилган суммани умумий солиқ обектидан чегирамиз, яъни 30 млн+6 млн*3(мерос олувчи шахс учу нафар бўлганлиги учун), жами 48 млн эн бўлади.
2. 48 млн энни мерос суммасининг нисбатидан келиб чиқиб ҳар бир мерос олувчидан чегирилади, яъни аёлдан 24 млн эн ўғилларидан 12 млн эндан.
3. Ҳар бири учун мерос солиғи ҳиблаймиз.

Хотинига: $200-24=176$ $176*40\% = 70.4$ млн эн

Биринчи ўғлига: $100-12=88$ $88*30\% = 26.4$ млн эн

Иккинчи ўғлига: $100-12=88$ $88*30\% = 26.4$ млн эн

Жами тўланиши керак бўлган мерос солиғи суммаси: 123.2 млн энга тенг.

Ҳадя солиғи ҳадя олувчидан ҳадя берган шахс ҳаётлик вақтида ундирилади.

Ҳадя солиғининг солиқ солинадиган базаси дейилганда рухсат этилган 1.1 млн энни чиқриб ташлангандан сўнг календар йил давомида олинган совғалар қийматидан келиб сиқиб ҳисобланади. Ҳадя солиғи бўйича солиқ ставкалари яқин қариндошлар ўртасида бериладиган совға билан бегона шахслар бир-бирига берадиган ҳадялар бўйича фарқланади. Ушбу солиқ тури бўйича энг паст

ставка 10% 2 миллион энгача бўъган ҳадялар учун, энг юқориси 55% бўлиб, 45 миллиондан юқори бўлган солиқ базасига тадқиб этилади.

2. Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси

Миллий солиқ агентлиги дастлаб 1949- йилда даромад, корпоратив, истеъмол солиқлари ва шу каби бир қатор солиқларни ундириш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган.

Солиқ сиёсати Молия вазирлиги ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Миллий солиқ агентлиги томонидан юритилиб, давлат солиқ хизмати идоралари ижро этувчи орган ҳисобланади.

Хизматнинг таркибий тузилиши Миллий солиқ агентлигининг марказий аппарати, 12 та ҳудудий бошқармалари ва уларнинг 524 та солиқ инспекциялари, солиқ коллежи ҳамда, солиқ арбитражидан иборат.

Миллий солиқ агентлигининг Марказий аппаратида 683 та (1.2%), ҳудудий солиқ бошқармаларида 10,8 минг нафар (19.3%), давлат солиқ инспекцияларида 43.9 минг (78.1%), солиқ коллежида 336 (0.6%), солиқ арбитражида 477 нафар (0.8%) солиқ ҳодимлари меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, умумдавлат солиқларини ундириш ва назорат қилиш билан миллий солиқ агентлиги (56.2 минг нафар ҳодимлар) ва маллий солиқларни ундириш билан эса Мунисипиал давлат идоралари (84 минг нафар) шуғулланади.

Солиқларни ундириш, солиқ текширувларини ташкил этиш ва солиқ тўловчиларга хизматлар кўрсатиш соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга.

Японияда Молия вазирлиги ҳузуридаги миллий солиқ агентлиги томонидан умумдавлат солиқларининг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда давлат бюджетида тушишини назорат қилиниши белгиланган бўлиб, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳудудий муниципалитетлар назорат қилиши, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг назорати эса ушбу жамғармаларни йиғиши билан шуғулланувчи идоралар томонидан амалга оширилади.

Тўланган солиқлар дастлаб “Умумдавлат солиқларини йиғиши фонди”га жамланиб, сўнgra ой якуни билан марказий банкдаги давлат бюджет даромадларини ташкил этувчи маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бунда Умумдавлат солиқларини йиғиши фондининг назорати Япониянинг Молия вазирлигига юклатилган.

Японияда куч-кундуз (24 соат) ишловчи савдо дўконларида солиқ тўловларини қабул қилиш амалияти жорий этилган бўлиб, бу иш билан банд ҳодимларни ишдан кейинг бўш вақтларида солиқларни тўлаш имкониятларини беради¹².

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган умумдаваллат солиқлари бўйича солиқ даври ва уни тўлаш муддатлари қонунчиликда белгиланган бўлса, юридик шахслар тўлайдиган айrim умумдавлат солиқлари бўйича корпорациялар ҳисоб сиёсатида кўзда тутадиган солиқ даври ва уни тўлаш

¹² www.nta.go.jp

муддатларидан келиб чиқиб, солиқлар бўйича ҳисоботларни тошириш ва тўловни амалга ошириш ҳуқуқлари берилган.

Бу биринчидан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминласа, иккинчидан, солиқ ҳисоботлари ва тўловини ҳар бир корпорация ўзи ихтиёрий танлаш ҳуқуқини беради.

Солиқ қарзи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга доимий равища телефон тармоғи орқали эслатмалар бериб борилади.

Японияда солиқ тўловчиларни назорат қилиш мақсадида, биринчи навбатда, уларни ҳисобга олиш ишлари амалга оширилади. Бунинг усгун солиқ тўловчиларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш, аниқ юридик манзилига эга бўлиш, юридик манзили ўзгарган ҳолларда солиқ идораларини хабардор этиш талаб қилинади. Булардан ташқари, солиқ органлари орасида ўзаро солиқ тўловчилар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар алмашиниши йўлга қўйилган.

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги дастлабки барча маълумотлар жамланиб, келгусида назорат тадбирларини амалга ошириш мақсадида, солиқ тўловчилар тўғрисидаги ягона маълумотлар базаси “КСК” тизими жорий этилган¹³.

Мазкур базага солиқ органлари томонидан тўпланган барча ҳужжатлардан олинган маълумотлар, солиқ тўловлари бўйича ҳисбот маълумотлари ва тўловлар миқдорлари жамланади.

Солиқ текширувларини ташкил этишдан аввал ушбу маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчининг Товар айланмаси ва фаолият турларига қараб таҳлил ҳамда камерал назорат ўтказилади.

Қонун бузилиши мавжуд ҳолатларда солиқ тўловчилар оғзаки ва ёзма равища огоҳлантирилади.

Солиқ тўловчилар солиқ органлари томонидан берилган огоҳлантиришларга риоя этмаган тақдирда, ихтиёри солиқ текширувлари, қонунчилик қўпол равища бузилган ҳолатларда эса мажбурий солиқ текширувлари ўрказилади.

Япония солиқ тизимида ишловчи ҳодимларнинг 70% солиқ текширувларини ўтказиш билан шуғулланади.

Японияда солиқ тўловчилар тўғрисида қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида, керакли қўшимча маълумотлар йиғиши жорий этилган. Тўпланган маълумотлар келгусида солиқ тўловчиларни назорат ва таҳлил қилиш, сўнгра солиқ текширувларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун асос бўлади.

Япония солиқ тизимини ривожлантириш жараёнида солиқ тўловчилар билан ишлаш ва уларга хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳам мос равища шаклланган.

Солиқ тўловчилар билан ишлашда интерактив хизматлар кўрсатиш, мамлакат фуқароларига солиқ соҳасидаги билимларни ёшлидан сингдириш солиқлар тўлашда онгли муносабатни шакллантириш, солиқ мажбуриятларини бажаришда турли хилдаги мустақил институтларнинг фаолият кўсатиш ҳамда солиқ тўловчилардан солиқ қонунчилиги ва солиқ хизмати ҳодимларига бўлган

¹³ www.mof.go.jp

муносабатларини доимо ўрганиб мониторинг қилиб бориш Японияда солиқ тўловчилар билан ишлашнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳисобланади¹⁴.

Мамлакатда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг электрон тизими барча фуқаролар учун солиқ соҳасидаги маълумотларни тезкорлик билан олиш ҳамда солиқ бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Японияда ҳар бир фуқаро давлат солиқ хизмати веб сайтига кириб (www.nta.go.jp) солиқ тизими ва солиқ соҳасидаги янгиликлар билан тўлиқ танишади ҳамда шу веб сайт орқали солиқ дакларастиялари, ҳисботларни тақдим этиши, солиқларни тўлаши солиқ соҳасидаги ўзини қизиқтирган масалалар бўйича тегишли жавонлар олиши, солиқ органлари томонидан ўтказилаётгам ауксионлар, эр, мол-мулк нархлари ва шу каби бошқа маълумотлар олиш имкониятларига эга.

Бундан ташқари Web-Tax-TV веб сайтига солиқларга тегишли видео материаллар, солиқ идоралри томонидан амалга оширилган ишлар, солиқ қонунбузарликлари бўйича тергов материаллари, ҳамда халқаро солиқ муносабатларига оид маълумотлар виедео роликлар жойлаштириб борилади.

Мамлакат фақароларида солиқ маданиятини юксалтириш, солиқ тўлашда онгли муносабатни шакллантириш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорлида ҳар йили 11-17 – ноябр кунлари “Солиқ ҳақида ўйлайлик” хафталиги ўтказилиб борилади¹⁵.

Ушбу тадбир давомида мактабалр ва жамоат жойларида турли хил кўринишда танловлар, мусобақалар, йиғилишлар ташкил этилади. Мамлакат телевиденияси ва интернет тармоқлари орқали солиқ соҳасидаги янгиликлар ва ўзгаришлар бўйича маълумотлар бериб борилади ҳамда солиқ идораларида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилиб, солиқка оид муносабатлар бўйича семинар, брифинг ва давра суҳбатлари ўтказилади.

Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ПР тизими, яъни, аҳоли билан ишлаш, эркин мулоқот ва тарғибот тизими шаклланганини ҳам алоҳида такидлаш лозим.

Ушбу мақсадда Япония Миллий солиқ агентлигига ва ҳудудий бошқармаларда бўлимлар, йирик солиқ инспекцияларида шўбалар ташкил этилган ва бошқа солиқ инспекцияларида маҳсус мутахасислар ажратилиб, солиқ тўловчилар билан эркин мулоқотлар ўтказади ва ташкилий тадбирларни амалга оширади.

Масалан, ҳар йили турли соҳалардан 1500 дан ортиқ мутахасисларни жалб этиб, уларга маҳсус анкеталар тарқатилади ва солиқ согасидаги ҳамда давлат солиқ хизмати ҳодимлари тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари ўрганиб чиқилади.

Японияда солиқ маслаҳати тизими орқали солиқ тўловчиларга маслаҳат бериш, телефон тармоқлари орқали унинг саволларига жавоб бериш ҳамда ҳисбот ва декларацияларни тузишда солиқ тўловчиларга бевосита ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

¹⁴ An out Line of Japanese taxes System 2016

¹⁵ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

Жумладан, Япония солиқ инспекцияларида ҳар йили декалрастия топшириш муддатларида солиқ хизмати ҳодимларидан иборат солиқ маслаҳатини берувчи алоҳида гурухлар ташкил этилиб, солиқ декларацияларини тұғри ва аниқ тұлдиримиши ҳамда топширилишида улар томидан солиқ түловчиларга ёрдам күрсатилади.

Бундан ташқари, мамлакат бүйича давлат солиқ хизматида 634 та мутахассис телефон орқали солиқ түловчиларга хизмат күрсатди.

Солиқ түловчиларга солиққа оид маслаҳатлар бериш мақсадида, мустақил институлар, яъни солиқ бухгалтерия сертификатига эг бўлган жамоат уюшмалари имтиёзли бўлган, яъни, “кўк декларациялар”ни топширишга кўмаклашувчи 70 мингдан ортиқ солиқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатмоқда.

Японияда солиқ тизимининг асосий негизи солиқ түловчиларнинг ўзлари томонидан ҳисоблаб чиққан ҳолда солиқларни тўлаш ҳисобланади. Миллӣ солиқ агентлигининг асосий йўналиши қуйидаги 2 та соҳа: “солиқ түловчиларга хизмат кўрсатиш”, “солиқ маъмурчилигининг адолатли ва ҳаққоний солиққа тортишга эришиши” ҳисобланади¹⁶.

Солиқларни тўлаш тизимининг солиқ түловчиларнинг ўзлари томонидан ҳисоблаб чиққан ҳолда солиқларни тўлаш тушунчаси. Бу солиқ түловчиларнинг ўзлари томонидан декларация тўлдирган ҳолда даромадлари суммасини белгилашларидир. Бунинг учун эса солиқ түловчилар солиқ қонунчилигида белгиланган мажбуриятларини ўз вақтида сидқидилдан бажарисжларини тушунишлари керак.

Японияда солиқ түловчиларга хизмат кўрсатиш “солиқ түловчиларга хизмат кўрсатиш” бўлими томонидан амалга оширилади.

Зарурат юзасидан солиқ түловчиларга декларация тўлдиршида маслаҳатлар ва ёрдамлар кўрсатишида бошқа бўлим ҳодимлари ҳам бевосита иштирок этади.

Бошқача қилиб айтганда, “солиқ түловчиларга хизмат кўрсатиш” бу нафақат маълум бир бўлимнинг, балки бошқа бўлимларнинг ҳам бевосита ишидир.

Солиқ органларининг асосий иш йўналишини Давлат солиқ бошқармаси белгилайди. Солиқ департаментлари ўз туманларида шароитдан келиб чиқиб уни аниқлаштиришади ва солиқ инспекцияларига кўрсатмалар беришади.

Солиқ инспекциялари ўз фаолиятларини солиқ департаменти кўрсатмарига биноан, уларга қарашли солиқ түловчиларнинг сонини шарт-шароит, корхоналар фаолияти, корхоналар масштабини ҳоисобга олган ҳолда қўл остидаги туманларда олиб боришади.

Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, “солиқ түловчиларга хизмат кўрсатиш”дан ҳар хил ёндашувлар талаб қилинади (мисол учун қишлоқ жойларидан шаҳарнинг ҳар хил жойларини билиш, ушбу ҳудуд яшовчиларининг солиқларига тааллукли билимлар).

Маълумотларни газета, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқалитарқатиш чора тадбирлари бир-бирига яқин бўлган солиқ инспекциялари

¹⁶ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

ҳамкорлигига амалга оширилади. Бундай ҳамкорлик катта худудларда кўп ўтказилади.

Япониядаги солиқ тушумларининг 70% фоизини юридик шахсланинг фойда солиғи, декларация қилинадиган даромад солиғи, тўлов манбайдаги даромад солиғи ва талаб солиғи ташкил этади¹⁷.

Декларация қилинадиган даромад солиқ 10 турга бўлинади. Асосий декларация қилинадиган даромадлар – савдодан, қишлоқ хўжалигидан, асосий воситалар ижарасидан.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун “тижоратни рўйхатга олиш китоби” йўқ. Шунинг учун солиқ органлари якка тартибдаги тадбиркорлар шароитини билиш учун уларнинг манзилларини аниқлаштиришади. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган маълумотларга ҳам кўп нарса боғлиқ.

Даромад солиғи тўловчилар катта миқдорни ташкил этади, бу шахслар солиқ органлари билан декларация тўлдириш ва солиқларни тўлашда рўпара бўладиган шахслар ҳисобланади. Булар тўлов манбайдан солиқ ушлаб қоладиган агентлар ҳисобланишади (ойлик тўловчилар, дивидентлар берувчилар, фоизлар берувчилар ва бошқалар).

Тўлов манбайдан солиқ ушлаб қоладиган агентлар, асосан юридик ташкилотларнинг фойда солиғи ҳамда декалрастия қилинадиган даромад солиғи тўловчи юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, молия ташкилотлари ҳисобланишади.

Солиқларни декларация қиласига шахслар орасидан кўплари ортиқча тўланган солиқни орқага қайтариш учун декалрастия тўлдиришади.

Ҳар ойда маошдан ушлаб қолинадиган даромад солиғи суммаси бир йил давомида тўланадиган миқдордан ошиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Солиқ тўлаш жараёнлари нуқтаи назаридан, Япония солиқ тўловчиларини 3 турга ажратиш мимкин¹⁸.

Биринчи тури, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар. Улар доимий хўжалик фаолияти билан шуғулланишади ва ҳар йили декларация топширишади, лекин булардан камида 5 миллиондаси юридик шасхларнинг даромад ва фойда солиғи тўловчилари солиқ манбайдан солиқ ушлаб қоладиган агентлар ҳисобланади. Уларнинг улуши Япония солиқ тушумларининг ярмини ташкил этади.

Иккинчи тури, солиқ манбайдан солиқ ушлаб қоладиган солиқ тўловчилар. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақидан, дивидентлардан даромад олувчи ва ундан даромад солиғи тўловчи хизматчлар ҳисобланади, ҳамда ушбу гурухга Япония фуқароларининг катта қисми киради.

Учинчи тури, ортиқча тўланган солиқни қайтариб беришни сўраб декларация тўлдириган индивидуал солиқ тўловчилар. Ушбу гурухга киравчи солиқ тўловчилар ҳар йили декларация тўлдириши шарт эмас. Даромад суммаси

¹⁷ 2017 Japan Tax reforms outline

¹⁸ Taxation in japan 2015 -KPMG Taxcorporation

ошиши ёки камайиши, тизимдаги ўзгаришлар туфайли (пенсия билан боғлиқ ҳолатлар ва бошқалар) декларация тўлдирилади¹⁹.

Бошқача қилиб айтганда, ортиқча тўланган солиқ суммасини қоплаб бериш бўйича топшириладиган декларациялар сони 10 миллионтани ташкил қилсада, уларнинг маълумотлари ҳар сафар ўзгаради. Ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариб бериш бўйича топшириладиган декларациялар топширувчиларнинг асосий қисмини манбадан даромад солигини тўловхилар ҳисобланади.

Бундан ташқари, Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш қўйидаги 5 та йўналишда олиб борилади:

1. Маълумотларни бевосита тақдим этиш.
2. Алоҳида аниқ бошқарув
3. Охирги декларация топшириш мобайнида маълумотларни тарқатиш
4. Солиқ маслаҳатчилари орқали маълумотларни тарқатиш
5. Маълумотларни оддий усулда тарқатиш йўли

Япония солиқ тизими маълум схема бўйича тузилмаган. Унинг ҳозирги ҳолати кўп йиллик изланишлар эвазига яратилган. Бундан ташқари, унга солиқ қонучилигидаги ва жамиятдаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатиб келган.

Юридик шахслар орасида кичик масштабли корхоналар ҳам бор, уларнинг сотув ҳажми эса жуда кам. Индивидуал ядвиркорлар орасида эса каттакорхобалари борлари мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги кичик корхоналар бўлиб, уларда фақат оила аъзолари ишлашади. Бундай тадбиркорлар солиқ маслаҳатчиларидан кам фойдаланишади. Улар кунлик мажриятлар билан банд. Уларнимг бухгалтерия ҳисботларида ахволни тўғри акс эттирмаслик тенденцияси кузатилади. Декларацияларни топшириш вақтид бунда йикичик тадбиркорларга уларни тўғри тўлдириш учун кўп ҳолатларда ёрдам кўрсатишга тўғри келади. Бу эса солиқ органларининг солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишдаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг фойда ва истеъмол солиғи бўйича солиқка тортиш давр бу юридик шахснинг хўжалик йили ҳисобланади. Ҳар бир юридик шахснинг хўжалик йили ҳар қандай давр бўлиши мумкин (бир йилдан ошиқ бўлмаган давр).

Юридик шахсларнинг фойда ва истеъмол солиқларини тўлаш ва декалрастияларни тўлдириш даври хўжалик йили тугагандан сўнг 2 ойдан кейин бошланади. Даромад солиғини солиқа тортиш даври салендар йили ҳисобланади. Даромад солиғини тўлаш ва декларация тўлдириш муддати кейинг йилнинг 15-марти, истеъмол солиғини тўлаш ва декларация тўлдириш муддати эса 31-март деб белгиланган²⁰.

Японияда солиқ маъмурчилигини асосий бўғинларидан бири бўлган солиқ ҳисботлари ва улар бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби хусусида тўхталиб ўтамиз. Японияда солиқларни декларация қилиш ва тўлаш тизими қабул қилинган бўлиб, унга амал қилинишини таъминлаш мақсадида солиқ инспекциялари ўtkазиб турилади. Агар декларацияларни оддий текшириш

¹⁹ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

²⁰ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

пайтида хатолар аниқланадиган бўлса, тўланадиган солиқ микдорига ўзгариш киритилади. Бу каби оддий текширишлар солиқ тўловчининг розилигини олган ҳолда ўтказилади.²¹

Декларацияларнинг қонунга тўғри келиши текшириб бўлингач, даромадларни ҳисоблаш ва декларацияга киритиш чоғида йўл қўйилган хатолар тўғриланади. Бу каби хатоларни тўғрилаш декларация тизимининг асоси бўлиб, солиқка тортишда адолатни таъминлаш учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Хуллас, солиқ инспекцияси ва солиқ текширувлари солиқ бошқармалари фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Солиқ тўғрисидаги қонунга кўра, солиқ органларининг инспекторлари солиқ тўловчини сўроқ қилиши ва уни текширудан ўтказишлари мумкин. Бу сўроқ қилиш ва текширув ўтказиш хуқуки, деб аталади. Сўроқ ўтказиш хуқуки солиқ органларининг ходимлари солиқларни бошқаришдаги барча ишларни тўғри юритишларини таъминлаш мақсадида берилган. Агар текширилаётган солиқ тўловчи саволларга жавоб беришдан бош торста ёки текшириш ўтказишга тўскенилик қиласа, у қонун олдида жавоб беришига тўғри келади. Японияда текширишлар режаси йўқ. Бундай режа тузилмайди.

Барча солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб, йиллик декларацияларнинг тўғрилиги текширилади, сўнгра янада чукурроқ текширилиши лозим бўлган шахслар ажратилади. Бу - йиллик декларациялар топиширилганидан сўнг апрел ва май ойларида ўтказилади. Агар декларацияларни текшириш чоғида хатолар борлиги аниқланса ёки даромад микдори нотўғри кўрсатилган бўлса, солиқ тўловчига бу ҳақда телефон ёки хат орқали хабар берилади. Шундан сўнг солиқ декларациясига тегишли тузатишлар киритилади.

Агар солиқ тўловчи катта бизнес билан шуғулланса ёки у томондан декларация ғилинмаган даромад миғдори ҳаддан ташғари катта бўлса, маҳсус текширув ўтказилади.

Умуман олганда Японияда давлат солиқлари пул ёки қимматбаҳо қоғозлар ёрдамида тўланиб, банклар ва солиқларни йиғиш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларга топшириладиган хужжатларга солиқ тўлангани ҳақидаги тўловнома қўшиб қўйилади. Лекин гербли йигимлар ҳамда листензия олиш учун тўланган солиқлар пул ёки гербли маркалар ёрдамида тўланади.

Декларация қилинган даромад солиғи, мерос ва ҳадя солиғини тўлаш муддатлари кечиктирилиши мумкин. Агар солиқ тўловчи табиий оғат натижасида жиддий моддий зарар кўрган бўлса ва бу ҳақдаги маълумот декларацияга киритилса, унга бир йилгача маҳсус имтиёз берилади.

Давлат солиқлари тўлаш Япония банки, почта ёки солиқ бошқармалари орқали амалга оширилади. Мамлакат бўйлаб тахминан 24 минг банк бўлими, 20 минг почта бўлими ва 524 солиқ бошқармаси мавжуд бўлиб, солиқ тўловчилар

²¹ Guide to Japanese tax 2016-2017 by Yugi Gomi. Zaikei Shoho Sha. Higashi Shombashi. Minatoku. Tokyo. Japan. P. 93.

учун максимал даражада қулайлик яратилган. Тўпланган солиқлар ҳукуматнинг Япония банкидаги ҳисобига келиб тушади²².

Давлат солиғини ундиришни таъминлашда устувор эътибор, аввало, давлат солиқларини тўлашга қаратилади. Давлат солиғини ундириш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, давлат солиғи барча бошқа мажбуриятлардан аввал тўланиши керак. Агар давлат солиғи ўз вақтида тўланмаса, тўлов талабномасидан сўнг солиқ тўловчининг мулки мусодара қилиниб, сотилади ва ушбу маблағ солиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилади. Лекин агар солиқ тўлов муддати ўтиб кетганидан кейин ҳам тўланмаслик хавфи мавжуд бўлса, тўлов муддати тугагунга қадар солиқни мажбурий равишда ундиришга киришилади. Ўз шахсий шароитидан келиб чиқсан ҳолда, солиқ тўловчи тўлов муддатини кечиктириш учун муддат олиши мумкин²³.

Тўланмаган давлат солиқлари бўйича, одатда, 50 кун ичида солиқни тўлаш талабномаси юборилади. Агар ана шу муддат ичида солиқлар тўланмаса, солиқ тўловчининг мулкини мусодара қилиш жараёни бошланади. Мусодара қилинган мулкни сотишдан олинган маблағ солиқ сифатида ушлаб қолинади. Солиқ бошқармаси бу ишларни суд иштирокисиз амалга оширади. Мусодара қилиш жараёни талабномада кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг 10 кундан кейин бошланади. Агар солиқ тўловчи солиқларни мулки мусодара қилингандан кейин ҳам тўламаса, мусодара қилинган мулк сотилади ва бундан тушган маблағ солиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилади.

Одатда, давлат солиқларини кўрсатилган муддатнинг охирги кунигача тўлаш мумкин. Лекин солиқ тўловчининг ҳаракатлари, хусусан солиқ тўлашдан бош тортиш ёки маҳсус сабаблар, жумладан, банкротлик туфайли солиқ тўланмаслигининг хавфи пайдо бўлса, одатда, олдин олиш чоралари (масалан, солиқни муддатидан олдин тўлаш тўғрисидаги талабнома, мулкни мусодара қилиш ва ҳоказо) қўлланилади.

Япония Давлат солиқ бошқармаси ўз иш юритиш жараёнида компьютерлардан **1966 йил 2 февралидан** фойдалана бошлаган. 80 йилларнинг охирида ва 90 йилларнинг бошларида умумий онлайн тизими амалга тадбиқ этилган. Бундан ташқари, солиқ маъмурчилиги тизимида рўй берган ўзгаришлар боис солиқ бошқаруви тизимининг даражаси ва самарадорлигини ошириш мақсадида давлат солиқларини умумий бошқариш тизими – КСК тизими амалга татбиқ этилган.

1995 йил январидан КСК тизимидан Токио солиқ бошқармасининг иккита солиқ инспекциясида эксперимент ўтказиш учун фойдаланилган. Сўнгра бу тизим мамлакатдаги барча солиқ бошқармаларига тарқалиб, 2001 йили Япониянинг барча солиқ органлари мазкур тизимга ўтган²⁴.

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш бу Японияда солиқ маъмурчилигини асосий эътиборли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда

²² Taxation in Japan 2015 -KPMG Taxcorporation

²³ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

²⁴ Guide to Japanese tax 2016-2017 by Yugi Gomi. Zaikei Shoho Sha. Higashi Shombashi. Minatoku. Tokyo. Japan. P. 121.

мурожаат қилиш тартиби қуйидаги тартибда амалга оширилади. Агар солиқ түловчи солиқ органларининг фаолиятидан норози бўлса ёки солиқ бошқармаси бошлигининг қарорларини асоссиз деб ҳисобласа, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, солиқ комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Шикоят ва аризалар тизими тез ва жўн простедура жараён бўлиб, солиқ түловчининг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга йўналтирилиши мумкин.

Агар солиқ түловчи солиқ бошқармаси бошлигининг давлат солиқларини ундириш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қарорга нисбатан протест бериши мумкин. Қарорлар доим солиқ бошқармаси бошлиғи томонидан қабул қилинади, шу боис протест ҳар доим унинг номига ёзилади. Лекин агар инспекция давлат ёки минтақавий солиқ бошқармаларининг ходимлари томонидан ўтказилган бўлиб, солиқ бошқармасиининг бошлиғи ана ўша инспекция натижаларига асослангагн ҳолда қарор чиқарган бўлса, протест ёки шикоят давлат ва минтақавий солиқ бошқармаси бошлиғи номига ёзилади. Қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотномада қарордан норози бўлган тақдирда протест ва шикоятларни қаерга юбориш лозимлиги кўрсатиб ўтилади. Бу – ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўлиб, қуйидаги ҳолатларда солиқ комиссиясига ёзилади. Бу каби аризаларни бериш муддати: агар солиқ түловчи илгари қабул қилинган қарорга нисбатан протест ёзган бўлса, янги қарорни олгандан сўнг бир ой ичиди; агар у биринчи марта ёзган бўлса, солиқ бошқармаси бошлигининг қарорини олгандан сўнг икки ой ичиди.

Қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича қарор солиқ масалалари бўйича комиссия раиси томонидан комиссия аъзоларининг хulosасига асосланган ҳолда қабул қилинади. Агар солиқ түловчи солиқ комиссиясининг қароридан ҳам норози бўлса, иш судгача этиб бориши мумкин. Умуман олганда, юқорида айтиб ўтилган иккита қарорсиз иш судгача бормайди. Лекин солиқ тўловчининг аризаси бўйича уч ой давомида қарор чиқарилмаса ва баъзи бир бошқа ҳолатларда солиқ тўловчи тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиши мумкин²⁵.

Солиқка тортиш ишлари ҳамма ҳолатда тўлиқ манбадан солиқ ушлаб қолувчи агенитлар томонидан амалга оширилади.

Бошқача қилиб айтганда, манбадан солиқ ушлаб қоладиган агентлар ушлаб қолинган солиқни солиқ органларига тўлаб беришади ва йил охирида ҳисоб-китоб қилишади. Шундай қилиб, улар сўнги декларация тўлдириш ва солиқларни тўлашни маош кўринишида даромад олувчи солиқ тўловчилар томонидан амалга оширишади.

Маош кўринишида даромад олувчи солиқ тўловчилар амалга ошрадиган жараёнлар оддий бўлиб, иш берувчига қуйидаги маълумотлар берилади:

-йил бошида маош берувчи иш берувчига юқорида келтирилгандек, маошдан бошқа ойлик оладими-йўқми шу тоўғрисида маълумот бериш керак;

-йил охирида ишни тўғри йўлга қўйиш ва солиқ суммасини аниқлаш учун “Йилик солиқ суммасидан ушлаб қолинадиган ҳаётини суғурта қилган сумма ва

²⁵Taxation in Japan 2015 -KPMG Taxcorporation

бошқалар”, “Оиладагилар сони” ва “Маош жўринишида даромад олувчилар йиллик ҳисоботи” тузища керак бўладиган маълумотлар бериш.

Солиқ маслаҳатчиларидан фойдаланиш корхоналар томонидан белгиланади. Солиқ маслаҳатчиларида фойдаланиш учун шртнома тузиш (ишонч шартномаси) ва бухизматлар учун ҳақ тўлаш керак. Бунда корхоналар катта ва маълум капиталга эга бўлиши керак.

Асосан, солиқ маслаҳатчиларидан юридик ва индивидуал тадбиркорлар фойдаланишади, кичик тадбиркорлар эса бунда хизматларда фодаланишга қийналишади.

Солиқ малаҳатчиларининг асосий иши:

1)солиқ тўловчининг вакили сифатида солиқ органларида улар номидан иш юритиши;

2)солиқ ҳужжатларини тузиш;

3)солиқ текширувларида уларнинг иштироки кузтилса-да бундай ёрдамнинг шакли турлича бўлиши мумкин.

Одатда, кунник бухгалтерия ишларини юритиши, молиявий ҳисобот ва солиқ декларациясини тузиш бошқаришга тааллуқли маслаҳатларни бериш учун тузилади. Қандай хизмат кўрсатишдан қатъий назар, солиқ тўловчилар солиқ маслаҳатчиларининг профессионал билимлари ва қонуний статуси фойдаланишади. Бу ўз-ўзидан солиқ органлари учун фойдали, чунки бунда декларациялар тўғри тўлдирилган ҳолда, солиқлар ҳам ўз вақтида тўланади.

3. Россия Федерацииси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари

Россия солиқ тизимининг фаолияти ва ривожланиши комплекси жараён ва у мақсадни белгилаш ва амалга ошириш механизмлари ҳамда мезонларини аниқроқ белгиланмагунча тўғри ривожлана олмайди. Амалдаги солиқ энгилликларининг мақсади фарқли бюджет даражаларинии улар учун зарур бўлган даромадларга мувофиқ барпо этиш ҳисобланади. Бюджетнинг керагидан ортиқ тўловларида воз кечиш режалаштириш усуллари орқали амалга оширилади ва унинг бажарилиши давлат даромадлари манбаларига мувофиқлигини талаб этади. Бюджетнинг ортиқчалиги иқтисодий энгилликлардаги адоластизликнинг бир қисми ҳисобланади ҳамда солиқ солища мантиқий намоён бўлишини таққослаш орқали баҳолаш мумкин. Молиявий мослик сабаблари томонидан ўзини оқламайдиган муаммо ҳисобланади. Дунё бўйича бюджет даромадларида амалдаги солиқ энгилликларининг адолатлилиги таққосланган, бунда Россия амалиёти ўз ичига олинган. У қуйидагича ривожланади ва фойдаланилади:

Биринчидан, солиқ солиши умумий тизимини такомиллаштириш методлари;

Иккинчидан, солиқ ставкаларни ёндашишида табақалаштирилган тартибда ёндашиш;

Учинчидан, солиқ турларининг кўплиги, уларнинг ҳар бири бўйича ягона база асосларини маъқуллигини аниқлашга эга бўлиш.

Солиқ тизимининг ривожлантиришнинг стратегик мақсади бошқарув механизмларини ўстириш орқали амалга ошириш ҳисобланади, бу ўз ичига солиқларни табақалаштириш, солиқ ставкалари ўзгаришлари, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига молиявий ҳаракатларнинг мувофиқлиги, бу иқтисодий фаолиятни ривожлантириш билан ўлчанади.

Россияда ягона солиқ тизими ривожлантиришга қараб 1991-1992 йилда муҳим қадам қўйилди, дунё амалиётидаги ижобий тажрибалар ҳисобга олинди. У классик солиқ назарияларидек жозибадор бўлиши керак эди ва констепстиялар узоқ вақтдан бери ривожланган бўлиши керак эди, муаммоларни эчимини топишда бозор иқтисодиётiga асосланди. Россия 1991 йилда федерал, регионал ва маҳаллий даражадаги ссолиқлар ва тўловлар билан мураккаб уч босқичли солиқ тизими жорий қилинди. Улар қуйидагича тасдиқланган: федерал 15 та, регионал 3 та, маҳаллий 21 та, умумий 39 та солиқлар ва тўловлар белгиланди. Бекор қилинган қўшимча солиқлар ва тўловлар тизими ўрнига давлат ижтимоий жамғармаси, бюджетга қўшимча давлат фонлари белгиланди ҳамда уларни чегиришнинг алоҳида номалари белгиланди.

4. Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

Хитойнинг иқтисодий ривожланиши ва шаҳарлашуви ҳамда кенг қамровли аҳолининг даромадларидағи фарқларини ҳисобга олган ҳолда замонавий солиқ тизимини қандай қилиб ривожлантириш муҳокамаси Хитой ҳукумати учун муҳим ҳисобланади. Шунингдек, Хитой солиқ тизимининг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Амалдаги Хитой солиқ тизими регрессиве, мураккаб ҳамда бюджет харажатлари учун даромад этарли эмас. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида бир қатор солиқ ислоҳоти кўрсатмалари ишлаб чиқилган. Бу ўз ичига юқори даромадга эга бўлган жисмоний шахсларга даромад солиғини ошириш ва босқичма-босқич мазкур жисмоний шахслар сонини кенгайтириш, истъемол солиғи ҳажмини ошириш ва барча солиқлар бўйича зарур бўлмаган имтиёзли солиқ муносабатларини бекор қилишни олади.

Хусусан, Хитой солиқ тизимини муҳокама қилиш асосан иккита сабабга кўра муҳим ҳисобланади.

Биринчидан, у катта иқтисодий имкониятларга эга ва бу эса даромад бўйича фарқлар билан боғлиқ, солиқ тизими иқтисодий ўсишдан олинган фойдани ва даромадни қайта тақсимлашда муҳим ролни ўйнаши керак.

Иккинчидан, Хитойнинг иқтисодий ривожланиши ва шаҳарлашуви билан боғлиқ, бу эрда ҳар доим ҳалқ товарлари ва соғлиқни сақлаш хизматлари, йўллар, ҳалқ таълими, инфраструктуранинг ривожланиши, миллионлаб баҳстизликлар учун умумий хавфсизлик дастурлари ва миллионлаб қари ёшдаги фермерлар учун қарилик нафақалари учун талаб юқори бўлган. Бу турдаги барча хизматлар даромаднинг катта миқдорини талаб қиласи. Ҳозирда Хитойда солиқка тортиш ЯИМ нинг 18 фоизини ташкил қиласи ва бу эса зарур бўлган бюджет даромади миқдори учун этарли эмас. Хитойнинг амалдаги солиқка тортиш тизими

бильвосита солиққа тортиш оғирлигига сұянағы яғни ҚҚС, бизнес солиғи ва махсус истеъмол қилинадиган товарлар учун солиқлар күпроқ микдорда ундирилади. Бу шахсий даромад ва юқори даромад олувчиларнинг жадал ўсиши билан боғлиқ, шахсий даромад солиғида юқори солиққа тортиш ўзгарувчан бу эса этказиб бериш хизматларига кўра ишлаб чиқаришда күпроқ даромад олиш имконини беради.

Амалдаги Хитой солиқ тизими 1994 йилда Солиқ тизими ислоҳоти Акти билан жорий қилинган, бунда бозор иқтисодиётiga мос солиқ тизимини олишга ҳаракат қилинган. Ўшандан буён фақат бир иккита ўзгаришлар қилинган холос. Жорий солиқ тизимида 25 та солиқ тури мавжуд. Улар 8 та гурухга ажратилади:

1. Оборот солиқлари. Бу ўз ичиға ҚҚС, истеъмол солиғи ва бизнес солиқларини олади.

2. Даромадни солиққа тортиш. Бу тадбиркорлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ўз ичиға олади.

3. Ресурс солиқлари. Бу ресурс солиғи ва шаҳар ҳамда шаҳар типидаги қишлоқ эридан фойдаланганлик учун солиқни ўз ичиға олади.

4. Мулк солиқлари. Бу уй-жой солиғи ва шаҳар кўчмас мулк солиғини ўз ичиға олади.

5. Махсус мақсадлар учун солиқ. Бу шаҳар қуриш ва таъмирлаш солиғи, асосий активларга инвестицион йўналишларни тартибга солувчи солиқ ва эр қимматлашиши ҳамда қишлоқ хўжалигини эгаллаш солиғини ўз ичиға олади.

6. Хатти-ҳаракат солиқлари. Бу бир қатор солиқларни яғни транспорт воситаси ва кема солиғи, транспорт воситаси ва кемадан фойдаланиш учун листензия солиғи, штамп солиғи, иш-ҳаракат солиғи ва зиёфат солиғи.

7. Қишлоқ хўжалиги солиқлари. Бу қишлоқ хўжалиги солиғи ва ҳайвон эрлари солиғини ўз ичиға олади.

8. Харидорлар божлари. Булар Хитой давлати фуқаролари томнидан импорт қилинган товар ва буюмлардан ундирилади.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси;
2. Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари;
3. Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос ҳусусиятлари;
4. Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари.
5. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш тартиблари?
6. Ривожланган мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш таҳлили.
7. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини самарали амалга оширишга таъсир этувчи омиллар

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини хуқуқий тартиба солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishchacha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.
15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.
16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: "Noshir", 2012. 712-bet.
17. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машгулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машгулотлар республикамиздаги илфор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машгулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллый инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиласидар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Солиқ муносабатларини тартибга солишда солиқ маъмуриятчилиги тизимининг илмий-услубий асослари ва аҳамияти (2 соат) Режа

1. Иқтисодиётимизнинг янада жадал ривожланишида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари
2. Солиқ маъмуриятчилигини ташкил қилишнинг назарий асослари
3. Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришда Давлат солиқ маъмурчилиги босқичлари: режалаштириш, прогнозлаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати
4. Солиқ сиёсатида Солиқ маъмуриятчилигининг асосий йўналишлари

Калит сўзлар: Солиқ маъмуриятчилиги, солиқ маъмурчилиги функциялари, тадбиркорлик, саноат тармоғи, фермер хўжаликлари, иқтисодий самарадорлик, ишлаб чиқариш, ялпи, товар маҳсулот, ялпи даромад, соғ даромад, фойда

1. Иқтисодиётимизнинг янада жадал ривожланишида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви шароитида солиқлар воситасида бир томондан тартибга солиш иккинчи томондан эса рағбатлантириш ҳамда иккала жараённи тўғри ташкил эта олиш хўжалик юритувчи субъектларимиз

фаолиятининг бозор муносабатларининг иқтисодий талабларига мослашишида, уларнинг босқичма-босқич ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан кейинги йилларда солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, айrim йўналишлар бўйича солиқ солиш тизимларини такомиллаштириш бўйича қатор меъёрий-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тизими олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ушбу тизимнинг самарали фаолият қўрсатишига боғлик. Ўз навбатида, солиқ тизимнинг самарали фаолият қўрсатиши эса мамлакатда солиқ маъмурчилиги қандай ташкил этилганлигига боғлик бўлади. Юқоридаги сабабларга кўра, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиёти принципларига жавоб берадиган солиқ тизимининг шаклланганлиги, Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг қабул қилинганлиги, солиқларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмларининг жорий этилганлиги, солиқ органлари яхлит тизимининг яратилганлиги бозор инфратузилмасини шаклланиши ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бироқ, мамлакатимиз амалиёти ва илгор хориж тажрибасининг чуқур таҳлили республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилишнинг зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, таҳлилларнинг қўрсатишича, солиқ органларининг функциялари, ваколатлари ва тузилмаси замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадилмаяпти, улар фискалъ-молия органлари тузилмасида, энг аввало, солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш Давлат бюджети даромадлар қисмини барқарор шакллантиришнинг белгиланган топшириқларини бажариш масалаларида ҳали етакчи ўринни эгаллагани йўқ.

2. Солиқ маъмуриятчилигини ташкил қилишнинг назарий асослари

Мамлакат аҳолиси, шунингдек, хўжалик субъектлари солиқ маъмурчилиги тўғрисида аниқ ва тўлиқ тасаввурга эга эмас. Иқтисодий адабиётда солиқ маъмурчилиги хусусида турлича иқтисодий қараашлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш эҳтиёжи вужудга келмоқда. Юқоридаги масалаларга аниқлик киритмасдан туриб, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришни амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларнинг барчаси танланган диссер- тация

мавзусининг долзарблигини белгилаб беради, ушбу мавзуда мустақил, маҳсус чуқур илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Солиқ маъмурчилигининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишлиланган дастлабки ишлар россиялик иқтисодчи олимлар Бурцев Д.Г., Грунина Д.К., Горский И.В., Дадашев А.З., Дуканич Л.В., Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. ва бошқалар томонидан амалга оширилиб, уларда Россия Федерациясидаги солиқ маъмурчилигига тегишли бўлган ҳолатлар ўз аксини топмоқда²⁶.

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигининг айрим амалий жиҳатлари О.Қ.Абдураҳмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, О.К.Иминов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Б.Э.Тошмуродова, Ш.А.Тошматов, Қ.А.Яҳъёев, Н.Р.Қўзиева, Н.Х.Ҳайдаров ва бошқаларнинг илмий ишларида²⁷ таҳлил қилинган. Бироқ, ушбу масала ҳозирга қадар илмий тадқиқотчилар томонидан мустақил тадқиқот обьекти сифатида тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан, мамлакатимизда солиқ маъмурчилигини янан самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, уни амалга ошириш лозим.

Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. а) солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқариш тизимиdir. б) солиқ маъмурчилиги давлат солиқ сиёsatини амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қиласди. в) солиқ маъмурчилиги солиқ органлари фаoliyatini мувофиқлаштириб туради; г) солиқ маъмурчилиги солиқ ҳуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солиқ механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д) солиқ муносабатлари солиқ маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солиқ маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёsatини ташкил этишнинг принциплари муҳим роль йўнайди. Ушбу принципларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) соликка тортиш жараёнларини

²⁶ Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. Учебное пособие. М.: изд-во Омега Л.,2005. – 408 с.; Грунина Д.К. Основы налогового администрирования. – М.: ФА при Правительстве РФ, 2003.– 148 с.; Дадашев А.З., Лобанов А.В. Налоговое администрирование в Российской Федерации. – М.: Книжный мир, 2002. – 202 с.; Бурцев Д.Г. Изменения в налоговом администрировании в условиях модернизации налоговых органов // Налоговый вестник. 2002. № 1. С.23-27.

²⁷ Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Соликлар ва соликка тортиш / Дарслик. – Т.: Шарқ, 2009. – 448 б.; Ваҳобов А. ва бошк. Бюджет-солик сиёsatи яхлитлиги. Ўкув қўлланма. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2005. – 480 б.; Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солик назарияси. – Т.: ТМИ, 2004. -210 б.; Зайналов Ж.Р. Соликлар ва соликка тортиш. – С.: СКИ, 2002. – 366 б.; Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Соликка тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – 130 б.; Маликов Т.С. Соликлар ва соликка тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 202 б.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солик сиёsatи. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 472 б.; Тошмуродова Б. Солик муносабатларини оптималлаштириш. Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2005. – 265 б.; Тошмуродова Б. Соликлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда соликлар роли / Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Яҳъёев Қ.А. Соликка тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 248 б.; Ҳайдаров Н.Х. Соликлар ва соликка тортиш масалалари. Ўкув қўлланма. – Тошкент: “Akademiya”, 2007. –256 б. ва бошқалар.

маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) солиқларнинг иқти- содиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг тақсимланиш); 3) солиқ муносабатларининг қонун нуқтаи назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Фикримизча, солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барчаҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қуидагича таъриф бериш мумкин: “Солиқ ҳуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қиладиган, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимиға солиқ маъмурчилиги дейилади”.

Бизнингча, солиқ маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солиқ маъмурчилигининг солиқ ҳуқуқи қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солиқ маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга дахлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир.

Шунинг учун ҳам, солиқ маъмурчилиги функциялари таркибиға, умумий тарзда, қуидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш;

в) назорат; г) тартибга солиш. Бироқ, солиқ маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавҳум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солиқ маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг фақат солиқ маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солиқ маъмурчилигининг аввало солиқ муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қуидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солиқ муносабатларини режалаштириш; 2) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солиқ муносабатларини назорат қилиш; 4) солиқ муносабатларини тартибга солиш.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи назаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солиқ салоҳияти жумладан, худудларнинг солиқ салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳолан маётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида солиқ тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солиқ фаоллиги даражаси ва солиқ имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини етарли

даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли солиқлар бўйича солиқ тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий ҳудудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида бажарилишини характерлайдиган кўрсаткичлар яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қўйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- солиқларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий ҳудудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузили- шига йўл қўймаслик керак;

- солиқ тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равишда боғлиқлигини таъминлаш лозим;

- мамлакат ва унинг маъмурий ҳудудлари миқёсида солиқларни солиқ тўловчилар томонидан бюджетта ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет- тўлов интизомига риоя қилмаслик ҳолларининг содир этилаётганлигига чек қўйиш зарур;

- солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, солиқقا тортиш базасини онгли равишда нотўғри белгилаш, тегишли солиқ ставкаларини нотўғри қўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;

- аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси даврларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобатга олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур

3. Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштиришда

Давлат солиқ маъмурчилиги босқичлари: режалаштириш, прогнозлаштириш, солиқлар орқали тартибга солиш, солиқ назорати

Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳиятини аниқлашда қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. а) солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқариш тизимиdir. б) солиқ маъмурчилиги давлат солиқ сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат қиласди. в) солиқ маъмурчилиги солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради; г) солиқ маъмурчилиги солиқ хуқуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуқтаи-назардан солиқ механизмининг ўзига хос стержени сифатида талқин этиш мумкин; д) солиқ муносабатлари солиқ маъмурчилиги предметини ташкил этади; е) солиқ маъмурчилиги моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкинбўлган функциялар орқали намоён бўлади.

Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёсатини ташкил этишининг принциплари муҳим роль ўйнайди. Ушбу принципларни уч гурухга бўлиш мумкин: 1) солиққа тортиш жараёнларини маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик); 2) солиқларнинг иқти- содиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тенг таҳсимланиш); 3) солиқ муносабатларининг қонун нуқтаи назаридан аниқлигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Фикримизча, солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи ушбу жараёнда эътиборга қаратилиши керак бўлган барчаҳолатларни ҳисобга олиши зарур. Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Солиқ хуқуқи қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қиласиган, солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимиға солиқ маъмурчилиги дейилади”.

Бизнингча, солиқ маъмурчилиги мазмун-моҳиятини янада тўлароқ ифодалаш мақсадида унга берилган янги таърифда олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, яна икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солиқ маъмурчилигининг солиқ хуқуқи қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Солиқ маъмурчилиги маълум маънода, бевосита бошқарувга даҳлдор бўлганлиги учун унга бошқарувга тегишли бўлган барча функциялар хосдир.

Шунинг учун ҳам, солиқ маъмурчилиги функциялари таркибига, умумий тарзда, қуйидагиларни киритиш мумкин: а) режалаштириш; б) ҳисобга олиш;

в) назорат; г) тартиба солиши. Бироқ, солиқ маъмурчилиги функцияларининг бу тарзда ифодаланиши, фикримизча, мавхум бўлиб, унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини мутлақо ифода этмайди. Шунинг учун солиқ маъмурчилиги функцияларида унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқ акс эттирилиши ва бу функцияларнинг фақат солиқ маъмурчилигига хос эканлиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар солиқ маъмурчилигининг энг аввало солиқ муносабатларини бошқариш тизими эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда унинг функцияларини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин: 1) солиқ муносабатларини режалаштириш; 2) солиқ муносабатларини ҳисобга олиш; 3) солиқ муносабатларини назорат қилиш; 4) солиқ муносабатларини тартиба солиши.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатишича солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш нуқтаи- назаридан, шу жойда қатор муаммолар мавжуд. Фикримизча, дастлабки муаммо сифатида солиқ салоҳияти жумладан, худудларнинг солиқ салоҳияти етарли даражада тўғри башоратланмаётганлиги ва баҳолан маётганлигини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, бюджет тизимининг турли даражаларида

солик тушумларининг режалаштириш жараёнларини такомиллаштиришга, минтақаларнинг солик фаоллиги даражаси ва солик имкониятларини аниқлаш, таққослаш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини етарли даражада тавсифлаш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатни турли солиқлар бўйича солик тушумларининг мамлакатимиз, жумладан, алоҳида олинган маъмурий ҳудудлар бўйича режалаштирилиши ва ушбу кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида бажарилишини характерлайдиган кўрсаткичлар яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда солик маъмурчилигининг самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилишда масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун, бизнинг фикримизча, қўйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим:

- солиқларни бюджетга йиллар бўйича ундирилиш режаларининг бажарилишида Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий ҳудудлари бўйича нореал, етарлича асосланмаган, субъектив омилларнинг таъсирида тузили- шига йўл қўймаслик керак;
- солик тушумлари бўйича тузилган режаларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш режалари билан узвий равища боғлиқлигини таъминлаш лозим;
- мамлакат ва унинг маъмурий ҳудудлари миқёсида солиқларни солик тўловчилар томонидан бюджетга ўз вақтида тўламаслик, молия-бюджет-тўлов интизомига риоя қиласлик ҳолларининг содир этилаётганлигига чек қўйиш зарур;
- солиқлар бўйича берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, соликка тортиш базасини онгли равища нотўғри белгилаш, тегишли солик ставкаларини нотўғри қўллаш ҳолатларининг олдини олишга эришмоқ керак;
- аксарият ҳолларда объектив сабаблар ва келгуси давларда вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб молиявий вазиятни инобатта олмаган ҳолда доимо бюджет манфаатларининг биринчи ўринга қўйилаверишига чек қўйиш зарур

4. Солик сиёсатида Солик маъмуриятчилигининг асосий йўналишлари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа соҳалари қатори солик тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солик қонунчилигининг тобора такомиллаштирилаётгани, тизимдаги янгилик ва ўзгаришлар юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Солик сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқкан ҳолда шакллантирилганлиги таъкидланди.

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шартшароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиши, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан:

Биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиши масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мuloқotsiz хизмат кўрсатиши таъминлайдиган "солиқ тўловчининг шахсий кабинети"дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

Иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиши обьектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиши учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

Учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишининг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

Тўртингидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизmlарининг мукаммал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви обьектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни баравқт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтирумокда;

Бешинчидан, солиқ низоларини судгача ҳал этиш - солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқтўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари қўпайишига олиб келмоқда;

Олтинчидан, солиқ солиши тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиши базасига эга солиқларнинг етарли даражада унификация қилинмаганлиги, солиқконунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаяпти;

Еттингидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташки назорат механизmlарининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг

йифилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаяпти;

саккизинчидан, солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш бўйича ўз конституциявий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

тўққизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатилмаганлиги маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун мавжуд резервларни тўлиқ сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кафолатли қайтишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йифиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция кўринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқорганларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқмаъмурологиянинг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

биринчидан, солиқ маъмурологияни жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишига тўлиқ ўтиш;

иккинчидан, солиқ солиш обьектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

тўртинчидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш обьектларини тўлиқкамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқсолинадиган базани кенгайтириш;

олтинчидан, солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

еттинчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

4. Солиқ маъмурчилигининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?
5. Солиқ тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳамда унинг самарадорлигига қандай омиллар таъсир этади?
6. Солиқ маъмуриятчилигининг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

18. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисббот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

20. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

23. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-ton qarori

24. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-ton qonuni

25. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-ton qonuni

26. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishchalar chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-ton qonuni

27. Каримов И.А. Баш мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. хисобот

28. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.

29. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

30. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

31. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

32. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

33. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

34. Вахобов А.В, Жўраев А.С. Соликлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикасида солик маъмуриятчилиги: муаммолар ва истиқболдаги вазифалар. (4 соат)

Режа

1. Солиқ маъмурчилигини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати органларининг ўрни

2. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва ушбу йўналишларда олиб борилаётган давлат сиёсати

1. Солиқ маъмурчилигини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати органларининг ўрни

Жамият иқтисодий тараққиёти бир томондан унинг ички механизмига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бошқарувнинг ҳарактерига, ижтимоий-сиёсий ҳолатга, мувозанатга боҳлиқ бўлади. Оддий қилиб айтганда устқурмага ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур жараёнда ижтимоий сиёсат алоҳида рол ўйнайди. Ижтимоий сиёсат ўз навбатида ички ва ташқи маданий-маърифий, сиёсий, иқтисодий сиёсат кабиларга бўлинади. Иқтисодий сиёсат ҳам ўз навбатида молия, пул-кредит, бюджет, солиқ сиёсати каби турларда амал қилиб, уларни яхлитлиги макроиктисодий даражада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг асосий ажralmas қисмига айланади. Шу ўринда солиқ сиёсатининг мазмунига тўхталиб ўтадиган бўлсак, юкорида қайд этилганидек, **солиқ сиёсати** - бу иқтисодий сиёсатининг ажralmas бир бўлаги бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиқقا оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йифиндисидир. Мамлакат солиқ тизими хусусиятлари, йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни таъминлаш каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб беради²⁸.

«Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, давлат бюджети даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчидан, корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат»²⁹ деб муҳтарам биринчи Президентимиз И.А. Каримов алоҳида таъкидлаб ўтган.

Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги (1991 йил 15 феврал), «Маҳаллий солиқлар ва йифимлар тўғрисида»ги (1993 йил 7 май) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлган

²⁸ E.Gadoev. N. Kuzieva. N. Ashurova. “Soliq siyosati strategiyasi” o’quv qo’llanma 83b

²⁹ Karimov I.A. O’zbekiston buyuk kelajak sari. –T.: «O’zbekiston», 1998. 52-b

бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Конуни юқоридаги ҳужжатларниң айримларини ўз кучини йўқотишига олиб келган бўлса, айримларининг ҳуқуқий базасини кенгайишига, кучайишига хизмат қилиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Конунга мувофиқ, шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиясида фуқароларнинг бурчларига солиқларни тўлаш мажбурияти ҳам киритилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йигимларни тўлашга мажбурдирлар»³⁰. Шунингдек республикамиз ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва уни белгилаш ваколати ҳақидаги жумлалар келтирилган: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қиласди. Солиқларни жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақлидир».³¹

Бугунги кунда республикамиз солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Конуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан изоҳланади.

Солиқ сиёсати таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ❖ мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва мажбурий тўловларни қонуний жорий этиш;
- ❖ амал қилаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизм шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;
- ❖ солиқ сиёсатини амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;
- ❖ солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чукур илмий тадқиқотни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

Юқорида қайд қилинганидек, солиқ сиёсати давлат, яъни унинг ваколатли органлари томонидан олиб борилади. Агар ушбу ваколатли органлар ҳокимият тури нуқтаи-назаридан олиб қараладиган бўлса, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади. Айрим ҳолларда давлатнинг солиқ сиёсати Давлат солиқ қўмитаси томонидан олиб борилади, деган фикрлар учрайди. Амалда эса солиқ сиёсати давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари: Конун чиқарувчи, Ижро этувчи ва Суд ҳокимиятлари фаолиятларининг ажралмас қисми сифатида комплекс тарзда амалга оширилади.

Бу ҳокимиятлар томонидан солиқ сиёсати қуйидаги тартибда ишлаб чиқилади ва унинг ижроси таъминланади: Конун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланган Олий Мажлис томонидан солиққа оид ва унга бевосита тегишли

³⁰ O’zbekiston Respublikasining Konsitutsiyasi T «Adolat» 2016 yil 51-modda.

³¹ O’zbekiston Respublikasining Konsitutsiyasi T «Adolat» 2016 yil 132-modda

бўлган қонунлар қабул қилинади, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади ёки айримлари бекор қилинади. Демак, солиқ сиёсатининг хуқуқий негизлари мазкур ҳокимият фаолияти билан боғлиқдир. Ижро ҳокимияти бўлган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг бўлинмалари, Давлат Солиқ қўмитаси, Молия Вазирлиги, Адлия Вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа тегишли органлар томонидан Олий Мажлис томонидан қонун йўли билан жорий этилган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловларнинг ишлаш механизмини таъминлашга хизмат қилувчи хуқуқий меъёрий ҳужжатлар орқали уларнинг ижроси таъминланади. Бунда албатта ижро ҳокимиятининг бир бўгини ҳисобланган Давлат солиқ қўмитасининг солиқ сиёсати ижросини таъминлашдаги алоҳида ўринга эга эканлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, ҳар йилнинг охирида келгуси йил учун амал қиласиган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловлар бўйича солиқ ставкаларини тасдиқлаш, ўзгартиришлар киритиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига берилган. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар бўғинлари билан бирга суд ҳокимиятининг бўғинлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Суд ҳокимияти томонидан қонуний амал қилаётган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловларнинг ўз вақтида бюджетга келиб тушиши устидан назорат ўрнатилиб, солиқ қонунчилиги бузилишларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўлланади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишида нафақат алоҳида олинган муассасалар бевосита қатнашади, шунингдек, уни ишлаб чиқишида солиқ хизмати билан шуғулланмайдиган субъектлар, аникроғи солиқ тўловчилар қатнашиши мумкин, яъни бунда солиқ тўловчиларни ўзларида солиқларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар, солиқларни ҳисоблашни осон ва самарали ишлаш кабилар таклиф сифатида берилиши мумкин.

Солиқ солиши соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат аппаратининг турли бўғинлари фаолиятидаги мослашувчанликка боғлиқ. Ваколат ҳар бир органнинг спетсифик ролини белгилайди ва бир вақтнинг ўзида унинг бошқа органлар фаолияти билан мослашувини таъминлайди. Давлатнинг асосий вазифаларидан бирини ҳал этилиши бюджетни тўлдириш, солиқ тўловчиларнинг иқтисодий ва юридик ҳатти-харакатларига таъсир этишнинг у ёки бу дастагига эга бўлган барча давлат ҳокимияти органлар фаолиятининг мувофиқлаштирувисиз мумкин эмас. Кўпгина адабиётларда таъкидланганидек, контсептуал солиқ тамойилларидан бири давлат органларининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда биргаликдаги иштироки ҳисобланади³².

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш жараёнида бир қанча ўз ваколати доирасида фаолият юритадиган органлар биргаликда баҳамжихат ишни ташкил этишлари шарт. Бу органлар фаолият турининг турличалиги, уларни ташкил этиш асосларининг фарқланиши, мақсад ва вазифаларининг айричалиги солиқ муносабатларини ташкил этишда айрим

³² Гадоев Э, Кузиева Н, Ашуррова Н, Ўрмонов Ж. Дарслик. Юридик шахсларни солиқка тортиш. - Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. 2013й.

муаммоларни келтириб чиқаради. Бу жараёнда актив иштирок этишни таъминлаш мақсадида улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бир-бирига мослушувчанлигини таъминлаш каби қатор муаммоларни ҳал этиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, асосий иқтисодий ҳуқуқлар ва солик тўловчиларнинг эркинлигини таъминлаш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг доимий назорати остида туради. Президент томонидан уларнинг фаолиятига нисбатан билдириладиган асосий талаблар бевосита солик соҳасидаги ишларнинг умумий аҳволи, уни бошқариш, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқалар билан белгиланади. Давлат солик қўмитаси ва бошқа соликлар бўйича бевосита ва билвосита ваколатга эга бўлган органлар ишини мувофиқлаштирган ҳолда ҳокимиятнинг ушбу соҳалари солик солиш билан боғлиқ шахс ҳуқуқларини таъминлаш учун юқори даражали жавобгарликни ўз зиммасига олади ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг барча жиҳатларини мукаммал тартибга солади.

Қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлис) Конститутсиянинг 78-моддаси 8-банди ва “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида” ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ҳукуматнинг тақдимиға мувофиқ соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди. Давлат солик қўмитасининг ваколатига киравчи масалалар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида солик қонунчилигини такомиллаштиришга доир тақлифларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳукуматга киритиш ҳуқуки унинг Олий Мажлис билан ўзаро муносабатлари ҳукуматнинг иштироки билан қурилишига яққол мисол бўла олади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Давлат Солик қўмитасига нисбатан ваколатлари бўйича раҳбар орган ҳисобланади. Солик қонунчилигини қўллаш амалиётини доимий равишда умумлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органларини мазкур соҳанинг хусусиятли жараёнлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориши лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солик сиёсати мустақилликка еришганимиздан сўнг анча ривожланган бўлсада ушбу соҳада олиб борилиш керак бўлган ишлар жуда ҳам кўп. Бунинг мисоли сифатида Президентимиз томонидан 2017-йил 18-июлда тасдиқланган “Солик маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”си ПФ-5116-сонли фармонини келтириш мумкин, чунки ушбу фармон билан соллик сиёсатидан қўйидаги камчиликлар асосли равишда келтирилди:

Биринчидан, солик органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солик маъмурчиларининг шаффофлигини, солик солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солик тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган «солик

тўловчининг шахсий кабинети»дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиш обьектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йифиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг ахволи ва ривожланиш тенденстияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

тўртинчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизмларининг мукаммал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви обьектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳукуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвакт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтирумокда;

бешинчидан, солиқ низоларини судгача ҳал этиш – солиқ апеллястияси институти имкониятларидан этарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқ тўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, солиқ солиш тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг этарли даражада унифиқастия қилинмаганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаяпти;

еттингчидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташқи назорат механизмларининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаяпти;

саккизинчидан, солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш бўйича ўз конститустиявий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

тўққизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатилмаганлиги маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун мавжуд резервларни тўлиқ сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кафолатли қайтишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йифиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция кўринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқ органларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Шуларни инобатга олиб шуни айтиш мумкинки, солиқ сиёсатини такомиллаштириш борасида ҳали олиб борилиши керак бўлган ишлар кўп. Бунда мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021- йиллар учун мўлжалланган

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар Стратегияси дастурил ама бўлиб хизмат қиласди.

2.Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва ушбу йўналишларда олиб борилаётган давлат сиёсати

Юқорида таъкидланганидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш мақсадида:

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

иккинчидан, солиқ солиш обьектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсиран механизmlарини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

тўртингчидан, мақроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш обьектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизmlарини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

олтинчидан, солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

еттинчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Ушбу мақсадларга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ПФ-5116-сонли фармони билан 2018-йил 1-январдан қўйидагиларни жорий қилиш белгиланди:

солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиши масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли – солиқ мониторинги жорий этилади;

йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилади;

вақтингчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар – хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин;

ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибида ундириш жорий этилади;

ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш солиқ тўловчи ваколатли органларга мурожаат этган санадан бошлаб 15 иш куни ичida амалга оширилади;

давлат солиқ хизмати органларига кирим ҳужжатларини расмийлаштирумасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиласидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобвақлари бўйича операцияларини 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтингчалик тўхтатиб туриш ваколати берилади;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида солиқ органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади, республиканинг қолган худудларида мазкур тизим босқичма-босқич киритилади;

солиқ текшируви обьектларини самарали танлаб олиш учун солиқка оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш хавфларини таҳлил қилиш, шунингдек солиқ органлари томонидан юқори ликвидли маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ҳисоби ва назоратини амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган автоматлаштирилган тизим жорий этилади;

давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга оширади, натижаси бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуритчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли ыарорига мувофиқ, мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуритчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки камайтирилди, айланма маблағлардан олинадиган солиқлар оптималлаштирилди, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставқасини камайтириш орқали солиқ тизими қайта қўриб чиқилди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиққа оид хукуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид хукуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичida молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар мазкур хукуқбузарлик учун қонун хужжатларида белгиланган жиной ва маъмурӣ жавобгарликдан озод этилади.

2. 2020 йил 1 январдан бошлаб:

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинади ва бу қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишнинг шарти ҳисобланади;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтишда ушбу солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтилган санадан аввалги охирги 12 ойда харид қилинган товар-моддий захираларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улушда ҳисобга олинади;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш ёки ягона солиқ тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиладиган ой бошланишидан олдин ўн иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

Солиқ маъмуритчилигини такомиллаштириш стратегияси қабул қилинди унга мувофиқ;

Солиқ тизими иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим механизм сифатида намоён бўлиши қайд этилди.

2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини

соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш вазифаларини амалга оширишни давом эттириш имконини берди.

Шу билан бирга, солиқ тизимида ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, солиқ ислоҳотларини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қуйидаги камчилик ва муаммолар кўрсатиб берилди:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш принциплари эскирган бўлиб, солиқ тўловчиларга комплекс хизматлар кўрсатишни, шунингдек улар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий бажарилишини таъминламаяпти;

иккинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда маъмурий харажатлар (сарфланадиган вақт ва маблағ) даражаси юқори бўлиб қолмоқда;

учинчидан, солиқ соҳасида имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизмлар мавжуд эмас;

тўртинчидан, хуфиёна иқтисодиёт даражасини қисқартиришга қаратилган, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш жараёнларини рағбатлантирувчи жамоатчилик назорати механизмлари мукаммал эмас;

бешинчидан, солиқ тўловчи билан солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ягона стандарт ва дастурий маҳсулотлар мавжуд эмас;

олтинчидан, солиқ ҳисоби сифатини пасайтирадиган, солиқ базасининг кенгайиши ва барқарор солиқ тушумларини таъминлашга тўсқинлик қиласидиган идоралараро ахборот ҳамкорлиги суст йўлга қўйилган;

еттинчидан, юқори малакали кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳамда солиқ органлари ходимлари фаолиятини баҳолашда тизимли камчиликлар мавжуд.

Ушбу камчилик ва муаммолар солиқ тизимини жадал ривожлантириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларнинг талаб даражасида йиғилишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсад, вазифа ва асосий йўналишларни назарда тутувчи Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

1. Стратегиянинг асосий мақсади иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, солиқ солиши жараёнларини автоматлаштирган ҳолда, давлат солиқ органларида замонавий йўналтирилган сервис солиқ хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш ҳисобланади.

2. Стратегиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлаш; солиқ органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш ва солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этиш орқали кўрсатилаётган солиқ хизматлари сифатини яхшилаш;

барча тоифадаги солиқ тұловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий равишда бажариш асосида уларнинг эхтиёжларини қаноатлантириш учун солиқ органлари ва солиқ тұловчилар үртасида ишончли муносабатларни яратиши;

солиқ мажбуриятларини бажариш билан бөлгік бўлган харажатларни қисқартириш, барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қулай шароитларни таъминлайдиган транспарент ва барқарор солиқ тизимини шакллантириш;

солиқ тұловчилар фаолиятига аралашишни, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида «инсон омили»ни ҳамда коррупция ҳолатларининг салбий кўринишларини камайтириш имконини берадиган таваккал-таҳлил ва масофавий таҳлилий ишлар тизими асосида солиқ назорати тизимини шакллантириш.

Белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бизнес фаолигини ошириш ва солиқ мажбуриятини бажариш бўйича маъмурий харажатларни камайтириш имконини беради ва бу, ўз навбатида, Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтингида республика позицияларига ижобий таъсири кўрсатади.

Стратегиянинг асосий йўналишлари

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТДА ХУФИЁНА АЙЛАНМА ДАРАЖАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ

1. Солиқ ва солиқ режимларини бирхиллаштириш, шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш.

2. Солиқ юкини (камайтириш ва бараварлаштириш) оптималлаштириш.

3. Солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида уларни тақдим этишининг аниқ мезон ва механизмларини белгилаш.

4. Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби үртасида фарқни имкон қадар камайтириш.

5. Жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда ролини кучайтириш ва ҳиссасини ошириш.

6. Хорижий давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, таваккалчиликларни баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва иқтисодий фаолият соҳасида хуфиёна айланма ҳамда назорат қилинмайдиган даромадлар кўламини қисқартириш.

7. Солиқ қонунчилиги соҳасидан ташқарида фаолиятни амалга оширадиган шахсларни норасмий сектордан чиқишига (қонунийлашишига) кўмаклашиш.

8. Трансферт нархни белгилаш соҳасида солиқ маъмуриятчилигининг янги услубларини жорий этиш.

9. 2021 йилга келиб жисмоний шахсларнинг даромад солигини тұловчиларни 1,5 баравар, қўшилган қиймат солигини тұловчиларни 2 баравар ҳамда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиги тұловчиларни 2 баравар кўпайтириш.

ХИЗМАТ КҮРСАТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СОЛИҚ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

1. Солиқ тўловчилар солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажариши учун уларга қулай шарт-шароитларни яратиб бериш.
2. Бирламчи ҳисоб ҳужжатларини рақамлаштириш ва бирхиллаштириш хамда солиқ ҳисботлари шаклларини соддалаштириш.
3. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг экстерриториал принципини ривожлантириш.
4. Солиқ хизматлари сифатини ва солиқ органлари фаолиятини жамоатчилик томонидан мустақил баҳолаш (тескари алоқа) механизмини яратиш.
5. Солиқ органлари фаолиятининг шаффоғлиги ва солиқ солиш соҳасидаги маълумотларнинг очиқлиги.
6. Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш тизимини ривожлантириш.
7. Корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлигини ва уларни тутатишни ҳал этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш (харажатлар, вақт ва қоидалар аудити).
8. Солиқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш.
9. Солиқ тўловчиларга маслаҳат кўрсатиш хизматларини кўрсатиш фаолиятини марказлаштириш ва стандартлаш.

СОЛИҚ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА СОЛИҚ ХИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Назорат фаолиятини амалга оширишда таваккалчиларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг замонавий тизимини жорий этиш.
2. Солиқ назоратининг шаффоғлигини таъминлаш, коррупция омилларини камайтириш.
3. Худудларнинг солиқ имкониятларини баҳолаш усулларини жорий қилиш ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш.
4. Умумий овқатланиш ва савдо соҳасида, шунингдек, кўчмас мулк бўйича солиқ солинадиган обьектларни тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш.
5. Солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини 90 фоизгacha етказиш.

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва маслаҳатлар беришга йўналтирилган солиқ органлари ташкилий тузилмасини яхшилаш.
2. Солиқ тўловчиларни сегментациялаш асосида давлат солиқ хизмати органларининг энг мақбул моделини жорий этиш.
3. Солиқ хизмати органларида замонавий бизнес-таҳлил (Business Intelligence) тизимини, шунингдек, стратегик ва процессуал бошқарувни жорий этиш.

4. Солиқ хизмати ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги кўрсаткичларидан (КРІ) келиб чиқкан ҳолда уларни рағбатлантириш.

5. Кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш.

6. Солиқ органлари ходимлари мотивациясини мустаҳкамлаш.

7. Солиқ маъмуриятчилиги жараёнини автоматлаштириш.

Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши қурашиш механизмларини ривожлантириш

1. Кадрлар сиёсатида коррупцияга қарши компонентларни кучайтириш.

2. Солиқ соҳасида коррупция хавфларини назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш тизимини жорий этиш.

3. Коррупцияга қарши қонунчилик талаблари асосида норматив-хуқуқий базани қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш).

4. Солиқ органларида шаффоффлик (ошкорлик) ва ҳисобдорликни кенгайтириш, коррупция кўринишларига жамоатчиликда муросасизлик ҳиссини шакллантириш.

Юқорида қайд этилган йўналишларда кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши асосида:

1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар суръати ўсишига эришилади.

2. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги позициялари, шунингдек, ишбилиармонлик фаоллигининг индекс кўрсаткичлари яхшиланади.

3. Солиқларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича ялпи ички маҳсулот, даромад, қўшилган қийматга нисбатан улуши ўзгаради.

4. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўртасидаги солиқ имтиёzlари хажми бўйича тафовути қисқариши таъминланади.

5. Солиқ тўловчиларнинг маълумотлардан фойдаланишда ҳамда кўрсатилаётган сервис хизматларидан қаноат ҳосил қилиш даражаси ошади.

6. Низоларни судга қадар ҳал этиш кўлами кенгаяди.

7. Солиқ соҳасида ҳукуқбузарликлар сони камайишига эришилади.

8. Солиқ тўловчиларнинг ҳақиқатдаги ва тақдим этилган кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар камаяди.

9. Солиқ текширувлари сони қисқаради.

10. Назорат тадбирлари натижасида қўшимча ҳисобланган солиқлар миқдори пасаяди.

11. Солиқларнинг ундирилиш даражаси ошади.

12. Солиқ идоралари ўртасида хужжатларнинг айланиши камаяди, ижро интизоми ошади, кадрларнинг қўнимсизлиги бартараф этилади ва кадрлар билан таъминланганлик даражаси яхшиланади.

13. Солиқ органлари ходимлари томонидан ҳукуқбузарликлар содир этиш ҳоллари бартараф этилади.

14. Солиқ хизматларини стандартлаштириш ва тартибга солиш даражаси ортади каби ижобий натижаларга эришиш кўзда тутилган.

Бахс мунозаралар учун саволлар

1. Солиқ маъмурчилигини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати органларининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг?
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида солиқлар асосида рағбатлантириш йўналишлари нималардан иборат?
4. Солиқ сиёсати тарғиботи нималарда намоён бўлади?
5. Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг солиқ сиёсати ижросини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини хуқукий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognosi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini

himoya qilish kafolatlarini ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjalariiga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi O'RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 у. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: "Noshir", 2012. 712-bet.

17. Вахобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва соликқа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

З-мавзу. Ўзбекистон республикаси ва хорижий мамлакатларда давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлар ва назоратини ташкил қилишнинг хусусиятлари (2 соат)

Режа:

1. Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари;
2. Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси;
3. Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари;
4. Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари;

Калит сўзлар: Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилиги, корпорациялардан солиқ олишни тартибга солиш, жисмоний шахсларни соликқа тортиш.

1. Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари;

Япония давлати солиқ тизими ҳақида тўхталадиган бўлсак, 2017-йил молия или Фискал консолидациялашган режанинг иккинчи йилини белгилайди. Ундаги бюджетда хукумат иқтисодиётни ривожлантириш ва фискал консолидастийлаштиришни давом эттиради.

3. Иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида:

- Жамиятдаги фуқароларга яхши ҳаёт тарзи яратиш мақсадидаги сиёсатлар:
а) бола парваришловчиларнинг ва узоқ муддатли ҳамшираларнинг ойлик маошини ошириш; б) бола парвариши имкониятларини кенгайтириш яъни

кутиш рўйхатидаги болалар сонини камайтириш; с) минимум пенсия олиш даврини 25 йилдан 10 йилга қисқартириш; д) аёллар учун бола туғиши даври даромадининг олиб туриш вақтини узайтириш; э) ишчилар сугурта тўловларини камайтириш ва ф) янги давлат таълим грантларини жорий қилиш

- иқтисодиётни ривожлантиришда. Хусусий ва жамоат соҳалари уйғунлашуви потенциал ўсишига эътибор қаратиш; илмий тадқиқот харажатларини ошириш; инновастия ва янги технологик ишланмаларни қўллаб қувватлаш ва фойдали соҳаларда жамоат инвестицийларини ошириш.

- ишлаш шароити реформлари. Иш хаққини ошириш учун молиявий ёрдамларни таъминлаш, доимий таътилларни жорий қилиш ва доимий бўлмаган ишчилар учун иш шароитларини ошириш

4. Фискал консолидациялаш сиёсати.

- ижтимоий ҳимоя тизимини соғломлаштириш. Ижтимоий ҳимоя харажатларининг ўсишини назорат қилиш (+ 500 миллиард эн). Адолатли солиқ юки ва мақбул имтиёзларга эришиш учун турли хил реформлар ташкил қилиш. Булар орасида: 1) 70 ёшдан осшганлар учун юқори тиббиёт ва парвариш харажатларига лимитларни мунтазам ошириб боориш; 2) 75 ёшдан ошган қариялар учун тиббиёт сугуртаси тўловларидаги вақтинча дискоунт ставкаларни ҳисобга олиш ва 3)узоқ муддатли ҳамшира тўлов тизимига асосланган янги ҳиоблашни жорий қилиш

- давлат облигастиялари бўйича. Давлат облигастиялари бўйича режалаштирилган кўрсаткичга (34,4 трилион эн) амал қилиш

Бундан ташқари Япония давлатида солиқ соҳасидаги ислоҳотларга катта эътобор қаратилади. Ҳамда жамиятда солиқ маданияти юқори бўлиш билан бир қаторда ҳар бир фуқаронинг солиқлани ўз вақтида тўлаш мажбурияти қонуний белгилаб қўйилган. Жумладан, Япония Конституциясининг 30-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгилаб қўйилган солиқларни тўлашга мажбурдир”, 84-моддасида эса “Қонун ва унга тенглаштирилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатлар асосида янги солиқлар жорий қилинмайди ва ундирилмайди” каби моддалар киритинган.

Шу ўринда, Япония давлатининг солиқ тизимини назарий ўрганишни мамлакатда қандай турдаги солиқлар мавжудлигига ойдинлик киритиб олишдан бошласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, Японияда жами бўлиб, 46 та солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилади. Улардан 20 таси умумдавлат солиқлари, 14 таси маҳаллий солиқлар бунда улар префектура доирасида ундирилади. Колган 12 таси шаҳар, туман ва қишлоқ доирасидаги маҳаллий солиқлар.(шуни таъкидлаш лозимки, Мамлакатда 47 префектура бўлиб, у ўз ичиға 3045 шаҳарлар, туманлар ва қишлоқлар жамлаган ҳамда уларнинг ҳаммаси маҳаллий бюджетга эга).

Япония солиқ тизимини ўрганиш жараёнида биз учун нотаниш ҳисобланувчи перфектура ва муниципал тушунчаларига дуч келамиз. Перефекрута деганда йирик ҳудуд назарда тутилиб, Ўзбекистон мисолида олиб қаралганда вилоятга тўғри келади. Бу дегани Японияда префектуралар муниципаллардан ташкил топади. Муниципаллар ўз навбатида туман

муниципаллари, шаҳар муниципаллари ва қишлоқ муниципалларига ажралади. Бир муниципал шаклидан бошқасига ўтиш учун мезон аҳоли сони ҳисобланади, яъни агар қишлоқ муниципал дейилганда аҳоли сони 50 мингдан кам бўлган префектурага бўсунувчи ҳудудий бирлик назарда тутилади. Қизиги шундаки, пойтахт Токио шаҳри ҳам 23 та муниципалдан ташкил топган.

Шу ўринда Япония давлат бюджетида асосий ўринда турувчи солиқлар хақида маълумот бериб ўтмоқчи эдик.

3. Корхона фойдасидасидан олиндиган солиқлар. Японияда корхоналар фойдасига қаратилган солиқларга куйидагилар киради:

- корпорация солиғи (умумдавлат солиғи)
- бизнес солиғи (маҳаллий солиқ)
- перфектура ваа муниципал рўйхатда турганлик учун солиқлар

Шуни эслатиб ўтиш керакки, кичик ва ўрта корхоналарга устав капитали 100 млн энга teng ва ундан кам корхоналар киради. Куйидагилар бундан мустасно, агар:

- Устав капиталнинг 100 фоизи катта корхона томонидан молиялаштирилган бўлса (бундай катта корхонага устав капитали 500 млн эндан юқори бўлган корхоналар киради)
- Устав капиталнинг 100 фоизи икки ва ундан ортиқ катта корхона томонидан молиялаштирилган бўлса;

Бизнес солиғи одатда солиқ базасига эга бўлган корхоналарда, яъни фойда олган корхоналардан ундирилади. Аммо корхонанинг устав капитали 100 млн эндан юқори корхоналардан ҳам ундирилиши мумкин. Сув, электр энергия таъминотини кўрсатувчи корхоналар ва суғурта ташкилотлари олган фойдасидан эмас белгиланган тушум доирасида тўлайдилар. Бизнес солиғининг ставкаси куйидаги жадвалда акс эттирилган.

Перфектура ва муниципал рўйхатда турганлик учун солиқлар икки турдаги маҳаллий солиқлардан ташкил топган: миллий корпорация даромади асосида ҳисобланадиган фойда солиғи ва маҳаллий корпорация солиғи. Махсус ставкалар маҳаллий ҳокимият томонидан қўлланилиши мумкин.

Корпорация солиғидан ундириладиган рўйхатда турганлик учун солиқ миллий хукумат томонидан маҳаллий корпорация сўлиғи сифатида ундирилади яъни, 2014- йил октябрьдаги солиқ ислоҳотидан кейин молия йили учун қишлоқ ва шаҳар бюджети ўртасидаги тафовутни каматириш учун қўлланилади, ҳамда унинг ставкаларии қуйидагича.

Ундирилган солиқ ставкалардан келиб чиқиб префектура ёки муниципал бюджетга тақсимланади. Бундан ташқари, маҳаллий корпорация солиғининг ставкаси 2014-йил солиқ ислоҳотидан кейин барча корхоналар учун 4.4% қилиб белгиланди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромадига солинадиган солиқлар

Японияда Жисмоний шахслардан олинадиган даромадига солинадиган солиқлар миллий даромад солиқ ҳамда маҳаллий рўйхатда турганлик учун солиқдан иборат. Миллий даромад солиғи учун солиқ солинадиган йил каледар

тил ҳисобланади. Маҳаллий рўйхатда турганлик учун солик муниципал ҳокимият томонидан ўша ҳудудда яшавчи ва даромад олувчи жисмоний шахсларга қўлланилади.

Японияда шахсларни солик мажбурияти уларнинг резидентлик статусидан келиб чиқиб белгиланади. Жисмоний шахслар қўйидаги З та категория бўйича класификацияланади:

- Доимий резидентлар. Уларга Япония миллати вакили ёки 10 йил давр мобайнида ҳеч бўлмаса 5 йили давомида Японияда бўлган норезидентлар киради.
- Доимий бўлмаган норезидентларга Япония миллати вакили бўлмаган охирги 10 йил ичида 5 йилдан кам Японияда яшаган шахслар киради.
- Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган шахслар норезидентлар ҳисобланади³³.

Чет эл миллати вакили Японияга келиши билан ўз иш берувчisi билан аниқлиширилган ҳолда шартнома тузмаса, яъни бир йилдан кам муддатда мамлакатда бўлиши ҳақида, ресидент жисмоний шахс ҳисобланади. Бундан ташқари давлатлар ўртасидаги икки томонлама соликқа тортмаслик каби халқаро шарномалардам келиб чиқиб, қўйидаги талабларга жавоб берувчи норезидентларнинг даромади соликқа тортилмайди:

- 12 ой кетма-кетлик ичида 183 кундан кам майдатда Японияда яшаганлар;
- Уларнинг ойлик маошлари норезидент томонидан тўланган бўлса;
- Берилган маош Япониядаги доимий муассаса томонидан берилмаган бўлса³⁴;

Доимий резидентлар уларнинг четда топган даромадлари билан манбасидан қатъий назар соликқа тортилади. Доимий бўлмаган резидентлар эса фақат Японияда топган ва мамлакатда бўлмаган мамбалардан тўланган ҳамда Японияга қайтарилган даромадлари юзасидан соликқа тортилади. Норезидентлар эса фақат японияда топган даромадлари доирасида соликқа тортилади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Японияда миллий даромад солиғининг ставкаси прогрессиве ставка ҳисобланади, яъни энг кам ставкаси 5% ни ташкил қилиб йил давомида олинган даромаднинг 1950 000 эни ушбу ставкага тортилади, энг юқори ставкаси 45% га teng ва 40 млндан юқори даромадлар ушбу ставкада соликқа тортилади. Бундан ташқари, ҳар йили чегирилиши мумкин бўлган даромад миқдори келтирилади, ушбу харажатларга асосан тиббий харажатлар киради.

Маҳаллий рўйхатда турганлик учун солик ҳам ўз навбатида икки кўринишда ундирилади: биринчиси, даромадидан қатъий назай белгиланган суммада яъни министипал даражада 300 эн префектура даражасида 1000 эн миқдорида. Иккинчиси, пропорсионал тартибда 10% ставкада.

4. Билвосита соликлар. Японияда ушбу тартибда ундириладиган соликларга истеъмол солиғи, божхона божлари ва аксиз божлари киради.

³³ Worldwide PersonalTax and Immigration Guide 2016–17

³⁴ Taxation in Japan 2015 -KPMG Taxcorporation

Истеъмол солиғида солиқ солиндиган база мамлакат ичидағи ўтказмалар учун шартномалар қийматидан келиб чиқиб аниқланса, импорт қилинаётган товарлар учун солиқ базаси товарнинг божхона баҳоси ҳамда божхона божлари ва аксиз божларини қўшиб ҳисобланади. Солиқ ставкаси 2015- йил октябрьдаги солиқ ислоҳотларидан кейин 8%дан 10%га оширилди. Ушбу ставка 2017-йил 1-апрелгача қилиб белгиланган эди, аммо мамлакатдаги иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб 10%лик солиқ ставкасини 18 ойга кечикирилди.

Божхона божлари Японияда Жаҳон Савдо Ташкилоти томонидан белгиланган нормалар асосида тартибга солинади. Бундан ташқари, Японияда ҳар 3-5 йилда божхонадан товар олиб киравчи импорторлар божхона аудитидан ўтказилади, қунунбузарлик ҳолатлари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Божхона аудити одатда, божхона инспекторлари томонодан ўтказилади. Бунда улар текширув ўтказиш учун танланган вимпотор ёки экспортордан божхонага оид далолатномаларни, юқ халарини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуққига эга. Одатда будай текширув 2 ойдан 6 ойгача давом этади. Текширув натижасида аниқланган декларацияга киритилмаган товарга 15%, божхона божи вақтида тўланмаганларига эса 10% жарима қўлланилади.

Мол-мулк солиғи.

Японияда мол-мулк солиғини юридик ва жисмоний шахслар бир хил ставка бўйича тўлайдилар. Одатда бу мол-мулк қийматидан 1.4 % га тенг бўлади, уч йилда бир марта қайта баҳоланади. Солиқ солиши обьектига бутун кўчмас мулк, банк депозитлари бўйича фоизлари киради. Шу билан бирга мол-мулк солиғи мулкнинг бир эгадоридан бошқасига ўтаётган пайтидан, яъни мулкни харид қилиш ва сотиш пайтида ҳам тўланади³⁵.

Мерос солиғи ва ҳадя солиғи.

Япония мерос ва ҳадя солиқлари Солиқ Қонуни билан тартибга солинади. Мерос солиғи меросни қабул қилиб олган ва вафот этган шахснинг меросхўридан ундирилади. Ҳадя солиғи моддий қўринишда совға қабул қилиб олган шахслардан ундирилади. Ҳадя солиғи мерос солиғини тўлдирувчи солиқ ҳисобланади. Иккала солиқ ҳам умумдавалат солиғи ҳисобланади ва маҳаллий даражада ундирилмайди. Мерос солиғида вориснинг ўзи солиққа тортилади, унинг мерос тариқасида олган мулки эмас. Мерос солиғи мулкнинг умумий қийматидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир меросхўр учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади³⁶.

Солиқни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

- Барча меросхўрлардан солиққа тортиладиган мол-мукллар жамланади
- “Жами солиқа тортиладиган мулкнинг қийматидан” чигирилиши лозим бўлган ₩30 миллион ҳамда ҳар бир мерос олевчининг сонидан келиб чиқиб, ҳар биридан ₩6 миллиондан чегирилади.
- Солиққа тортиладиган мулк қиласми ҳар бир солиқ тўловчининг мулкка бўлган қисми доирасида тақсимланади

- Күйида берилган прогрессиве ставка бўйича ҳар бир солиқ тўловчининг улуши доирасида алоҳида-алоҳида мерос солиғи ҳисобланади.

Мисол. Япония бир киши ўлимидан олди хотини ва икки ўғлига 400 млн энлик меросни қолдирди. Бунда хотинига 200 млн эн ёки мероснинг 50%и, ўғилларига 100 млн эндан. Мерос олувчилар учун мерос солиғини ҳисоблаймиз:

4. Рухсат этилган суммани умумий солиқ обектидан чегирамиз, яъни 30 млн+6 млн*3(мерос олувчи шахс учу нафар бўлганлиги учун), жами 48 млн эн бўлади.
5. 48 млн энни мерос суммасининг нисбатидан келиб чиқиб ҳар бир мерос олувчидан чегирилади, яъни аёлдан 24 млн эн ўғилларидан 12 млн эндан.
6. Ҳар бири учун мерос солиғи ҳиблаймиз.

Хотинига: $200-24=176$ $176*40\%=70.4$ млн эн

Биринчи ўғлига: $100-12=88$ $88*30\%=26.4$ млн эн

Иккинчи ўғлига: $100-12=88$ $88*30\%=26.4$ млн эн

Жами тўланиши керак бўлган мерос солиғи суммаси: 123.2 млн энга тенг.

Ҳадя солиғи ҳадя олувчидан ҳадя берган шахс ҳаётлик вақтида ундирилади.

Ҳадя солиғининг солиқ солинадиган базаси дейилгандан рухсат этилган 1.1 млн энни чиқриб ташлангандан сўнг календар йил давомида олинган совғалар қийматидан келиб сиқиб ҳисобланади. Ҳадя солиғи бўйича солиқ ставкалари яқин қариндошлар ўртасида бериладиган совға билан бегона шахслар бир-бирига берадиган ҳадялар бўйича фарқланади. Ушбу солиқ тури бўйича энг паст ставка 10% 2 миллион энгача бўъган ҳадялар учун, энг юқориси 55% бўлиб, 45 миллиондан юқори бўлган солиқ базасига тадқиб этилади.

2.Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси

Миллий солиқ агентлиги дастлаб 1949- йилда даромад, корпоратив, истеъмол солиқлари ва шу каби бир қатор солиқларни ундириш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган.

Солиқ сиёсати Молия вазирлиги ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Миллий солиқ агентлиги томонидан юритилиб, давлат солиқ хизмати идоралари ижро этувчи орган ҳисобланади.

Хизматнинг таркибий тузилиши Миллий солиқ агентлигининг марказий аппарати, 12 та ҳудудий бошқармалари ва уларнинг 524 та солиқ инспекциялари, солиқ коллежи ҳамда, солиқ арбитражидан иборат.

Миллий солиқ агентлигининг Марказий аппаратида 683 та (1.2%), ҳудудий солиқ бошқармаларида 10,8 минг нафар (19.3%), давлат солиқ инспекцияларида 43.9 минг (78.1%), солиқ коллежида 336 (0.6%), солиқ арбитражида 477 нафар (0.8%) солиқ ҳодимлари меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, умумдавлат солиқларини ундириш ва назорат қилиш билан миллий солиқ агентлиги (56.2 минг нафар ҳодимлар) ва маллий солиқларни ундириш билан эса Мунисипиал давлат идоралари (84 минг нафар) шуғулланади.

Солиқларни ундириш, солиқ текширувларини ташкил этиш ва солиқ тўловчиларга хизматлар қўрсатиш соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга.

Японияда Молия вазирлиги ҳузуридаги миллий солиқ агентлиги томонидан умумдавлат солиқларининг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда давлат бюджетида тушишини назорат қилиниши белгиланган бўлиб, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳудудий муниципалитетлар назорат қилиши, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг назорати эса ушбу жамғармаларни йиғиш билан шуғулланувчи идоралар томонидан амалга оширилади.

Тўланган солиқлар дастлаб “Умумдавлат солиқларини йиғиш фонди”га жамланиб, сўнgra ой якуни билан марказий банқдаги давлат бюджет даромадларини ташкил этувчи маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бунда Умумдавлат солиқларини йиғиш фондининг назорати Япониянинг Молия вазирлигига юклатилган.

Японияда кучा-кундуз (24 соат) ишловчи савдо дўконларида солиқ тўловларини қабул қилиш амалияти жорий этилган бўлиб, бу иш билан банд ҳодимларни ишдан кейинг бўш вақтларида солиқларни тўлаш имкониятларини беради³⁷.

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган умумдаваллат солиқлари бўйича солиқ даври ва уни тўлаш муддатлари қонунчиликда белгиланган бўлса, юридик шахслар тўлайдиган айрим умумдавлат солиқлари бўйича корпорациялар ҳисоб сиёсатида кўзда тутадиган солиқ даври ва уни тўлаш муддатларидан келиб чиқиб, солиқлар бўйича ҳисботларни тошириш ва тўловни амалга ошириш ҳукуқлари берилган.

Бу биринчидан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминласа, иккинчидан, солиқ ҳисботлари ва тўловини ҳар бир корпорация ўзи ихтиёрий танлаш ҳукуқини беради.

Солиқ қарзи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга доимий равища телефон тармоғи орқали эслатмалар бериб борилади.

Японияда солиқ тўловчиларни назорат қилиш мақсадида, биринчи навбатда, уларни ҳисобга олиш ишлари амалга оширилади. Бунинг усгун солиқ тўловчиларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш, аниқ юридик манзилига эга бўлиш, юридик манзили ўзгарган ҳолларда солиқ идораларини хабардор этиш талаб қилинади. Булардан ташқари, солиқ органлари орасида ўзаро солиқ тўловхилар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар алмашиниши йўлга қўйилган.

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги дастлабки барча маълумотлар жамланиб, келгусида назорат тадбирларини амалга ошириш мақсадида, солиқ тўловчилар тўғрисидаги ягона маълумотлар базаси “КСК” тизими жорий этилган³⁸.

Мазкур базага солиқ органлари томонидан тўпланган барча ҳужжатлардан олинган маълумотлар, солиқ тўловлари бўйича ҳисбот маълумотлари ва тўловлар миқдорлари жамланади.

³⁷ www.nta.go.jp

³⁸ www.mof.go.jp

Солиқ текширувларини ташкил этишдан аввал ушбу маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчининг Товар айланмаси ва фаолият турларига қараб таҳлил ҳамда камерал назорат ўтказилади.

Қонун бузилиши мавжуд ҳолатларда солиқ тўловчилар оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантирилади.

Солиқ тўловчилар солиқ органлари томонидан берилган огоҳлантиришларга риоя этмаган тақдирда, ихтиёри солиқ текширувлари, қонунчилик қўпол равишда бузилган ҳолатларда эса мажбурий солиқ текширувлари ўрказилади.

Япония солиқ тизимида ишловчи ҳодимларнинг 70% солиқ текширувларини ўтказиш билан шуғулланади.

Японияда солиқ тўловчилар тўғрисида қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида, керакли қўшимча маълумотлар йиғиш жорий этилган. Тўпланган маълумотлар келгусида солиқ тўловчиларни назорат ва таҳлил қилиш, сўнгра солиқ текширувларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун асос бўлади.

Япония солиқ тизимини ривожлантириш жараёнида солиқ тўловчилар билан ишлаш ва уларга хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳам мос равишда шаклланган.

Солиқ тўловчилар билан ишлашда интерактив хизматлар кўрсатиш, мамлакат фуқароларига солиқ соҳасидаги билимларни ёшлидан сингдириш солиқлар тўлашда онгли муносабатни шакллантириш, солиқ мажбуриятларини бажаришда турли хилдаги мустақил институтларнинг фаолият кўсатиш ҳамда солиқ тўловчилардан солиқ қонунчилиги ва солиқ хизмати ҳодимларига бўлган муносабатларини доимо ўрганиб мониторинг қилиб бориш Японияда солиқ тўловчилар билан ишлашнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳисобланади³⁹.

Мамлакатда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг электрон тизими барча фуқаролар учун солиқ соҳасидаги маълумотларни тезкорлик билан олиш ҳамда солиқ бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Японияда ҳар бир фуқаро давлат солиқ хизмати веб сайтига кириб (www.nta.go.jp) солиқ тизими ва солиқ соҳасидаги янгиликлар билан тўлиқ танишади ҳамда шу веб сайт орқали солиқ дакларастиялари, ҳисботларни тақдим этиши, солиқларни тўлаши солиқ соҳасидаги ўзини қизиқтирган масалалар бўйича тегишли жавонлар олиши, солиқ органлари томонидан ўтказилаётгам ауксионлар, эр, мол-мулк нархлари ва шу каби бошқа маълумотлар олиш имкониятларига эга.

Бундан ташқари Web-Tax-TV веб сайтига солиқларга тегишли видео материаллар, солиқ идоралри томонидан амалга оширилган ишлар, солиқ қонунбузарликлари бўйича тергов материаллари, ҳамда халқаро солиқ муносабатларига оид маълумотлар виедео роликлар жойлаштириб борилади.

Мамлакат фақароларида солиқ маданиятини юксалтириш, солиқ тўлашда онгли муносабатни шакллантириш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органлари

³⁹ An out Line of Japanese taxes System 2016

билин ҳамкорлида ҳар йили 11-17 – ноябр кунлари “Солик ҳақида ўйлайлик” ҳафталиги ўтказилиб борилади⁴⁰.

Ушбу тадбир давомида мактабалр ва жамоат жойларида турли хил кўринишда танловлар, мусобақалар, йиғилишлар ташкил этилади. Мамлакат телевиденияси ва интернет тармоқлари орқали солик соҳасидаги янгиликлар ва ўзгаришлар бўйича маълумотлар бериб борилади ҳамда солик идораларида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилиб, соликка оид муносабатлар бўйича семинар, брифинг ва давра сұхбатлари ўтказилади.

Японияда солик тўловчиларга хизмат кўрсатиш ПР тизими, яъни, аҳоли билан ишлаш, эркин мулоқот ва тарғибот тизими шаклланганини ҳам алоҳида такидлаш лозим.

Ушбу мақсадда Япония Миллий солик агентлигига ва ҳудудий бошқармаларда бўлимлар, йирик солик инспекцияларида шўбалар ташкил этилган ва бошқа солик инспекцияларида маҳсус мутахасислар ажратилиб, солик тўловчилар билан эркин мулоқотлар ўтказади ва ташкилий тадбирларни амалга оширади.

Масалан, ҳар йили турли соҳалардан 1500 дан ортиқ мутахасисларни жалб этиб, уларга маҳсус анкеталар тарқатилади ва солик согасидаги ҳамда давлат солик хизмати ҳодимлари тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари ўрганиб чиқилади.

Японияда солик маслаҳати тизими орқали солик тўловчиларга маслаҳат бериш, телефон тармоқлари орқли унинг саволларига жавоб бериш ҳамда ҳисобот ва декларацияларни тузишда солик тўловчиларга бевосита ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Жумладан, Япония солик инспекцияларида ҳар йили декалрастия топшириш муддатларида солик хизмати ҳодимларидан иборат солик маслаҳатини берувчи алоҳида гуруҳлар ташкил этилиб, солик декларацияларини тўғри ва аниқ тўлдирилиши ҳамда топширилишида улар томидан солик тўловчиларга ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, мамлакат бўйича давлат солик хизматида 634 та мутахассис телефон орқали солик тўловчиларга хизмат кўрсатди.

Солик тўловчиларга солиқка оид маслаҳатлар бериш мақсадида, мустақил институлар, яъни солик бухгалтерия сертификатига эг бўлган жамоат ўюшмалари имтиёзли бўлган, яъни, “кўк декларациялар”ни топширишга кўмаклашувчи 70 мингдан ортиқ солик маслаҳатчилари фаолият кўрсатмоқда.

Японияда солик тизимининг асосий негизи солик тўловчиларнинг ўзлари томонидан ҳисоблаб чиқкан ҳолда солиқларни тўлаш ҳисобланади. Миллий солик агентлигининг асосий йўналиши қўйидаги 2 та соҳа: “солик тўловчиларга хизмат кўрсатиш”, “солик маъмурчилигининг адолатли ва ҳаққоний солиққа тортишга эришиши” ҳисобланади⁴¹.

Солиқларни тўлаш тизимининг солик тўловчиларнинг ўзлари томонидан ҳисоблаб чиқкан ҳолда солиқларни тўлаш тушунчаси. Бу солик тўловчиларнинг ўзлари томонидан декларация тўлдирган ҳолда даромадлари суммасини

⁴⁰ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

⁴¹ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

белгилашларидир. Бунинг учун эса солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигига белгиланган мажбуриятларини ўз вақтида сидқидилдан бажарисжларини тушунишлари керак.

Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” бўлими томонидан амалга оширилади.

Зарурат юзасидан солиқ тўловчиларга декларация тўлдиришида маслаҳатлар ва ёрдамлар кўрсатишда бошқа бўлим ҳодимлари ҳам бевосита иштирок этади.

Бошқача қилиб айтганда, “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” бу нафақат маълум бир бўлимнинг, балки бошқа бўлимларнинг ҳам бевосита ишидир.

Солиқ органларининг асосий иш йўналишини Давлат солиқ бошқармаси белгилайди. Солиқ департаментлари ўз туманларида шароитдан келиб чиқиб уни аниқлаштиришади ва солиқ инспекцияларига кўрсатмалар беришади.

Солиқ инспекциялари ўз фаолиятларини солиқ департаменти кўрсатмарига биноан, уларга қарашли солиқ тўловчиларнинг сонини шарт-шароит, корхоналар фаолияти, корхоналар масштабини ҳисобга олган ҳолда қўл остидаги туманларда олиб боришади.

Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш”дан ҳар хил ёндашувлар талаб қилинади (мисол учун қишлоқ жойларидан шаҳарнинг ҳар хил жойларини билиш, ушбу ҳудуд яшовчиларининг солиқларига тааллукли билимлар).

Маълумотларни газета, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқалитарқатиш чора тадбирлари бир-бирига яқин бўлган солиқ инспекциялари ҳамкорлигига амалга оширилади. Бундай ҳамкорлик катта ҳудудларда қўп ўтказилади.

Япониядаги солиқ тушумларининг 70% фоизини юридик шахсланинг фойда солиғи, декларация қилинадиган даромад солиғи, тўлов манбаидаги даромад солиғи ва талаб солиғи ташкил этади⁴².

Декларация қилинадиган даромад солиқ 10 турга бўлинади. Асосий декларация қилинадиган даромадлар – савдодан, қишлоқ хўжалигидан, асосий воситалар ижарасидан.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун “тижоратни рўйхатга олиш китоби” йўқ. Шунинг учун солиқ органлари якка тартибдаги тадбиркорлар шароитини билиш учун уларнинг манзилларини аниқлаштиришади. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган маълумотларга ҳам кўп нарса боғлиқ.

Даромад солиғи тўловчилар катта миқдорни ташкил этади, бу шахслар солиқ органлари билан декларация тўлдириш ва солиқларни тўлашда рўпара бўладиган шахслар ҳисобланади. Булар тўлов манбаидан солиқ ушлаб қоладиган агентлар ҳисобланишади (ойлик тўловчилар, дивидентлар берувчилар, фоизлар берувчилар ва бошқалар).

Тўлов манбаидан солиқ ушлаб қоладиган агентлар, асосан юридик ташкилотларнинг фойда солиғи ҳамда декалрастия қилинадиган даромад солиғи

⁴² 2017 Japan Tax reforms outline

тўловчи юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, молия ташкилотлари ҳисобланishiади.

Солиқларни декларация қиладига шахслар орасидан кўплари ортиқча тўланган солиқни орқага қайтариш учун декаларастия тўлдиришади.

Ҳар ойда маошдан ушлаб қолинадиган даромад солиги суммаси бир йил давомида тўланадиган микдордан ошиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Солиқ тўлаш жараёнлари нуқтаи назаридан, Япония солиқ тўловчиларини З турга ажратиш мимкин⁴³.

Биринчи тури, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар. Улар доимий хўжалик фаолияти билан шуғулланишади ва ҳар йили декларация топширишади, лекин булардан камида 5 миллиондаси юридик шасхларнинг даромад ва фойда солиги тўловчилари солиқ манбайдан солиқ ушлаб қоладиган агентлар ҳисобланади. Уларнинг улуши Япония солиқ тушумларининг ярмини ташкил этади.

Иккинчи тури, солиқ манбайдан солиқ ушлаб қоладиган солиқ тўловчилар. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақидан, дивидентлардан даромад олувчи ва ундан даромад солиги тўловчи хизматчлар ҳисобланади, ҳамда ушбу гурухга Япония фуқароларининг катта қисми киради.

Учинчи тури, ортиқча тўланган солиқни қайтариб беришни сўраб декларация тўлдириган индивидуал солиқ тўловчилар. Ушбу гурухга кирувчи солиқ тўловчилар ҳар йили декларация тўлдириши шарт эмас. Даромад суммаси ошиши ёки камайиши, тизимдаги ўзгаришлар туфайли (пенсия билан боғлиқ ҳолатлар ва бошқалар) декларация тўлдирилади⁴⁴.

Бошқача қилиб айтганда, ортиқча тўланган солиқ суммасини қоплаб бериш бўйича топшириладиган декларациялар сони 10 миллионтани ташкил қилсада, уларнинг маълумотлари ҳар сафар ўзгаради. Ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариб бериш бўйича топшириладиган декларациялар топширувчиларнинг асосий қисмини манбадан даромад солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Бундан ташқари, Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш қуидаги 5 та йўналишда олиб борилади:

1. Маълумотларни бевосита тақдим этиш.
2. Алоҳида аниқ бошқарув
3. Охирги декларация топшириш мобайнида маълумотларни тарқатиш
4. Солиқ маслаҳатчилари орқали маълумотларни тарқатиш
5. Маълумотларни оддий усулда тарқатиш йўли

Япония солиқ тизими маълум схема бўйича тузилмаган. Унинг ҳозирги ҳолати кўп йиллик изланишлар эвазига яратилган. Бундан ташқари, унга солиқ қонучилигидаги ва жамиятдаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатиб келган.

Юридик шахслар орасида кичик масштабли корхоналар ҳам бор, уларнинг сотув ҳажми эса жуда кам. Индивидуал ядвиркорлар орасида эса каттакорхобалари борлари мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги кичик корхоналар бўлиб, уларда факат оила аъзолари ишлашади. Бундай тадбиркорлар солиқ

⁴³ Taxation in japan 2015 -KPMG Taxcorporation

⁴⁴ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

маслаҳатчиларидан кам фойдаланишади. Улар кунлик мажриятлар билан банд. Уларнинг бухгалтерия ҳисоботларида аҳволни тўғри акс эттирмаслик тенденцияси қузатилади. Декларацияларни топшириш вақтид бунда йичик тадбиркорларга уларни тўғри тўлдириш учун кўп ҳолатларда ёрдам кўрсатишга тўғри келади. Бу эса солиқ органларининг солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишдаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг фойда ва истеъмол солиги бўйича солиқка тортиш давр бу юридик шахснинг хўжалик йили ҳисобланади. Ҳар бир юридик шахснинг хўжалик йили ҳар қандай давр бўлиши мумкин (бир йилдан ошик бўлмаган давр).

Юридик шахсларнинг фойда ва истеъмол солиқларини тўлаш ва декалрастияларни тўлдириш даври хўжалик йили тугагандан сўнг 2 ойдан кейин бошланади. Даромад солиғини солиқа тортиш даври салендар йили ҳисобланади. Даромад солиғини тўлаш ва декларация тўлдириш муддати кейинг йилнинг 15-марти, истеъмол солиғини тўлаш ва декларация тўлдириш муддати эса 31-март деб белгиланган⁴⁵.

Японияда солиқ маъмурчилигини асосий бўғинларидан бири бўлган солиқ ҳисботлари ва улар бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби хусусида тўхталиб ўтамиз. Японияда солиқларни декларация қилиш ва тўлаш тизими қабул қилинган бўлиб, унга амал қилинишини таъминлаш мақсадида солиқ инспекциялари ўtkазиб турилади. Агар декларацияларни оддий текшириш пайтида хатолар аниқланадиган бўлса, тўланадиган солиқ миқдорига ўзгариш киритилади. Бу каби оддий текширишлар солиқ тўловчининг розилигини олган ҳолда ўтказилади.⁴⁶

Декларацияларнинг қонунга тўғри келиши текшириб бўлингач, даромадларни ҳисоблаш ва декларацияга киритиш чоғида ўйл қўйилган хатолар тўғриланади. Бу каби хатоларни тўғрилаш декларация тизимининг асоси бўлиб, солиқка тортишда адолатни таъминлаш учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Хуллас, солиқ инспекцияси ва солиқ текширувлари солиқ бошқармалари фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Солиқ тўғрисидаги қонунга кўра, солиқ органларининг инспекторлари солиқ тўловчини сўроқ қилиши ва уни текширудан ўтказишлари мумкин. Бу сўроқ қилиш ва текширув ўтказиш хуқуки, деб аталади. Сўроқ ўтказиш хуқуки солиқ органларининг ходимлари солиқларни бошқаришдаги барча ишларни тўғри юритишларини таъминлаш мақсадида берилган. Агар текширилаётган солиқ тўловчи саволларга жавоб беришдан бош торста ёки текшириш ўтказишга тўскинлик қилса, у қонун олдида жавоб беришига тўғри келади. Японияда текширишлар режаси йўқ. Бундай режа тузилмайди.

Барча солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб, йиллик декларацияларнинг тўғрилиги текширилади, сўнгра янада чуқурроқ текширилиши лозим бўлган шахслар ажратилади. Бу - йиллик декларациялар

⁴⁵ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

⁴⁶ Guide to Japanese tax 2016-2017 by Yugi Gomi. Zaikei Shoho Sha. Higashi Shombashi. Minatoku. Tokyo. Japan. P. 93.

топиширилганидан сўнг апрел ва май ойларида ўтказилади. Агар декларацияларни текшириш чоғида хатолар борлиги аниқланса ёки даромад миқдори нотўғри кўрсатилган бўлса, солиқ тўловчига бу ҳақда телефон ёки хат орқали хабар берилади. Шундан сўнг солиқ декларациясига тегишли тузатишлар киритилади.

Агар солиқ тўловчи катта бизнес билан шуғулланса ёки у томондан декларация филинмаган даромад миғдори ҳаддан ташғари катта бўлса, маҳсус текширув ўтказилади.

Умуман олганда Японияда давлат солиқлари пул ёки қимматбаҳо қофозлар ёрдамида тўланиб, банклар ва солиқларни йиғиш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларга топшириладиган хужжатларга солиқ тўлангани ҳақидаги тўловнома қўшиб қўйилади. Лекин гербли йифимлар ҳамда листензия олиш учун тўланган солиқлар пул ёки гербли маркалар ёрдамида тўланади.

Декларация қилинган даромад солиғи, мерос ва ҳадя солиғини тўлаш муддатлари кечиктирилиши мумкин. Агар солиқ тўловчи табиий оғат натижасида жиддий моддий зарар кўрган бўлса ва бу ҳақдаги маълумот декларацияга киритилса, унга бир йилгача маҳсус имтиёз берилади.

Давлат солиқлари тўлаш Япония банки, почта ёки солиқ бошқармалари орқали амалга оширилади. Мамлакат бўйлаб тахминан 24 минг банк бўлими, 20 минг почта бўлими ва 524 солиқ бошқармаси мавжуд бўлиб, солиқ тўловчилар учун максимал даражада қулайлик яратилган. Тўпланган солиқлар хукуматнинг Япония банкидаги ҳисобига келиб тушади⁴⁷.

Давлат солиғини ундиришни таъминлашда устувор эътибор, аввало, давлат солиқларини тўлашга қаратилади. Давлат солиғини ундириш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, давлат солиғи барча бошқа мажбуриятлардан аввал тўланиши керак. Агар давлат солиғи ўз вақтида тўланмаса, тўлов талабномасидан сўнг солиқ тўловчининг мулки мусодара қилиниб, сотилади ва ушбу маблағ солиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилади. Лекин агар солиқ тўлов муддати ўтиб кетганидан кейин ҳам тўланмаслик хавфи мавжуд бўлса, тўлов муддати тугагунга қадар солиқни мажбурий равишда ундиришга киришилади. Ўз шахсий шароитидан келиб чиқкан ҳолда, солиқ тўловчи тўлов муддатини кечиктириш учун муддат олиши мумкин⁴⁸.

Тўланмаган давлат солиқлари бўйича, одатда, 50 кун ичидаги солиқни тўлаш талабномаси юборилади. Агар ана шу муддат ичидаги солиқлар тўланмаса, солиқ тўловчининг мулкини мусодара қилиш жараёни бошланади. Мусодара қилинган мулкини сотишдан олинган маблағ солиқ сифатида ушлаб қолинади. Солиқ бошқармаси бу ишларни суд иштирокисиз амалга оширади. Мусодара қилиш жараёни талабномада кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг 10 кундан_кейин бошланади. Агар солиқ тўловчи солиқларни мулки мусодара қилингандан кейин ҳам тўламаса, мусодара қилинган мулк сотилади ва бундан тушган маблағ солиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилади.

⁴⁷ Taxation in Japan 2015 -KPMG Taxcorporation

⁴⁸ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

Одатда, давлат солиқларини кўрсатилган муддатнинг охирги кунигача тўлаш мумкин. Лекин солиқ тўловчининг ҳаракатлари, хусусан солиқ тўлашдан бош тортиш ёки маҳсус сабаблар, жумладан, банкротлик туфайли солиқ тўланмаслигининг хавфи пайдо бўлса, одатда, олдини олиш чоралари (масалан, солиқни муддатидан олдин тўлаш тўғрисидаги талабнома, мулкни мусодара қилиш ва ҳоказо) қўлланилади.

Япония Давлат солиқ бошқармаси ўз иш юритиш жараёнида компьютерлардан **1966 йил 2 февралидан** фойдалана бошлаган. 80 йилларнинг охирида ва 90 йилларнинг бошларида умумий онлайн тизими амалга тадбиқ этилган. Бундан ташқари, солиқ маъмурчилиги тизимида рўй берган ўзгаришлар боис солиқ бошқаруви тизимининг даражаси ва самарадорлигини ошириш мақсадида давлат солиқларини умумий бошқариш тизими – КСК тизими амалга татбиқ этилган.

1995 йил январидан КСК тизимидан Токио солиқ бошқармасининг иккита солиқ инспекциясида эксперимент ўтказиш учун фойдаланилган. Сўнгра бу тизим мамлакатдаги барча солиқ бошқармаларига тарқалиб, 2001 йили Япониянинг барча солиқ органлари мазкур тизимга ўтган⁴⁹.

Солиқ тўловчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бу Японияда солиқ маъмурчилигини асосий эътиборли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда мурожаат қилиш тартиби қуйидаги тартибда амалга оширилади. Агар солиқ тўловчи солиқ органларининг фаолиятидан норози бўлса ёки солиқ бошқармаси бошлигининг қарорларини асоссиз деб ҳисобласа, ўз хуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб, солиқ комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Шикоят ва аризалар тизими тез ва жўн простедура жараён бўлиб, солиқ тўловчининг хуқуқларини муҳофаза қилишга йўналтирилиши мумкин.

Агар солиқ тўловчи солиқ бошқармаси давлат солиқларини ундириш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қарорга нисбатан протест бериши мумкин. Қарорлар доим солиқ бошқармаси бошлиғи томонидан қабул қилинади, шу боис протест ҳар доим унинг номига ёзилади. Лекин агар инспекция давлат ёки минтақавий солиқ бошқармаларининг ходимлари томонидан ўтказилган бўлиб, солиқ бошқармасининг бошлиғи ана ўша инспекция натижаларига асослангагн ҳолда қарор чиқарган бўлса, протест ёки шикоят давлат ва минтақавий солиқ бошқармаси бошлиғи номига ёзилади. Қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотномада қарордан норози бўлган тақдирда протест ва шикоятларни қаерга юбориш лозимлиги кўрсатиб ўтилади. Бу – ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўлиб, қуйидаги ҳолатларда солиқ комиссиясига ёзилади. Бу каби аризаларни бериш муддати: агар солиқ тўловчи илгари қабул қилинган қарорга нисбатан протест ёзган бўлса, янги қарорни олгандан сўнг бир ой ичida; агар у биринчи марта ёзган бўлса, солиқ бошқармаси бошлигининг қарорини олгандан сўнг икки ой ичida.

⁴⁹ Guide to Japanese tax 2016-2017 by Yugi Gomi. Zaikei Shoho Sha. Higashi Shombashi. Minatoku. Tokyo. Japan. P. 121.

Қайта кўриб чиқиши тўғрисидаги ариза бўйича қарор солик масалалари бўйича комиссия раиси томонидан комиссия аъзоларининг хулосасига асосланган ҳолда қабул қилинади. Агар солик тўловчи солик комиссиясининг қароридан ҳам норози бўлса, иш судгача этиб бориши мумкин. Умуман олганда, юқорида айтиб ўтилган иккита қарорсиз иш судгача бормайди. Лекин солик тўловчининг аризаси бўйича уч ой давомида қарор чиқарилмаса ва баъзи бир бошқа ҳолатларда солик тўловчи тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиши мумкин⁵⁰.

Солиқка тортиш ишлари ҳамма ҳолатда тўлиқ манбадан солик ушлаб қолувчи агенитлар томонидан амалга оширилади.

Бошқача қилиб айтганда, манбадан солик ушлаб қоладиган агентлар ушлаб қолинган солиқни солик органларига тўлаб беришади ва йил охирида ҳисобкитоб қилишади. Шундай қилиб, улар сўнги декларация тўлдириш ва солиқларни тўлашни маош кўринишида даромад оловчи солик тўловчилар томонидан амалга оширишади.

Маош кўринишида даромад оловчи солик тўловчилар амалга ошрадиган жараёнлар оддий бўлиб, иш берувчига қўйидаги маълумотлар берилади:

-йил бошида маош берувчи иш берувчига юқорида келтирилгандек, маошдан бошқа ойлик оладими-йўқми шу тоўғрисида маълумот бериш керак;

-йил охирида ишни тўғри йўлга қўйиш ва солик суммасини аниқлаш учун “Йилик солик суммасидан ушлаб қолинадиган ҳаётини сугурта қилган сумма ва бошқалар”, “Оиладагилар сони” ва “Маош жўринишида даромад оловчилар йиллик ҳисоботи” тузишда керак бўладиган маълумотлар бериш.

Солик маслаҳатчиларидан фойдаланиш корхоналар томонидан белгиланади. Солик маслаҳатчиларидан фойдаланиш учун шртнома тузиш (ишонч шартномаси) ва бухизматлар учун ҳақ тўлаш керак. Бунда корхоналар катта ва маълум капиталга эга бўлиши керак.

Асосан, солик маслаҳатчиларидан юридик ва индивидуал тадбиркорлар фойдаланишади, кичик тадбиркорлар эса бунда хизматларда фодаланишга қийналишади.

Солик малаҳатчиларининг асосий иши:

- 1)солик тўловчининг вакили сифатида солик органларида улар номидан иш юритиш;
- 2)солик ҳужжатларини тузиш;
- 3)солик текширувларида уларнинг иштироки кузтилса-да бундай ёрдамнинг шакли турлича бўлиши мумкин.

Одатда, кунник бухгалтерия ишларини юритиш, молиявий ҳисобот ва солик декларациясини тузиш бошқаришга тааллуқли маслаҳатларни бериш учун тузилади. Қандай хизмат кўрсатишдан қатъий назар, солик тўловчилар солик маслаҳатчиларининг профессионал билимлари ва қонуний статуси фойдаланишади. Бу ўз-ўзидан солик органлари учун фойдали, чунки бунда декларациялар тўғри тўлдирилган ҳолда, солиқлар ҳам ўз вақтида тўланади.

⁵⁰Taxation in japan 2015 -KPMG Taxcorporation

3. Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари

Россия солиқ тизимининг фаолияти ва ривожланиши комплекси жараён ва у мақсадни белгилаш ва амалга ошириш механизмлари ҳамда мезонларини аниқроқ белгиланмагунча тўғри ривожлана олмайди. Амалдаги солиқ энгилликларининг мақсади фарқли бюджет даражаларини улар учун зарур бўлган даромадларга мувофиқ барпо этиш ҳисобланади. Бюджетнинг керагидан ортиқ тўловларидан воз кечиш режалаштириш усуслари орқали амалга оширилади ва унинг бажарилиши давлат даромадлари манбаларига мувофиқлигини талаб этади. Бюджетнинг ортиқчалиги иқтисодий энгилликлардаги адоластизликнинг бир қисми ҳисобланади ҳамда солиқ солища мантиқий намоён бўлишини таққослаш орқали баҳолаш мумкин. Молиявий мослик сабаблари томонидан ўзини оқламайдиган муаммо ҳисобланади. Дунё бўйича бюджет даромадларида амалдаги солиқ энгилликларининг адолатлилиги таққосланган, бунда Россия амалиёти ўз ичига олинган. У қуидагича ривожланади ва фойдаланилади:

Биринчидан, солиқ солиши умумий тизимини такомиллаштириш методлари;

Иккинчидан, солиқ ставкаларни ёндашишида табақалаштирилган тартибда ёндашиш;

Учинчидан, солиқ турларининг кўплиги, уларнинг ҳар бири бўйича ягона база асосларини маъқуллигини аниқлашга эга бўлиш.

Солиқ тизимининг ривожлантиришнинг стратегик мақсади бошқарув механизмларини ўстириш орқали амалга ошириш ҳисобланади, бу ўз ичига солиқларни табақалаштириш, солиқ ставкалари ўзгаришлари, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнига молиявий ҳаракатларнинг мувофиқлиги, бу иқтисодий фаолиятни ривожлантириш билан ўлчанади.

Россияда ягона солиқ тизимини ривожлантиришга қараб 1991-1992 йилда муҳим қадам қўйилди, дунё амалиётидаги ижобий тажрибалар ҳисобга олинди. У классик солиқ назарияларидек жозибадор бўлиши керак эди ва констепстиялар узоқ вақтдан бери ривожланган бўлиши керак эди, муаммоларни эчимини топишда бозор иқтисодиётiga асосланди. Россия 1991 йилда федерал, регионал ва маҳаллий даражадаги ссолиқлар ва тўловлар билан мураккаб уч босқичли солиқ тизими жорий қилинди. Улар қуидагича тасдиқланган: федерал 15 та, регионал 3 та, маҳаллий 21 та, умумий 39 та солиқлар ва тўловлар белгиланди. Бекор қилинган қўшимча солиқлар ва тўловлар тизими ўрнига давлат ижтимоий жамғармаси, бюджетга қўшимча давлат фонлари белгиланди ҳамда уларни чегиришнинг алоҳида номалари белгиланди.

4. Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

Хитойнинг иқтисодий ривожланиши ва шаҳарлашуви ҳамда кенг қамровли аҳолининг даромадларидаги фарқларини ҳисобга олган ҳолда замонавий солиқ тизимини қандай қилиб ривожлантириш мухокамаси Хитой ҳукумати учун

муҳим ҳисобланади. Шунингдек, Хитой солиқ тизимиning ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Амалдаги Хитой солиқ тизими регрессиве, мураккаб ҳамда бюджет харажатлари учун даромад этарли эмас. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида бир қатор солиқ ислоҳоти кўрсатмалари ишлаб чиқилган. Бу ўз ичига юқори даромадга эга бўлган жисмоний шахсларга даромад солифини ошириш ва босқичма-босқич мазкур жисмоний шахслар сонини кенгайтириш, истъемол солиғи ҳажмини ошириш ва барча солиқлар бўйича зарур бўлмаган имтиёзли солиқ муносабатларини бекор қилишни олади.

Хусусан, Хитой солиқ тизимини муҳокама қилиш асосан иккита сабабга кўра муҳим ҳисобланади.

Биринчидан, у катта иқтисодий имкониятларга эга ва бу эса даромад бўйича фарқлар билан боғлиқ, солиқ тизими иқтисодий ўсишдан олинган фойдани ва даромадни қайта тақсимлашда муҳим ролни йўнаши керак.

Иккинчидан, Хитойнинг иқтисодий ривожланиши ва шаҳарлашуви билан боғлиқ, бу эрда ҳар доим ҳалқ товарлари ва соғлиқни сақлаш хизматлари, йўллар, ҳалқ таълими, инфраструктуранинг ривожланиши, миллионлаб баҳстизликлар учун умумий хавфсизлик дастурлари ва миллионлаб қари ёшдаги фермерлар учун қариллик нафақалари учун талаб юқори бўлган. Бу турдаги барча хизматлар даромаднинг катта миқдорини талаб қиласди. Ҳозирда Хитойда солиққа тортиш ЯИМ нинг 18 фоизини ташкил қиласди ва бу эса зарур бўлган бюджет даромади миқдори учун этарли эмас. Хитойнинг амалдаги солиққа тортиш тизими билвосита солиққа тортиш оғирлигига суюнади яъни ҚҚС, бизнес солиғи ва маҳсус истъемол қилинадиган товарлар учун солиқлар кўпроқ миқдорда ундириласди. Бу шахсий даромад ва юқори даромад олувчиларнинг жадал ўсиши билан боғлиқ, шахсий даромад солиғида юқори солиққа тортиш ўзгарувчан бу эса этказиб бериш хизматларига кўра ишлаб чиқаришда кўпроқ даромад олиш имконини беради.

Амалдаги Хитой солиқ тизими 1994 йилда Солиқ тизими ислоҳоти Акти билан жорий қилинган, бунда бозор иқтисодиётига мос солиқ тизимини олишга ҳаракат қилинган. Ўшандан бўён фақат бир иккита ўзгаришлар қилинган холос. Жорий солиқ тизимида 25 та солиқ тури мавжуд. Улар 8 та гуруҳга ажратилади:

1. Оборот солиқлари. Бу ўз ичига ҚҚС, истъемол солиғи ва бизнес солиқларини олади.

2. Даромадни солиққа тортиш. Бу тадбиркорлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ўз ичига олади.

3. Ресурс солиқлари. Бу ресурс солиғи ва шаҳар ҳамда шаҳар типидаги қишлоқ эридан фойдаланганлик учун солиқни ўз ичига олади.

4. Мулк солиқлари. Бу уй-жой солиғи ва шаҳар кўчмас мулк солиғини ўз ичига олади.

5. Маҳсус мақсадлар учун солиқ. Бу шаҳар қуриш ва таъмирлаш солиғи, асосий активларга инвестишион йўналишларни тартибга солувчи солиқ ва эр қимматлашиши ҳамда қишлоқ хўжалигини эгаллаш солиғини ўз ичига олади.

6. Хатти-ҳаракат солиқлари. Бу бир қатор солиқларни яъни транспорт воситаси ва кема солиғи, транспорт воситаси ва кемадан фойдаланиш учун листензия солиғи, штамп солиғи, иш-ҳаракат солиғи ва зиёфат солиғи.

7. Қишлоқ хўжалиги солиқлари. Бу қишлоқ хўжалиги солиғи ва ҳайвон эрлари солиғини ўз ичига олади.

8. Харидорлар божлари. Булар Хитой давлати фуқаролари томнидан импорт қилинган товар ва буюмлардан ундирилади.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси;
2. Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари;
3. Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари;
4. Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари.
5. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш тартиблари?
6. Ривожланган мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш таҳлили.
7. Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини самарали амалга оширишга таъсир этувчи омиллар

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағищланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

3. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari proqnozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

7. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

8. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

9. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”. ҳисобот

11. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 у. Emerald Group Publishing limited.

12. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

13. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

14. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

15. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

16. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

17. Вахобов А.В, Жўраев А.С. Соликлар ва соликқа тортинш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ
БИРИНЧИ НАМУНА.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Базаров Қ.Т.

**“Солиқ маъмуриятчилиги” ўқув курсининг
“Фермер хўжаликларини солиқса тортиш” мавзуси бўйича тайёрланган**

КЕЙС- СТАДИ

Кейс: «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .

I. Кейс

1. Фаннинг номи: “Солиқ маъмуриятчилиги .

Мавзунинг номи: “Фермер хўжаликларини солиқча тортиш ” мавзусига мосланган кейс-стади.

2. Берилган кейснинг мақсади: Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг ўтган-ҳисобот йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари асосида ҳисоблаймиз;

Кутилаётган натижалар: Фермер хўжалиги фаолиятини ўргангандан ҳолда, билимни чуқурлаштириш, ялпи маҳсулот яратиш учун сарфланган маблағларни миқдорини аниқлаш, ялпи маҳсулот миқдорини, таркибини, фойдаланиш даражасини ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлилини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс муқаффақиятли ечиш учун талабалар **қуидаги натижаларга** эришишлари лозим: қишлоқ хўжалигига, турли мулк шаклларидаги хўжаликларда, минтақаларда ялпи маҳсулот миқдорини, уларнинг таркиби ва холатини, уларнинг харакатини аниқлаш, ялпи маҳсулотга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш.

3. Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолият асосида ишлаб чиқилган;

4. Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи қуидагилардан иборат: Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг ўтган-ҳисобот йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари асосида, ушбу корхонанинг низоми, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигининг статистик маълумотлари.

5. Мазкур кейс дала тадқиқотлари асосида сюжетли тоифасига киради. Ҳолат бирлашманинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг обьекти бўлиб: Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра” фермер хўжалигининг Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра” фермер хўжалигининг ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва катта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

6. Дидақтик мақсадларга кўра кейс – таҳлилларни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Голограмма сифатида бальзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, қўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

Кейснинг афзалликларига қуидагилар киради: Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиши бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Ҳолатий таҳлил варақаси” мавжуд.

7. Ушбу кейс – “Мехнат статистикаси”, “Икроиктисодий статистика ва МХТ”, фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

КИРИШ

Республикамиз ҳукуматининг фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳозирги вақтда, айниқса, қишлоқ жойларда иқтисодий инфраструктурани ишбилармон тадбиркорлар томонидан такомиллаштириш ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Кўп харажатлар талаб қилинишига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш тадбиркорлар олдида турган долзарб вазифалардан энг асосийси ҳисобланади.

Қуйидаги маълумотда Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалигининг иш фаолияти ҳақида асосий тушунчалар, дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибини ва фойдаланиш даражаси ҳақида ва бошқа маълумотлар берилган.

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фойдаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунингдек, асосий фондларнинг етиштирилган маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Натижада дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мумкин бўлади.

Мазкур кейсда ушбу фермер хўжалигининг ҳисобланган ҳар бир кўрсаткичи мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, фермер хўжалигидаги ялпи ҳосилни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг буҳгалтерия ҳисобида дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланғич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий кўрсаткичлари экин турлари бўйича ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик тушунчаси, уларни ишлаб чиқаришининг турли даврларида аниқлаш усусларини, турли экинларни ҳосилдорликни нобуд бўлиш даражаси ва уни сабаблари, нобуд бўлган ҳосил миқдорини ҳисоблашни, ялпи ҳосил миқдори ва унга таъсир қилувчи омилларни, ҳосилдорлик даражаси динамикасини ўрганиб ўзгариш хусусиятлари, яъни қонуниятни аниқлаш ва узоқ муддатда табиий омилларни таъсирини ўрганади.

Кейсда масаланинг ечими орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- мазкур мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш;
- индивидуал ва гурӯҳларда муаммонинг ечими таҳлилини ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш;
- мантиқий фикр юритиши жонлантириш;
- мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ўқув маълумотларни ўрганиш даражасини текшириш;

➤ ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари топиш.

1. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалигига иқтисодий тавсифнома

Ташкилотнинг манзили:

Фермер хўжалиги Хоразм вилояти, боғот туманида жойлашган бўлиб, 1998 йилдан бошлаб фаолият юритади.

Ташкилотнинг тўлиқ номланиши:

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалиги.

Ташкилотнинг ташкил этилган йили:

Хоразм вилояти Боғот тумани Ҳокимининг 1998 йил 10 мартағи 234-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.

Ташкилотнинг шакли:

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра фермер хўжалиги” юридик шахс мақомига эга бўлиб, тумани Ҳокимининг 1997йил 22 мартағи 70-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган.

Ташкилотнинг фаолият тури:

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра фермер хўжалиги”
куйидаги маҳсулот турлари етиштириш билан шуғулланади:

1. Пахта
2. Буғдой
3. Шоли

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари:

- ишлаб чиқаришни янада кучайтириш ва ҳалқаро миқёсда кенгайтириш;
- шаҳар аҳолиси ва маҳаллий аҳолини ўзининг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш;
- жойларда савдо шаҳобчаларини ташкил этиш ва қулай шароитда аҳолига кенг хизмат кўрсатиш;
- табиий дехқончилик маҳсулотларини кўпайтириш ва даромад олиш.

2. «ҚУРАМБОЙ БОБО НАБИРАСИ ТОҲИР-ЗУҲРА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ташкилотнинг бошқарув тузилиши:


«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлиб, давлат томонидан бошқарилмайди. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалиги хусусий бўлганлиги сабабли, «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра” фермер хўжалиги 2000 йилда тасдиқланган ва Хоразм вилояти Боғот тумани Ҳокимининг 2000 йил 10 майидаги 305-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган низомининг V бандига асосан иш юритилади. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалиги низомининг V-17 бандида ёзилишича, «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалиги 18 (ўн саккиз) ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигига тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли хўжалик аъзоларидан

бири раҳбарлик қилиши мумкин. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра » фермер хўжалиги раҳбариятидан ташқари маҳаллий ишсизлар сонини камайтириш мақсадида «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра » фермер хўжалиги яқин атрофдаги маҳалланинг 32 нафардан ортиқ аъзосини хўжаликда меҳнат қилишга жалб этган. Олинган 10 нафардан ортиқ ишчи кучини малакасини ошириш учун керакли чора-тадбирларни амалга оширилган бўлиб «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра » фермер хўжалиги иқтисодиётини кўтариш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардош ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифаси бирлашма зиммасига олинган.

Чизма №1

Ташкилотнинг бошқарув шакли:

Хоразм вилояти Бофот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра » фермер хўжалигининг бошқарув шакли:



3. Хоразм вилояти Бофот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳакида маълумот

3.1. Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўрганиш.

Қишлоқ хўжалиги статистикасида дехқончиликда маълум экин майдонидан олинган бутун маҳсулот ялпи ҳосил деб аталади. Маълум бир турдаги экиннинг ўрта ҳисобда бир гектар майдонга тўғри келадиган маҳсулоти миқдори эса ҳосилдорлик деб аталади.

Экинларнинг ялпи ҳосилини (центнер ёки тонна ўлчовида) экин майдонини кенгайтириш ҳисобига экстенсив равишда ёки экиннинг ҳосилдорлигини ошириш – экин майдонидан интенсив равишда фойдаланиш йўли билан кўпайтириш мумкин. Маълумки, экин майдонларини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди. Кўриқ ерлар очиш, ботқоқларни қуритиш ва бошқалар бечегара иш эмас. Шунинг учун экинларнинг ялпи ҳосилини ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириш энг муҳим вазифадир.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил ва ҳосилдорлиги дехқончилик тармоғининггина эмас, балки, умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражасининг кўрсаткичидир.

Экинларнинг ҳосили ва ҳосилдорлиги дехқончиликнинг ҳар томонлама ривожланишига боғлиқ. Хўжаликнинг табиий ва иқтисодий қулай шароитидан ташқари унинг ташқилий ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, айтайлик, ернинг самарадорлиги оширилса, мелиорация ҳолати яхши бўлса, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланилса, техника ўз вактида қўлланилса, ишда илгорларнинг тажрибаларига, илм-фан муваффакиятларига амал қилинса, экинларнинг ҳосилдорлиги ошади. Демак, ялпи ҳосил ҳам кўпаяди, ҳалқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини янада кўпроқ қондириш, саноатни хомашё билан янада яхшироқ таъминлаш имконияти кенгаяди. Ҳосилдорликни ошириш учун пахта-беда алмашлаб экинни ўзлаштириш ниҳоясига етказилиши, пахтанинг касалликларга бардош берадиган серҳосил навларини яратиш, ғўзани суғориш ва ҳосилни териш механизацияси даражаси оширилиши зарур.

3.2. Хоразм вилояти Бофот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлили

Хоразм вилояти Бофот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигига дехқончилик маҳсулотлари бўйича ялпи ҳосилни ўзгаришига таъсир этувчи омиллар бўйича омилли таҳлил қилиниши лозим.

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигига дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаган.

3.2.1-жадвал

№	Экин турлари	Үтган йил		Хисобот йил	
		майдони, га	хосилдорлик, ц/га	майдони, га	хосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Бугдой	35	36,4	36	37,0
2	Шоли	40	28,2	43	28,5
3	Макка дон учун	55	28	45	34
Хаммаси		130	---	124	---

«Қурамбай бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркиби ва ҳосилдорлиги ўзгариши таъсир қиласи. Бу таъсирни аниқлашда иқтисодий индекс усулидан фойдаланилади. Маълумки, ялпи ҳосил, экин майдони таркиби ва ҳосилдорликни умумий индекси бир турдаги экин турлари бўйича хисобланади.

4. Талабаларга бериладиган муроҷаза учун саволлар

- Ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари деб нимага айтилади?
- Ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш.
- Ялпи ҳосил динамикасининг статистик таҳлили.
- Ялпи ҳосил ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг индекслари.
- Экин майдонлари структураси индексини аниқланг ва мазмунини тушунтиринг.

5. Талабалар учун услубий қўлланмалар

Муаммо:

«Қурамбай бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .

Вазифалар:

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қўйидаги кўрсаткичлар хисобланисин:

- Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
- Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
- Ўртача ҳосилдорлик индекси.
- Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
 - Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
- Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
- Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.*

Ечиш алгоритми:

Бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркиби ва ҳосилдорлиги ўзгариши таъсир қиласи. Бу таъсирни аниқлашда иқтисодий индекс усулидан фойдаланилади. Маълумки, ялпи ҳосил, экин майдони таркиби ва ҳосилдорликни умумий индекси бир турдаги экин турлари бўйича ҳисобланади. Масалан, донли экинлар, сабзавот ва ем-хашак экинлари бўйича.

Масалани шартида донли экинлар майдони ва ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар берилган. Донли экинларни ҳосил ва ҳосилдорлиги ўзгариши ҳақидаги маълумотларни таҳлил этишда иқтисодий индекс усулидан фойдаланамиз.

Масалани биринчи шартида ҳосилдорликнинг алоҳида индексини ҳисоблаш сўралган. Бунинг учун ҳар бир экин тури бўйича ҳосилдорлик-ни ўзгариши қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Кузги буғдой: } i = \frac{X_1}{X_0}$$

$$\text{Шоли: } i = \frac{X_1}{X_0}$$

$$\text{Макка дон учун: } i = \frac{X_1}{X_0}$$

Масалани иккинчи шартида ҳосилдорликнинг умумий индексини ҳисоблаш сўралган. Буни ҳисоблашда қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

Масалани учинчи шартида ўртача ҳосилдорлик индексини ҳисоблаш сўралган. Буни бажариш учун қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

Ўртача ҳосилдорликни мутлақ ўзгаришини ҳисоблашда қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

Шу жумладан:

а) Ўртача ҳосилдорликни, ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгари-шини қўйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$

б) Ўртача ҳосилдорликни, экин майдонлари таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қўйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}.$$

Ялпи ҳосилнинг умумий индексини қўйидаги формуладан фойдалана-ниб ҳисоблаймиз:

$$I_{xx} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$

$$I_{xx} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$

Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгаришини қўйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta_{xx} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{xx} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

Шу жумладан:

а) Ялпи ҳосилни ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{xcm} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1$$

$$\Delta_{xcm} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1.$$

б) Ялпи ҳосилни, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{xcm} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{xcm} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

Ҳисобланилган қўрсаткичлар асосида хulosha ёзилади.

Холатий таҳлилнинг варақаси

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил босқичи	Баҳолаш мезонлари
1. Холатий таҳлил	1. Ҳолатнинг аниқ кўриниши ва масаланинг ҳал этилиши, ечилиши учун аниқ маълумотлар. 2. Ҳолатнинг энг муҳим хусусиятлари: Нима бўлмоқда? Ҳолатнинг натижаларини шаклланиши кандай?		1 – 0.5 балл 2 – 1 балл
2. Муаммонинг шаклланиши	Муаммода акс эттирувчи асосий хусусиятлар ҳисоблансан:		A) – 0.5 балл Б) – 0.5 балл В) – 1 балл
	Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари. 2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси. 3.Ўртача ҳосилдорлик индекси. 4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан: а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига. б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига. 5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси. 6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан: а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига. б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.		
3. Ҳолатнинг иштирокчиларини аниқлаш	«Курамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер ҳўжалигининг иқтисодий тавсифномаси, иш фаолияти ва таркиби, бошқариш тизими		1 балл
4. Омилли таҳлил асосида ҳолатнинг ўрганиш	«Курамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер ҳўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .		2 балл
5. Ечимни ишлаб чиқиш	Масаланинг ечимини ҳал қилмоқ ва ишлаб чиқиш, махсулотга таъсир омиллар салбий ва изжобий таъсирини аниқлаб тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.		2 балл

6. Ўқув - услугий материаллар

Маълумки, экинларнинг ҳосил ва ҳосилдорлиги ҳосил тамомила йигиб олингандан сўнг аниқланади. Лекин статистика фани ҳосил ҳажми ва ҳосилдорлик миқдорини терим олдидан ҳам ҳар бир экиннинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб белгилайди. Ҳосил ва ҳосилдорликни аниқлашнинг уч категорияси бор:

1) ўсиб турган экиннинг кўринишига қараб белгилаш;

2) терим олдидағи ҳолатига қараб белгилаш;

3) ҳақиқий йиғилган ва омборга тушган ҳосил. Ўсиб турган экиннинг ҳолатига қараб ҳосил белгилаш, деганда экин етилишидан анча олдин ўшиш даврларида, айтайлик, пахта беш қулоқ бўлганида ёки кўсак олганда, дон эса бошоқ тортганида ёппа ўсимликларнинг ҳолатига қараб кутилган ҳосил ва ҳосилдорликни аниқлаш кўзда тутилади. Бу ишни ҳосилотчи ва бўлим

бошлиғи күз билан чамалаб «яхши», «ўртача», «ёмон» баҳо билан ёки 1, 2, 3, 4, 5 балл баҳоси билан белгилайдилар.

Экиннинг терим олдидаги ҳолатига қараб аниқлаш, деганда пишиб етилган, лекин ҳали терилмаган, омборга тушмаган ҳосил назарда тутилади.

Ўсимликнинг бу ҳолатдаги ҳосил ва ҳосилдорлиги:

а) субъектив метод билан, яъни ҳосилни йифищдан олдин майдонни диққат билан қараб чиқиб ҳосил ва ҳосилдорлик күз билан чамалаб аниқланади;

б) экин пишиб, теримга ва ўришга тайёр бўлган вақтда кичик бир жой, айтайлик, 1 м² жой ажратиб, ундаги ҳосил териб олинади ва тарозида тортиб кўриб қанча чиқса, шу сон мингга кўпайтирилади ва шу билан 1 га майдондаги ҳосилдорлик аниқланади. Ялпи ҳосилни аниқлаш учун 1 га нинг ҳосили шу экин экилган умумий майдон ҳажмига кўпайтирилади. Бу объектив методdir. Ҳосилнинг тамомила йифиб олинмасдан олдин терим бошида аниқланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш, қайта ишлаш, ташиб олиш ва х. к. ларни режалаштириш учун зарурдир;

в) ҳақиқий йифилган (омборга тушган) ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ифодалайди.

Табиий, ҳосил ва ҳосилдорликнинг аввалги тахминий ҳисоблари билан йифим-терим томонидан қилинган ҳисоблар ўртасида тафовут бўлади.

Кўрсаткичлар орасидаги тафовут қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$W_x = W_t - P,$$

W_x – ҳақиқий йифилган ҳосил.

W_t – ҳосилни теримга тайёр бўлган ҳолда аниқлаш кўрсаткичи.

P – йифим-терим вақтида ҳосилнинг йўқотилган (нобуд бўлган) қисми.

Ҳозир статистика омборга тушган ҳосилга қараб ҳисбот юритади. Негаки, тахминий белгилаш усули ўзини оқламади, кейин йифим-терим даврида нобудгарчилик учун хўжаликлардан жавобгарлик ҳам талаб қилинmas, аслида нобудгарчилик олдиндан белгиланиб қўйилар эди. Эндиликда ҳақиқий ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Ҳосилни аниқлаш пайтида айрим экинларнинг баъзи хусусиятларини назардан қочирмаслик керак. Масалан, дони учун экилган жўхори дон экини қаторида ҳисоб қилинса, силос ва кўк хашак учун экилган жўхори-хашак қаторида ҳисоб қилинади, жўхори ҳосили йифиб олингандан кейин сўта ҳолида тортиб ҳисобланади; қуруқ донга чиқиб ҳисоб қилиш учун сўтадан ажратилган донларнинг ҳақиқий оғирлиги асос бўлади, донларнинг базис намлиги (22%) чиқариб ташланади.

Сабзавот экинларидан шивит, кашнич, петрушка, редиска каби илдиз мевалиларнинг фақат очик ерга экилганлари ҳисобга олинади, кўчириб ўтказилганлари ва уруғлик учун экилганлари сабзавот маҳсулотлари қаторига киритилмайди, улар алоҳида ҳисобланади.

Ширкатлар ва бошқа давлат хўжаликлари қишлоқ хўжалиги экинларининг йифим-терим ҳисоби учун йифим-терим техникаларида ишловчи

механизаторларнинг терган ёки ўриб олган маҳсулоти тўғрисидаги кундалик ҳисобот ва рақалари, маҳсулот қабул қилинганилиги ҳақидаги актлар ва шу каби бошқа бошланғич хужжатлар асос қилиб олинади. Йифим-терим тамом бўлганидан кейин ширкат ва бошқа давлат хўжаликлари мазкур хужжатлар асосида экинларнинг ҳосили ҳақида ҳисобот тузадилар. Бу ҳисоботда экин турлари бўйича олинган ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик ҳақида маълумотлар кўрсатилган бўлади. Маълумки, баъзи хўжаликлар ҳисобот топшириш муддатигача барча ҳосилни йиғиб-териб улгурмайдилар. У ҳолда йиғиб, улгурилмаган майдондаги ҳосилни ҳисоб методи билан аниқлаб, йиғиб олинган ҳосил миқдорига қўшиб жами ялпи ҳосилни ҳисоботга ёзадилар.

Туманинг экин майдони 12000 га тенг бўлиб, шундан 1 ноябргacha 10000 гектаридаги ҳосил йиғиб олинib, жами 250000 центнер маҳсулот олинган. Маҳсулотнинг барча ҳосилдорлиги 250000:10000га=25 центнер бўлибди. 2000 гектар майдондаги ҳосил ҳисобот муддатигача йиғилмай қолган, ўтган йили ҳисобот муддатига қадар бир гектар майдондан 24 центнер маҳсулот олинган эди. Ҳисобот муддатидан кейин эса бир гектарга тўғри келган ҳосил 21 центнер бўлди. Бунинг коэффициенти (21:24) 0,875 ц дир. Энди бу коэффициент ёрдамида шу йили ҳисобот муддатидан сўнг ҳосил йиғиб олинадиган майдоннинг бир гектарига тўғри келадиган маҳсулотни (ҳосилдорлигини) ҳисобласак, $25 \text{ ц} \times 0,875 = 21,9 \text{ ц}$ бўлар экан. Ҳисобот муддатидан сўнг ҳосил йиғиб олинадиган 2000 га майдоннинг жами маҳсули $(2000 \times 21,9) = 43800 \text{ ц}$ бўлади. Демак, туманинг бутун экин майдонидан йиғиб олинадиган ялпи ҳосил $(250000 + 43800) = 293800 \text{ ц}$ ни, ўртача ҳосилдорлик эса $(293800 : 12000) = 24,48 \text{ ц}$ ни ташкил қиласлар экан.

6. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Донли экинларни ҳосил ва ҳосилдорлиги ўзгариши ҳақидаги маълумотларни таҳлил этишда иқтисодий индекс усулидан фойдаланамиз.

1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекси бўйича ҳар бир экин турининг ҳосилдорлигини ўзгариши қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Буғдой: } i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{37}{36,4} = 1,016 \text{ ёки } 101,6 \%$$

$$\text{Шоли: } i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{28,5}{28,2} = 1,010 \text{ ёки } 101,0 \%$$

$$\text{Макка дон учун: } i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{34}{28} = 1,214 \text{ ёки } 121,4 \%$$

2.Ҳосилдорликнинг умумий индексини ҳисоблашда қўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1} = \frac{28,5 \cdot 43 + 37 \cdot 36 + 34 \cdot 45}{28,2 \cdot 43 + 36,4 \cdot 36 + 28 \cdot 45} = \frac{1226 + 1332 + 1530}{1213 + 1310 + 1260} = \frac{4088}{3783} = 1,081 \text{ ёки } 108,1 \%$$

3. Ўртача ҳосилдорлик индексини ҳисоблаш учун қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{4088}{124} : \frac{40x28,2 + 35x36,4 + 55x28}{130} =$$

$$= \frac{4088}{124} : \frac{3942}{130} = 32,9 : 30,3 = 1,086 \text{ ёки } 108,6 \%$$

4. Ўртача ҳосилдорликни мутлақ ўзгаришини ҳисоблашда қуидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0 = 32,9 - 30,3 = 2,6 \text{ ц/га ошган.}$$

Шу жумладан:

4.1. Ўртача ҳосилдорликни, ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қуидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} = \frac{4088}{124} - \frac{3783}{124} = 32,9 - 30,5 = 2,4 \text{ ц/га ошган.}$$

4.2. Ўртача ҳосилдорликни, экин майдонлари таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қуидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{3783}{124} - \frac{3942}{130} = 30,5 - 30,3 = 0,2 \text{ ц/га ошган.}$$

5. Ялпи ҳосилнинг умумий индексини қуидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$I_{ax} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$

$$I_{ax} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0} = \frac{4088}{3942} = 1,037 \text{ ёки } 103,7 \%$$

6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгаришини қуидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta_{ax} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{ax} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0 = 4088 - 3942 = 146 \text{ центнер.}$$

Шу жумладан:

6.1. Ялпи ҳосилни ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{жм} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1$$

$$\Delta_{жм} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1 = 4088 - 3783 = 305 \text{ центнер.}$$

6.2. Ялпи ҳосилни, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{жм} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{жм} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0 = 3783 - 3942 = -159 \text{ центнер.}$$

Хулоса.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида «Қурамбай бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида ҳисбот юил ўтган йилга нисбатан дон ишлаб чиқаришда маълум ўзгаришлар бўлган. Ҳосилдорлик буғдойда 1,6%, шоли бўйича 1 % га, макка дони 21,4% га ошган.

«Қурамбай бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида экилган донли экинларни умумий ҳосилдорлиги 8,1% га ошган, шунинг ҳисобига ўртacha ҳосилдорлик индекси 8,6% га ошган, чунки ўртacha ҳосилдорликни мутлақ қиймати 2,6 ц/га га ошган. Бу ошишни омиллари қуйидагилар: ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига ўртacha ҳосилдорлик 2,4 ц/га ошган, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўртacha ҳосилдорлик 0,2 ц/га ошган. Натижада ўртacha ҳосилдорликни умумий мутлақ ўзгариши 2,4ц/га + 0,2ц/га = 2,6 ц/га бўлган.

«Қурамбай бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида йигиб олинган ялпи ҳосил 3,7% га ёки 146 центнерга кўпайган. Ялпи ҳосилни кўпайиш омиллари қуйидагилар: ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил 305 центнерга ошган, экин майдони таркибини ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил -159 центнерга камайган. Натижада ялпи ҳосил 305ц + (-159ц) = 146 ц га ошган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла ва мукаммал тарзда аниқлаш учун тўла имконият мавжуд эмас. Чунки фермер хўжаликларида кўпгина меҳнат ва моддий харажатлар тўла ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқа хўжаликлар билан солишитирганда ердан фойдаланиш самарадорлиги, яъни бир гектар ёки бир балл-гектар ҳисобига олинган маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ.

7. Амалий машғулотларда муаммоли ҳолатларни ечиш бўйича (кейс ўқитиши технологияси)

<i>Мавзу</i>	<i>Товар ассортименти стратегиясини ишлаб чиқиши</i>
<i>Талабалар сони:</i> 25 –30	<i>Вақти</i> 4 соат
<i>Ўқитиши шакли</i>	<i>Амалий машғулотда муаммоли ҳолатни ечиш орқали билимни чукурлаштириши.</i>
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<p>1. Кейс – стадига кириш ва назарий жихатдан ёритиб бериш.</p> <p>2. Билимни чукурлаштиришининг ва муаммонинг долзарблиги.</p> <p>3. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .</p> <p>4. Муаммонинг шаклланиши ва уни ечиш йўллари.</p> <p>5. Кейс – стадини гурухларда ечиш.</p> <p>6. Дискуссия орқали муаммоли ҳолатни ечиш foяларини кўриб чиқиши.</p> <p>7. Энг муқобил вариантини танлаш ва натижаларни презентация килиш.</p> <p>8. Гурухларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш.</p>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши таъсирини аниқлаш.
<i>Педагогик вазифалар:</i> Муаммоли ҳолатнинг хусусиятларини тавсифлаб ва таснифлаб беради: <ul style="list-style-type: none"> • Кейсда бирлашманинг фаолияти ва асосий воситалар ҳолати билан таништиради ва таҳлил қиласи; • Муаммони ажратиш ва уни аниклаб, ечиш кетма - кетлигини ишлаб чиқишини ўргатади; • Кейсда муаммонинг маълумотларини бошқарув ва ишлаб чиқаришини тизимишини яхшилаш учун хисоб - китоблар ўтказадилар, ҳамда якуний хулосалар чиқаридилар; 	<p><i>Ўқув фаолиятнинг натижалари:</i></p> <p>- Фермер хўжалигининг фаолияти ва ҳолатини ўрганган ҳолда муаммони аниқлайди ва фермер хўжалигига таалуқли муаммоларни тавсифлаб берадилар;</p> <p>-Муаммоли ҳолатнинг кўнимкаларини ва унинг шаклидаги кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимларини ишлаб топмоқ;</p> <p>Фермер хўжалигининг фаолиятини хисобга олган ҳолда муаммони ечилишнинг кетма – кетлигини аниқлайди;</p> <p>- Иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаш йўлларини, башорат қилиш, статистик маълумотлар таҳлили билан ишлаб чиқариш йўлларини оптимал вариантини танлайди ва мазкур фермер хўжалигининг хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини аниқлайди;</p>
<i>Ўқитиши услуби</i>	Кейс-стади услуги савол-жавоб, муаммоларни ечиш
<i>Ўқитиши шакли</i>	Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гурухларда ишлаш.
<i>Ўқитиши воситалари</i>	Маърузалар матни, ўкув дафтарлари, намоён материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар, жадваллар),
<i>Ўқитиши шартлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	мустакил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди.

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Ишнинг босқичлари ва вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Тайёрлов кисми (10 мин)	<p>1.1. Мазкур кейснинг мутахассислик йўналишига таъсирини тушунтиради ва танишитиради;</p> <p>1.2. Машғулотнинг номини, ўтказиш жараёнини, режалаштираётган мақсад ва натижаларни эълон қиласди.</p> <p>1.3. Ўрганиб чиқиши учун кейсга таалуқли кўлланмалар ва тарқатма материаллар тарқатади.</p> <p>1.4. Таклиф этилган «Ўракхл» бирлашмасининг фаолияти билан танишитиради.</p> <p>1.5. Мустакил ишлаш учун, холатий таҳлил варакасини тарқатади.</p> <p>1.6. Гурухларда ишлаш инструкциясини тушунтириб ўтади.</p>	Тинглайдилар ва ёзib оладилар
2-босқич Асосий кисм (130 мин)	<p>2.1. Назарий ва амалий томондан таққосланган янги материални ўрганишнинг ташкил қиласди. Бунинг учун киска тарзда бирлашмаларда хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўтчача хосилдорлиги даражасига экин майдони тарқибини ва хосилдорлигини ўзгариши кай даражада тасвир килганлигини ўрганиш хисоблаш борасида, килинадиган ишлар ҳакида назарий жиҳатдан гапириб беради. Бу эса амалий машғулотнинг режасига асосланиб, экранда жадваллар, чизмалар, расмлар тариқасида кўрсатилиди ва у шарҳланади.</p> <p>2.2. Фермер хўжалигининг холати билан музокарани ташкиллаштиради ва кўйидаги машғулотнинг асосий саволларига амалиёт билан боғлаган ҳолда жавоб беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> 1. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалиги бу даражага эришиш сабабларини айтинг ва у маркетингнинг қайси элементларидан доимий ҳолда фойдаланади? 2. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалиги максадли сегментлари ҳакида гапириб беринг. 3. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалиги шаклланётганда қандай муаммоларга дуч келган? <p>2.3. Талабаларни гурухларга бўлади ва гурухларда ишлаш жараёнини эслатади. Кейс билан ишлаш учун индивидуал ёки гурухларда ишлаш жараёни учун топшириклар беради.(1-илова Жамоа ишлаб чиқсан холатий таҳлил варакасини тўлдирадилар, мукобил гояларни танлаб оладилар ва баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Ўкув фаолиятига маслаҳат беради ва йўналтиради. Индивидуал ва жамоа иш фаолиятини “холатий таҳлил варакасини” текширади ва бақолайди.</p> <p>2.5. Презентацияни ташкиллаштиради, муҳокама қиласди ва ўзаро бақолайди.</p> <p>2.6. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалигининг фаолияти тўғрисида саволлар беришни тавсия этади. (</p> <p style="margin-left: 20px;">Натижавий ҳолда «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалиги вакилининг жавобларини машғулотнинг режасига мос равишда амалиётта боғланганлигини кенгайтириб хулоса қиласди. Шу боисдан «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалигининг имкониятлари қандай ва келажакда факат озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шугулланадими?</p> <p style="margin-left: 20px;">Йўлларни кўрсатади</p> <p>2.7. Жавобларни текшириб, баҳо беради ва муҳокама қиласди. Муаммонинг таҳлили ва холатнинг ечимига алоҳида эътибор беради. 2-илова)</p> <p>2.8. Кейснинг ўз ечим вариантини эълон қиласди ва намойиш қиласди.</p>	<p>Эшитадилар, конспектларда киска тарзда ёзib борадилар.</p> <p>Саволлар жавоб беришади ва дафтарларига ёзib борадилар. Саволларни аниклайдилар, муҳокама киладилар ва тушунмаган жойларини сўрайдилар.</p> <p>Ўкув топширикларни бажарадилар.</p> <p>Гурухлар натижаларнинг презентация қиласдилар. Дискуссияда катнашадилар, саволлар берадилар ва ўзаро баўолайдилар.</p>
3-якуний босқич (20 мин)	<p>3.1. Натижаларга якуний хуласалар қиласди, талабаларнинг эътиборини асосий нуқталарга қаратадилар, хуласалар қиласдилар ва баўолайдилар.</p> <p>3.2. «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра» фермер хўжалигининг фаолиятини таҳлил килиш талабаларнинг йўналишларига ва бўлажак қасбларига тасвирини англатиб ўтади.</p> <p>3.3. Мустакил таълим учун вазифа беради: Амалиётни назарияга боғлаган ҳолда бирон-бир корханани мисол килинг ва бу семинар дарсида муҳокама килинишини айтиб ўтади.</p>	

1-илова

Кейс билан ишлаш учун гурухларда ишлаш жараёни учун топшириқлар берилади:

1-гурӯҳ.

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Умид» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаган.

№	Экин турлари	ўтган йили		ҳисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Кузги буғдой	510	43	536	39
2	Баҳорги буғдой	154	13	186	16
3	Баҳорги арпа	67	15	52	19
4	Нўҳат	17	13	13	9
5	Шоли	96	42	112	46
6	Макка дон учун	38	28	29	34
	Ҳаммаси				

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қуийдаги кўрсаткичлар ҳисобланилсин:

- 1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
- 2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
- 3.Ўртача ҳосилдорлик индекси.
- 4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
 - b) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
- 5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
- 6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
 - b) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
 - c) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

2-гурӯҳ.

Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Ибодулла-ота» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаган.

№	Экин турлари	ўтган йили		ҳисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Кузги буғдой	245	39	265	34
2	Баҳорги буғдой	64	11	66	12
3	Баҳорги арпа	42	17	34	19
4	Нўҳат	14	16	15	15
5	Шоли	46	39	56	42
6	Макка дон учун	38	35	42	29
	Ҳаммаси				

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қуидаги кўрсаткичлар хисобланилсин:

- 1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
- 2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
- 3.Ўртача ҳосилдорлик индекси.

4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.*
- b) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.*

5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.

6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.*
- b) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.*

в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

3-гурух.

Тошкент вилояти Оққўргон туманидаги «Гулбоғ» фермер хўжалигига дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилаган.

№	Экин турлари	ўтган йили		хисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Кузги буғдой	265	38	270	39
2	Бахорги буғдой	74	12	66	13
3	Бахорги арпа	50	15	42	16
4	Нўхат	8	14	10	15
5	Шоли	56	36	64	34
6	Макка дон учун	28	32	32	29
	Ҳаммаси				

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қуидаги кўрсаткичлар хисобланилсин:

1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.

2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси.

3.Ўртача ҳосилдорлик индекси.

4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.

b) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.

6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.

b) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

4-гурх.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Т.Нормухаммедов» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган.

№	Экин турлари	ўтган йили		хисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		M_0	X_0	M_1	X_1
1	Кузги буғдой	375	39	390	41
2	Баҳорги буғдой	86	41	92	11
3	Баҳорги арпа	46	16	42	12
4	Нўҳат	16	18	14	16
5	Шоли	95	42	98	44
6	Макка дон учун	35	31	32	28
Хаммаси					

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қуидаги кўрсаткичлар хисобланилсин:

- 1.Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
- 2.Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
- 3.Ўртача ҳосилдорлик индекси.
- 4.Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
 - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
- 5.Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
- 6.Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
 - a) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
 - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
 - в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хulosса ёзинг.

2-илова

Гурӯҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

Гурӯҳ	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмуни, маъноси ва хulosаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қоникарли – 1 балл Қоникарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қоникарли – 1 балл Қоникарсиз – 0,5 балл
1.		
2.		

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмuni.

Мустақил иши – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иши - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган гояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишининг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича қўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2. Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмuni;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф холосаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларни чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;
- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;
- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли холоса ва таклифлар қилиш;
- Ёзма кўринишидаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Солик маъмуриятчилиги” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўкув

адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъерий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

1) Мустақил таълим мавзулари.

“Солик маъмуриятчилиги” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси дастури ва улардаги вазифаларнинг ижроси
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболлариiga бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъruzасида келтирилган устувор вазифалар.
3. Солик сиёсатида Солик маъмуриятчилигининг тутган ўрни ва унинг асосий йўналишлари
4. Солик маъмуриятчилигини амалга ошириш субъектлари ва давлат солик хизмати органлари билан бошқа орган ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги
5. Солик тўловчиларни ҳисобга олиш ва у билан боғлиқ тартиб қоидалар
6. Солик ва молиявий ҳисбот турлари ҳамда уларни давлат солик хизмати органларига тақдим этилишини назорат қилиш
7. Солик маъмурчилигига солик тушумлари ҳисобини юритиш ва у билан боғлиқ муносабатлар
8. Соликларни тўлаш мажбуриятини таъминлаш тадбирлари
9. Солик текширувларини ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби
10. Солик маъмурчилигига амалга ошириладиган назорат шакллари ва уларнинг аҳамияти
11. Солик қонунчилиги бузилганда содир этиладиган хуқуқбузарликлар ва унга нисбатан кўлланиладиган жавобгарлик чоралари

12. Солиқ маъмурчилигига солиқ тарғиботи ва ахборот-маслаҳат хизматини аҳамияти.
13. Солиқ маъмурчилиги асосларини амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибаси
14. Россия Федерацияси солиқ маъмурчилиги
15. Солиқ маъмурчилигини амалга оширишда Япония тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Асосий иш жойи	main place of work	основное место работы	иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ ходимнинг меҳнат дафтарчасини юритиши шарт бўлган иш жойи
Асосий фаолият тури	main activity	основной вид деятельности	юридик шахснинг ҳисобот даври якунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги тушум улуши устунлик қиласидаги фаолияти
Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот	co-products	совместно произведенный продукт	биргаликдаги фаолият натижаси бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)
бюджетдан ажратиладиган субсидия	a subsidy from the budget	субсидия из бюджета	давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет ҳисобидан бериладиган пул маблағлари; солиқ тўловчига муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига бўшайдиган маблағлар
грант	grant	грант	давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, ҳалқаро ва чет ел ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган ҳалқаро ва чет ел ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек чет ел фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига беғараз асосда бериладиган мол-мулк;
дивиденdlар	dividends	дивиденды	акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, хиссалари бўйича) тақсимланадиган соғ фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг

			бир кисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, хиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) хисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади, тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчисининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улущ (пай, хисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари
ижара (лизинг) тўлови	lease (leasing) payment	арендный (лизинговый) платеж	ижарачи (лизинг олувчи) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўлайдиган сумма
ижараага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади	interest income of the landlord (lessor)	процентный доход арендодателя (лизингодателя)	бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ аниқланадиган ижара (лизинг) тўлови суммаси билан ижара (лизинг) объективининг қийматини коплаш суммаси ўртасидаги фарқ кўринишидаги ижара (лизинг) тўловининг бир кисми
инсонпарварлик ёрдами	humanitarian relief	гуманитарная помощь	аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ноҷор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-куватлаш, табиий оғатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, епидемиялар, епизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун аниқ мақсадли беғараз кўмаклашиш. Инсонпарварлик ёрдами дори воситалари ва тиббий аҳамиятга молик буюмлар, ҳалқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек ихтиёрий равишдаги хайр-еҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан инсонпарварлик ёрдами юкларини ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш тариқасида берилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан

			ваколатли ташкилотлар орқали тақсимланади
ишларни (хизматларни) экспорт қилиш	export of works (services)	экспорт работ (услуг)	ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш
Кредит ташкилотлари	credit Unions	кредитные организации	тегишли лицензияга ега бўлган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари
Курс бўйича фарқ	exchange difference	курсовая разница	миллий валютага нисбатан чет ел валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет ел валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ
мол-мулк	property	имущество	егалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар, ҳиссалар) ҳамда номоддий объектлар
Оила аъзолари	family members	члены семьи	ер (хотин), ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ва болалар, шу жумладан фарзандликка олингандар
Оператив ижара	operating lease	оперативная аренда	молиявий ижара шартномаси бўлмаган мулкий ижара (ижарага бериш) шартномаси асосида мол-мулкни вактинча егалик қилиш ва фойдаланишга бериш
Реализация қилиш	implementatio n	реализация	сотиш, айирбошлиш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиши (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк хукукини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Ҳисобварак-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, жўнатилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи квитанциялар, чеклар ва бошқа хужжатлар реализация қилганликни тасдиқловчи хужжатлардир

ројлти	royalty	ројлти	қуидагилар учун ҳар қандай турдаги түловлар: фан, адабиёт ва санъат асарларидан, шу жумладан электронхисоблаш машиналари учун дастурлар, аудиовизуал асарлардан ҳамда турдош хукуқлар объектларидан, жумладан ижролар ва фонограммалардан фойдаланганлик ёхуд улардан фойдаланиш хукукини берганлик учун; саноат мулки обьектига, товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, маҳфий формула ёки жараёнга бўлган хукуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллукли ахборотдан (ноу-хаудан) фойдаланганлик учун
савдо фаолияти	trade activity	торговая деятельность	кайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият
солик солишининг соддлаштирилг ан тартиби	simplified taxation	упрощенный порядок налогообложения	солик солишининг айrim тоифадаги солик түловчилар учун белгиланадиган ҳамда айrim турдаги соликларни хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солик хисоботини тақдим етишнинг маҳсус қоидлари кўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби
солик қарзи	tax debt	налоговая задолженность	соликлар ва бошқа мажбурий түловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан ушбу Кодексда белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар
соф тушум	net proceeds	чистая выручка	товарлар (ишлар, хизматлар) нархida хисобга олинадиган қўшилган қиймат солигини ҳамда акциз солиги суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум
соф фойда	net profit	чистая прибыль	соликлар ва бошқа мажбурий түловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда
таннарх	cost price	себестоимость	маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур

			бўлган бошқа турдаги харажатларнинг киймат баҳоси. Таннарх бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади
товар обороти	commodity turnover	товарооборот	муайян давр ичида савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида товарларни сотишдан олинган (олиниши лозим бўлган), пулда ифодаланган маблағлар
товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум	Revenue from sale of goods (works, services)	выручка от реализации товаров (работ, услуг)	реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳак тўлаш ёки қарзни узиш хисобига тушадиган мол-мулк киймати
товарларни экспорт қилиш	export of goods	экспорт товаров	Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан товарларни, агар қонун хужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш
тўлов манбаи	the source of payment	источник выплаты	солиқ тўловчига тўловларни амалга оширувчи юридик шахс
умидсиз қарз	write-off	безнадежная задолженность	суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз
фавқулодда ҳолатлар	extraordinary circumstances	чрезвычайные обстоятельства	тарафларнинг хоҳиши-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), бошқа табиий оғатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар бўлиб, қабул қилинган мажбуриятлар шулар туфайли бажарила олмайди
фоизлар	interest	проценты	ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад, шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек депозит қўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад
ютуқ	win	выигрыш	лотереялар, ўйинлар, танловлар, мусобақалар (олимпиадалар), фестиваллар ва шу каби бошқа

			тадбирларда олинган, натура ҳолида ёки пулда ифодаланган тўловлар, совринлар ва бошқа даромадлар
яқин қариндошлар	close relatives	близкие родственники	ер, хотин, ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, боболар, бувилар, неваралар
Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларинин г ягона реестри	Unified Register of Taxpayers of the Republic of Uzbekistan	Единый реестр налогоплательщик ов Республики Узбекистан	солиқ тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими
қайта ишлишга берилган хом ашё ва материаллар	tolling and materials	давальческое сырьё и материалы	буортмачига тегишли хом ашё ва материаллар бўлиб, буортмачи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишишга беради ҳамда тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буортмачига қайтарилади
хужжат билан тасдиқланган харажатлар	documented expenses	документально подтвержденные расходы	операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар.

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

5. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

9. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

10. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

11. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishchalar chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-son qonuni

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен” маҳсус индустрiali зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 2012 йил, 14 апрель

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 4 декабр

II. Махсус адабиётлар.

14. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.

15. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011

16. Alimardonov M.I., Xudoyqulov S.K., Yusupov O.A., Agzamov A.T. Yuridik shaxslarni soliqqa tortish: Darslik. – T.: TDIU, 2013. - 320 b.

17. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб.и доп.- Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2009. – 227 с.

18. Пономарев А.И., Игнатова Т.В. Налоговое администрирование в Российской Федерации. М.: Финансы и статистика, 2006. - 288 с.

19. Налоговое администрирование: учебное пособие / кол. авторов; под ред. Л.И. Гончаренко. - М.: КНОРУС, 2009. - 448 с.

20. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика: учебник для вузов / В.Г. Пансков. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2010. - 680 с.

21. VahobovA.V., MalikovT.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: “Noshir”, 2012. 712-bet.

22. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

23. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик / Тошкент Молия Институти. – Тошкент: “Ношир”, 2011. 712-бет.

24. Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. Учебник - М.: ЮНИТИ, 2010.- 559 с.

25. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение: теория и практика Учебник.– М.: - Юрайт, 2011 – 680 с.

26. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Дарслик. Т.: Incom.uz МЧЖ- 2010. - 500 б.

27. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.

Интернет сайлари

28. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.

29. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

30. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

31. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

32. <https://soliq.uz/> Ўзбекистон Республикаси Солик қўмитаси сайти.

33. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

34. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.